

**ТУРОПОВ И, НОМОЗОВ Х, СОДИҚОВА Г**

# **ЕР КАДАСТРИ**

*(Үйгүв құлланма)*

**ТОШКЕНТ–2007**

«Ер кадастри» фанидан ўқув кўлланмада Ер турлари ва атамалари, Шўрланган ерларни ҳисобга олиш тартиби, Суғориладиган ва лалмикор ерларни руйхатга олиш тартиби, Ер кедастри китобини юритиш бўйича кўрсатма, ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ер мониторинги кенг ёритилган.

Мазкур ўқув кўлланмадан агрокимё ва тупроқшунослик йўналишидаги, барча мутахассислик магистрлари, иқтисод ва бухгалтерия ҳисоби мутахассислиги бакалаврлари, илмий ходимлар ва профессор ўқитувчилар фойдаланиши мумкин.

**Тақризчилар:** С.АЗИМБОЕВ - биология фанлари доктори, профессор.

А.АХМЕДОВ - қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.

© «ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»  
ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ, Т.2007 Й.

*"Ер-юртимишинг энг асосий бойлигидир..."*

*И.А.Каримов*

## **КИРИШ**

Хозирги кунда қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган ерларни муҳофаза қилишга эътибор берилмоқда. чунки мамлакатимизда умумхалқ мулки бўлган ерни муҳофазалаш ва ундан фойдаланиш конституцион аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида «Ер, ер ости бойиклари, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойиклар, ундан оқилона фойдаланиш зарур, чунки улар давлат муҳофазасидадир», - деб белгилаб қўйилгано

Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан олиб борилаётган жамият хаётининг ҳамма соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган ижтимоий – иқтисодий қайта қуриш сиёсати, ер муносабатларини тартибга солишга ер ресурсларидан унумли фойдаланиш даражасини оширишга объектив шароитлар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарор-лик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида ер заҳирала-рининг чекланганлиги ва сифат таркибининг пастлиги билан боғлиқ хавф тўхтовсиз ортиб бораётганлиги, айни вақтда ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, балки мамлакатимизнинг келажагини белгилаб берувчи омил эканлиги, шунинг учун ҳам ерларни муҳофaza қилиш, улардан ўта самарадорлик билан ва оқилона фойдаланишни йўлга кўйиш замонамизнинг энг долзарб масаласи эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини изчиллик билан жадаллаштириш ер фондидан оқилона фойдаланиш, суғориладиган ҳар гектарнинг хосилдорлигини, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар ечимини ишлаб чиқиш ғоят катта аҳамият касб этади. Бу борада тупроқ унумдорлигини сақлаш, уни йил сайин мунтазам ошириб бориш қишлоқ хўжалик мутахассислари зиммасидаги муҳим вазифалардан хисобланади.

Республикада қишлоқ хўжалигидан фойдаланиладиган ерларни мелиорациялашга бениҳоят катта эътибор қаратилган бўлиб, ерларни лойихалаш, мелиоратив тизимларни қуриш ва фойдаланиш ҳамда мелиоратив тадбирлар ўтказишга давлатнинг катта маблағлари ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси истиқололга эришиши, мустақил давлат деб эълон килиниши ва хукукий жамият қуриши, ўз худудида ер муносабатларини тартибга солища ва ривожлантирища тўла мустақилликка эришганлиги, унинг ерлардан оқилона фойдаланиши, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва муҳофaza қилиш-нинг хукукий асосини яратиш ва такомиллаштишириш имконини беради. Мамлакатимиз аграр соҳасида ислоҳотларни хукукий

жиҳатдан таъминлаш мақсадида бир қанча қонунлар қабул қилди. Шу жумладан, ер муносабатларини хукуқ асосида ривожлантириш ва тартиба солиш, ерлардан оқилона фойдаланиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлиги ошириш, ер тузиши ишларини олиб бориш, ернинг сифат баҳосини аниқлаш, хўжалик фаолиятига баҳо беришга ва ҳоказоларга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси" ҳамда "Давлат ер кадастри" тўғри-сидаги қонун ва бошқа қишлоқ хўжалиқдаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий хужжатлар қабул қили-ниши Республикаизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта хисса қўшиш билан бирга, келажак авлодларимизга соғлом, унумдор ерлар колдириши йўлида катта қадам бўлади, негаки инсонларни тақдири қўп жиҳатдан ер, тупроқ тақдирига боғлиқдир.

Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ерларнинг яхшилашнинг асосий вазифалари – тупроқ шўрланиши ва ботқоқланишини олдини олиш жараёнларга карши курашиш, кўриқ ерларни ўзлаштириш, сув ва шамол эрозиясига қарши курашиш, ерларни рекультивациялаш, тупроқнинг зичланиши ва гумус миқдори камайишининг (дегумификация) олдини олиш, тупроқ ифлосланиши ва саҳроланишига, шунингдек бошқа салбий жараёнларга қарши курашиш хисобланади. Мелиоратив тадбирлар тизимлари ҳар хил шароитдаги минтақалар учун турлича бўлиб, бу тадбирларни ишлаб чиқиши тупроқларнинг пайдо бўлиши (генезиси) ва уларнинг ҳоссалари тўғрисидаги чукур билимга эга бўлишни тақозо этади.

Тақдим этилаётган қўлланма ҳозиги кунда долзарб бўлган Республикаизда, ерлардан оқилона фойдаланиш, Республика ер ресурслари, қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ерлар тўғри-сида ва улардан фойдаланишда кадастрнинг аҳамияти, тупроқ бонитировкаси, ерларни иқтисодий баҳолаш, тупроқларнинг унумдорлигини ошириш, тупроқ мониторинги ва бошқа масалаларга қаратилган ва янги маълумотлар асосида ёритилган.

Тавсия этилаётган ушбу қўлланмада муаллиф Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари кўмитасининг Миллий ҳисоботидан ҳамда А.З.Генусов, Х.М.Максудов, Л. А. Гафурова, Р.Қ.Кўзиев, Э.Қ.Курбонов Ж.М.Махсудов, Ф.А.Толипов, А.Х.Абдуллаев, И.Акрамов, қ.Рахмонов, А.Бобоҷонов, А.Турсунов ва бошқаларнинг маълумотларидан кенг фойдаланилган ҳолда тузилган.

Кейинги йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» ва «Фермер хўжаликлари тўғрисида», «Дехқон хўжаликлари тўғрисида» ги қонунлари ва бошқа меъёрий хужжатлари ердан фойдаланувчи ва ер эгаларининг ҳукуқларини, уларга берилиган ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишдаги жавобгарликни

оширишни ҳамда тупрокларни табиий ҳолатини сақлаш ва уларнинг унумдорлигини оширишни таъминлаб келмоқда. Амалдаги хўжалик юритишнинг янги шакллари фермер ва дехқон хўжаликлари хусусий мулқдорлар ердорлар синфини шаклланишига имкон беради.

Айниқса ер устки унумдор қатлами бўлган тупрок-республи-канинг базали ресурси сифатида яқин келажакда ҳам зарур қиши-лоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш манбаи бўлиб қолади.

Ҳозирги вақтда республиканинг 44410,3 минг гектар умумий ер майдонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 22614,0 минг гектар бўлиб, умумий ер салоҳиятининг 50,9 % га тўғри келади. Аммо, интенсив дехқончилик факат 4278,0 минг гектар, ёки умумий майдоннинг 9,6% га тенг сугориладиган ерларда олиб борилади холос. Бу ерлар ҳар хил табиий-кишлоп хўжалик регионларида жойлашган бўлиб, турли мелиоратив, экологик шароитлар билан ҳар хил даражадаги ҳосилдорлик билан тавсифланади. Буларнинг ҳаммаси давлат томонидан ерларнинг ҳолатини ва фойдаланишини доимий кузатиб бориш, назорат юритиш ва таҳлил қилиб боришни талаб этади.

Мутахассис ва ўқитувчиларнинг ўз фикр ва мулоҳазаларини қуйидаги манзилга юборишлари сўралади. Тошкент-140, ТошДАУ, Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси.

**ЎЗБЕКИСТОН ЕР РЕСУРСЛАРИ. ЕРЛАРДАН Оқилюна  
Фойдаланишни ташкил қилишда ер кадастрининг  
Аҳамияти**

Ўзбекистон табиий-иқлим шароитларининг – иқлим, рельеф, тупроқ пайдо қилувчи жинслар, гидрологик холатлари мураккаблиги бу ерда тупроқларнинг хилма-хил бўлишини ва қишлоқ хўжалигида фойдаланган ерларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

**Ўзбекистонда тарқалган асосий тупроқ типлари ва типчлари**

Тупроқлар	Майдони, минг.га	% ҳисобида
А. Тоғ ва тогодди тупроқлари		
1. Баланд тогларнинг оч тусли кўнгир тупроқлари	540	1,2
2. Ўрта тогларнинг жигарранг ва кўнгир тупроқлари	1160	3,7
3. Тўқ тусли бўз тупроқлар	1050	2,7
4. Типик бўз тупроқлар	3050	6,8
5. Оч тусли бўз тупроқлар	2590	5,8
6. Ўтлоқи – бўз ва бўз-ўтлоқи	780	1,8
7. Бўз тупроқлар минтақасининг ўтлоқи тупроқлари	670	1,5
8. Бўз тупроқлар минтақасининг ботқок-ўтлоқи тупроқлари	70	0,2
Жами	10410	23,4
Б. Чўл зонасининг тупроқлари		
9. Сур-кўнгир тусли тупроқлари	11025	24,8
10. қумли чўл тупроқлар	1370	3,1
11. Тақирли тупроқлар ва тақирлар	1780	4,1
12. Ўтлоқи-такирли ва тақирли- ўтлоқи тупроқлар	460	1,0
13. Чўл зонасининг ўтлоқи тупроқлари	1790	4,1
14. Чўл зонасининг ботқок-ўтлоқи тупроқлари	50	0,1
15. Шўрхоклар	1270	2,9
16. қумлар	12100	27,2
Бошқа ерлар (тоғ қоялари, сув юзаси)	4150	9,3
Жами (чўл зонаси бўйича)	33995	76,6
Республика бўйича жами	44405	100,0

Жадвалдан кўриниб турибдикি, тупроқларнинг тўртдан уч қисмини (76,6%) чўл зонасида тарқалган, улар асосан сур-кўнгир тусли, чўл қумли тупроқлар ва қумлар (31,3 %). Тоғ ва тоғ олди зоналар тупроқлари 23,4 %ни ташкил қилиб, у ерда бўз тупроқлар (15 %), гидроморф тупроқлар, жигарранг, оч-тусли кўнгир баланд тоғ тупроқлар тарқалган.

Тошкент вилоятида асосан тип бўз тупроқ, тўқ тусли бўз тупроқ, ботқок-ўтлоқи, ўтлоқи ботқок, бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-бўз, жигарранг тупроқлар учрайди.

Тупроқларнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланиши, уларнинг жойлашган худудига, рельефига, гидролик шароитига ва бошқаларга боғлиқдир.

Ўзбекистоннинг ерларидан 2000 йил 1 январь ҳисобида қишлоқ

хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 25789,8 минггани, яъни республика ер фондини 58,1 % ташкил этади.

Вилоятлар	Умумий майдон, минг га	KFx да фойдал. ерлар, минг га	% ҳисобида умумий майдонига нисбатан
қорақалпогистон Республикаси	16100,6	5294,4	32,8
Андиқон	430,3	253,0	58,8
Бухоро	419,7	2914,6	69,5
Жиззах	2117,8	1241,4	58,6
қашқадарё	2856,8	2231,0	78,1
Навоий	10937,4	10140,0	92,7
Наманган	717,5	395,8	55,2
Самарқанд	1677,4	1301,3	77,6
Сурхондарё	2009,9	1185,6	59,0
Сирдарё	427,6	298,5	69,8
Тошкент	1513,2	774,9	51,2
Фарғона	715,3	319,2	44,6
Хоразм	681,6	403,7	59,2
Тошкент ш.	31,2	0,2	0,6

Яйлов ва пичанзорлар, шу жумладан сугориладиганлари 22263,4 минг.га (2000 йил 1 январь) ҳайдалмаган ерлар 4056,6 шу жумладан сугориладиганлари 3313,6 минг.га кўп йиллик дараҳтзор ерлар, шу жумладан сугориладиганлари 337,1 минг.га.

қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларни илмий асосланган тарзда ҳисобга олиш, оқилона фойдаланиш, баҳолаш имконини ер кадастри беради. Ер кадастри француз тилида “cadastre” – реестр, яъни рўйхат деган маънени билдиради, - ернинг табиий хўжалик ва ҳуқуқий ҳолати ҳақидаги зарур маълумотлар йигиндиси тушунилади. Ер кадастри қуйидаги таркибий қисмлардан изборат: ерга эгалик килиш ва ердан фойдланишни рўйхатдан ўтказиш, ерларнинг миқдорий ҳисоби, ерларнинг си-фат баҳоси – банитировкаси, ерларни иқтисодий баҳолаш. Тупроқларни ҳар томонлама яхшилаш, унинг унумдорлигини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги келгусидаги ривожининг муҳим масалаларидан биридир. қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширишни ошириш ердан тўғри ва самарали фойдаланиш билан билан боғлиқдир. Ана шу вазиятда ер кадастрининг аҳамияти каттадир. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ти ва бошқа қонунлар мөъёрий хужжатлар қабул қилиниши ер кадастрига бўлган муносабатни янада кучайтириб юборади. Натижада ердан фойдаланиш ва ерга эгалик қилишда янги шакллар юзага келди, уларга ҳуқуқий асос яратилди.

Ер кадастрини тузиш давлат аҳамиятига молик тадбир бўлиб, унда тупроқ бонитировкаси алоҳида ўрин тутади. Тупроқ бонитировакасини

асосий мақсади, ерларни табиий барқарор хусусиятлари ва хўжалик шароитида фойдаланиш жараённида олган хусусиятлари бўйича баҳолашдан иборат. Тупроқ бонитировкасининг натижалари ер майдонларини иқтисодий баҳолашда ягона асос бўлиб хизмат қиласди. Тупроқ бонитировкаси натижалари республикамиз майдонларини табиий – қишлоқ хўжалик кадастри районларига ажратишда, тупроқларни агрономик ишлаб чиқариш гурухларига ажратишда, қишлоқ хўжалик экинларини районлаштиришда ерни баҳолаш харитасини тузишда, кадастри китобини юритишда ва бошқаларда фойдаланиллади.

**Ўзбекистон Республикаси тупроқларини сифатини баҳолаш  
(сугориладиган к/х ерлар жами майдони гектар хисобида)**

Вилоятлар	Ёмон ерлар		Ўртача паст.ер.		Ўртача ерлар		Яхши ерлар		Энг яхши ерлар		Жами	Ўртача балл.		
	I синф	II синф	III синф	IV синф	V синф	VI синф	VII синф	VIII синф	IX синф	X синф				
	Бонитет балл													
	0-10	11-20	21-30	31-40	41-50	51-60	61-70	71-80	81-90	91-100				
1.коракалпогистон Рес.	1919	21528	240611	71268	49494	24912	6801				416533	41		
2.Андижон	97	7780	28572	32812	42786	57101	51679	8728			229555	60		
3.Бухоро	326	10844	38944	43966	24638	61265	30302	537			210822	53		
4.Жиззах	105	3607	40717	143261	48533	30379	7413	2809			276824	50		
5.кашкадарё		3455	71977	198976	87416	49975	24561	9019			445435	51		
6.Наманган	235	13499	45776	47117	36667	32553	33383	18181	1301		228941	59		
7.Навоий	3358	9618	15253	17668	18200	20423	12853	2099			99472	52		
8.Самарканд	41	2044	28836	72008	87471	57854	40197	17409	547		306419	57		
9.Сурхондарё	1898	5118	48545	49845	60367	50320	35466	17675			269234	60		
10.Сирдарё	144	7302	66610	94579	55203	40414	4840				269092	49		
11.Тошкент		2549	37103	86240	67499	73902	45828	15887	29		329121	59		
12.Фарғона	1426	8043	59139	56142	83586	67580	33001	5570	452		314939	56		
13.Хоразм	1856	9174	32812	40968	36989	58138	20451	4378	952		205718	54		
Республика бўйича	11405	104561	754895	954850	698849	624816	346775	102292	3281		3602105	55		

**ЕР ТУРЛАРИНИНГ АТАМАЛАРИ ВА ТУРКУМЛАР**

1. қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш учун фойдаланилдиган экин турлари. қишлоқ хўжалик экин турларига шудгор, бўз, кўп йиллик кўчатлар, пичанзор ва яйлов ерлар киради.
- кишлоқ хўжалик экин турларини ишлаб чиқаришда қайта ишлаб бериб, экин турларини экиб, бунда кўп йиллик ўсимлик бор ерлар ва экин йигиб териб олинган хайдалган ерлар киради. Пичанзор ва яйлов ерларнинг олдиндан экин экилган (икки йил давомида) ерлари, унумдорлигини ошириш мақсадида хайдалган ерлар, шунингдек боғ оралиқларидағи экин экиш учун фойдаланган ерлар шудгор
2. Шудгор

	ерларга кирмайды.
3. Кўп йиллик кўчатлар	Сунъий равишида дараҳт, бутазорлар ёки кўп йиллик ўтсимон кўчатлардан мева олиш мақсадида ва доривор маҳсулотлар олиш учун мўлжаллаган қишлоқ хўжалик ерлари. Кўп йиллик кўчатларга боғ узумзор, олулар, хосилдор кўчатхона ва плантациялар киради.
4. Боғ	Мевалар олиш учун экилган кўп йиллик экинлар.
5. Узумзор	Узум етишириш экилган топзорлар.
6. Мевали (узумли) кўчатхона	Мевали экин кўчатларни етишириш учун мўлжалланган кўчатхона ерлар. Кўчатхона ер майдонлари қўйидагилардан иборат: уруғ олиш, экин экиш бўлими, мактаб, қаламчалар бўлими ва қаламчалардан кўчат тайёрлаш.
7. Плантация	Махсус техник, доривор, озук овқат гуллар ва маданий экинларни етиширишга мўлжалланган ер майдонлари. Плантация тут, эфир – мой экинлари, чой, гул ва бошқа кўчатлар билан боир бўлиши мумкин.
8. Бўз ерлар	Аввал шудгор килиниб, бир неча йил давомида хайдалмай, қишлоқ хўжалик экинларини ўтган куздан бери экилмай қолган ер майдонлари.
9. Сувли пичанзор	Текислик, кияликларда ва сув ирмоқлари жойлашган тепапастликларда ёғингарчилик ҳисобига сув йигиладиган ерлар. Сувли пичанзорларга шунингдек дарёларнинг қирғол бўйидаги кисқа муддатга сув қўйиладиган ерлар киради.
10. Тоза пичанзор	Бунга 10% гача ер майдонини бута, дараҳт, тош, кумлик эгаллаган ерлар.
11. Буталашган ёки сийраклаш- ган пичанзор	Бутазор ва дараҳт симон ўсимликлар билан қопланган шунингдек ер майдонинг 10-30 т. гача эгаллаган.
12. Яйлов	қишлоқ хўжалигида чорво молларини ўтнатишда асос оган фойдаланиладиган ер, шунингдек бўз бўлмаган ва ўриб олиш учун мўлжалланган ерлар.
13. Ўзлаштирилган яйлов	Ботқоқлаш олдини олиб, ўсимлик ўтлрни яхши ривожланишини таъминланган ер. Дарё бўйи ерларда ва юкори эрозияга учраши мумкин бўлган ерларда ботқоқлашиб холати кўпроқ. Чўл ва ярим кўл зоналарда яйловларни яхшилаш мақсадида бута ва ярим бутазорлар экилган яйловлар ўзлаштирилган яйловга киради.
14. Маданий яйловлар	Бунда керакли чора тадбирлар ўтказиш натижасида, (юзани ёки чукур) ишлов беришида яхши ўтлоқлар етиши, тартиб билан ишлов бериб туриш, ўгит солиши ва чорвани маълум вақтда ўтлатиш.
15. Тоғ яйлови	Тоғ тизмалари бошлангандан ва ундан юкори, баландлигидан қатъий назар рельефининг жойлашганлигининг ахомиятисиз яйловлар Тоғ тизмаларига Помир, Тянь-Шань (бунда Фарғона водийси мустасно).
16. Чорва учун	Мавсумий чорва моллари хайдаб бокилладиган яйлов (ёз, куз,

мўлжалланган яйлов	киш ва баҳор).
17. Сувли яйлов	Сув иншоотлари ўтиб (кўл, дарё, сой, ховуз, сугориш ёки канал, сув кувурлари ёки кудук), боқиладиган чорва молларини сув билан таъминлаб, чорва молларини бемолол сугориш жойларининг яхши жойлашиши мумкин бўлган ерлар. Дарё, кўл ва канал қирғоқлари атрофида жойлашиб, уларга чорва молларининг келишини кулагилиги ва мавсум давомида сув билан тўлиқ таъминлай олиши сувли яйловлар дейилади.
18. Тоза яйловлар	Бу яйловларда бутазор, тўккалар, дараҳт ва тошлардан холи ёки 10% ер майдонини қопланган ерлар.
19. Тўлиқ яйловлар	Бу яйловларда ўтларнинг бир неча йил давомида тегилмаслиги оқибатида ҳар хил ўтлар ўсиб кетиш ва сифатини бузилиш мумкин бўлган ер майдонлари.
20. Ўрмон ерлари	Ўрмон билан қопланган ва ўз ичига ўрмон дараҳтлари, ва жар олди дараҳтзорлар, ботқоқ олди, қиялик олди, дарё, сув хавзалари, кумликларда, нокулай ерларда, ўрмон боғларида, ўрмон ниҳолхоналари, шунингдек кесилган, ёнган ўрмон дараҳт (сийрак) қуриб болган ўрмон дараҳтзорлари.
21. Ўрмон билан қопланган ерлар	Дараҳт ва бутазор ўсимиклари билан экилиш тўлиқлиги 0,3 дан 1 гача бўлган ўрмон ер майдонлари.
22. Ўрмон маданий ўсимиклари	Сунъий равища етиширилган (кўчатлар) ниҳоллар
23. кўшилмаган ўрмон маданий ўсимиклари	Ўрмон ер майдонларига ўтказилмаган сунъий равища етиширилган (кўчатлар) ниҳоллар.
24. Ёнган ва нобуд бўлган ўрмон кўчатлари	Ёнгин оқибатида, сув остида кўп қолиш, касалланиб ёки кушондлар таъсирида ўрмон кўчатларининг нобуд бўлиши.
25. Ўрмон кўчатхонаси	Ўрмон маданий кўчатларини етиширадиган ер майдонлари. Ўрмон ниҳолхонаси кўчатхона ер майдонига: кўйидагилар киради: уруғ олиш плантацияси, экиш бўлим, мактаб, кўкарган қаламчалдар бўлими ва қаламга кўчатхоналар.
26. Далаларни химоя қилувчи прмон дараҳтзорлари	Далалардаги алмашлаб экш экин ер майдонларини химоя килиш ихота дараҳтзорлари, ва сув ва шомол эрозиясидан сақлаш учун экилган ўрмон дараҳтзорлари, шунингдек ўра нокулай оби-хаво шароитларидан химоя қилиш учун экилган дараҳтзорлар.
27. Жар олди ўрмон дараҳтлари	Жарлик ёки зовур олдида экилган ихота дараҳтзорлари.
28. қирғоқ олди ихота дараҳтлари	Дарё, кўл, сув хавзалари олдида сув таъминотини сақлаш, қирғоқларни ювимидан сақлаш, сув хавзаларини ифлосланишидан химоя қилиш ва нихоят атроф муҳитни

	яхшилаш максадида экилган дарахтлар.
29. Химоя дараҳтзорлари	күмликларда бир кторда тартиб билан экилган, киялик, канчликларда шамол эрозиясидан саклаш максадида ўтказилган дараҳтзорлар.
30. Жарлик	Ер рельефини эрозия оқибатида 1 метрдан чукур бўлган ёки тупроқ қатламининг яхши эмаслигидан ва тупроқ қатлами горизонтининг пастки генетик қисмларининг очилиб қолиши.

## **ЕР МИҚДОРИНИНГ ҲИСОБИНИ ОЛИБ БОРИШ.**

Ерни ҳар томонлама яхшилаш, унинг ҳосилдорлиги ва иқти-садий самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги келгусидаги ривожининг мухим масалаларидан биридир. қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиширишни кўпайтириш ердан тўғри ва самараали фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир. У ўз навбатида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни илмий тизимини тақозо этади.

Ерни унумдорлигини ва иқтисодий самарадорлигини ҳар томонлама ошириб бориш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритишнинг илмий тизими асослари ва ердан юқори маҳсулдор-лик билан фойдаланишидир.

Ердан тўғри фойдаланиш, замон ва маконда ҳар хил ўсимлик турларининг илмий асосланган кетма-кетлиги, тупроққа экологик тоза ишлов бериш усуллари, ўғитлаш, қулай агротехника муддатларидан муайян технолгик кетма - кетликда фойдаланиш, ўсимликларни қасаллик ва зараркунандалардан химоя қилиш, тупроқ эрозиясига карши кураш каби муайян элементлар аниқ йўл билан бошқаришни талаб қиласди. Ердан муайян фойдаланувчилар ва ҳисоб ҳужжатлари туман миқёсида қайд қилинади.

Ерларни баҳолаш учун (кадастр) районларига ажратиш, Республика, вилоят ва туманларда шу жойларнинг тупроқлари, иқ-лими, технологияси ва бошқа фарқлари, шунингдек, хўжалик-нинг ихтисослашганлиги хисобга олинган ҳолда мамлакатнинг умумий табиий - қишлоқ хўжалик районларига ажратиш схемаси бўйича бажарилади. Умумий табиий қишлоқ хўжалик районларига ажратиш схемасига мос равишда Ўзбекистон Республикасининг кадастр районларга ажратилади.

Ерларни баҳолаш мақсадида табиий текислик провинциялар ва тоғли вилоятлар мамлакатининг умумий районлаштириш схемасига асосан табиий округ ва ер баҳолаш районларига ажратилади.

Табиий округлар асосан агроиклим, геоморфологияси ва туп-роқ мелиоратив белгилари ўхшаш бўлгани учун ажратиладилар. Текислик провинцияси доирасида округларнинг характерли белгилари шулардан иборатки, қишлоқ хўжалик ер турларининг контурлари маълум миқдорини белгиловчи ва ернинг бошқа табиий технология хусусиятларини кўрсатувчи геоморфологик шароитлари бир хиллигидир.

Республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган ер майдони 28 млн. гектардан ошироқ. Биринчи қарашда ер майдони кўпга ўхшаб кўринсада, аслида қишлоқ хўжалигига интенсив фойдаланиладиган ерлар, асосан, сугорила-диган майдонлар бўлиб-4,28 млн. гектарга тенг. Бу ерлар ҳакиқаттан ҳам республикамизнинг «олтин фонди»ни ташкил этади ва уларда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95 фоизидан ошироғи етиштирилади.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон қадим замонлардан бери дунёда сугорма дехқончиликнинг марказларидан бири бўлган. Узоқ йиллар давомида бу тупроқлар ўз унумдорлигини йўқот-маган, аксинча дехқон фаолияти натижасида хосилдорлик ошиб борган. Лекин биз яшаётган асрнинг ўрталарига келиб, айниқса кейинги 30-40 йил давомида, ерларни бир томонлама эксплуатация қилиш – қандай бўлмасин факат асосий экиндан юқори хосил олиш учун уриниш бир қатор ноxуш ҳолларга олиб келди. Энг аввало, уларнинг мелиоратив холати ёмонлашди. Кейинги йигирма йил давомида шўрланган ерлар миқдори 850 минг гектарга кўпайди ва умумий майдони 2 млн. гектардан ошди, бу сугориладиган ерларнинг ярми демакдир. Тузлар тўпланиши ва ерларнинг шўрланиши чўл минтақаси ва оч тусли бўз тупроқлар поясида, яъни қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сирдарё вилоятларида, қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона вилоятларининг бир қисмida кучайиб кетган. Бундан ташқари гипсли тупроқларнинг ўзлаштирилиши ерларнинг чўкишига ва тезда қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Тупроқларнинг иккиласмчи шўрланишини келтириб чиқара-диган сабаб - минерализациялашган грунт сувларининг ер юзасига яқинлигидир. Сугориш сувларининг катта меъёрда ишлатилиши грунт сувлари сатхининг кўтарилишига сабаб бўлди. Бугунги кунда грунт сувлари кам минерализациялашган (1-3 г/л) майдон 1,5 млн.гектарни, ўртача минерализациялашган (3-5 г/л) - 0,7 млн.гектарни ва кучли минерализациялашган (5 гм) - 0,5 млн. гектарни ташкил этади.

Тупроқларнинг унумдорлигига шамол ва сув эрозиялари катта таъсир кўрсатади. Бугунги кунда 2 млн. гектардан ошироқ ер дефляцияга, жумладан 0,7 млн. гектар ер кучли дефляцияга учраган, 0,5 млн. гектар ерда ирригация эрозияси юз бериш хавфи бор. Бундай ерлар тог олдида жойлашган вилоятлар, айниқса, Фарғона водийси адирларида кўплаб учрайди. Эрозия натижасида гектаридан 0,5-0,8 тонна гумус, 100-120 кг азот, 75-100 кг фосфор ювиб олиб кетишлиши мумкин.

Республика тупроқларининг асосий қисми ҳар хил пестицидлар, заҳарли кимёвий моддаларнинг қолдиклари билан ҳар хил даражада ифлосланган. Улар етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг

сифатини ёмонлаштириши билан бир қаторда фойдалы тупроқ микроорганизмларининг фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон тупроқларида макроструктура кам, лекин улар кучли микроструктурага эга. Лекин, резина гидравлик тракторларда бир неча бор ишлов бериш натижасида тупроқларнинг микроструктураси ҳам парчаланиб кетади, зичлиги, айникса, ҳайдов ости қатламишининг кескин зичлашуви кузатилмоқда. Бу ҳол ўз навбатида тупроқ унумдорлигининг асосий кўрсаткичлари-дан бири, сув ва ҳаво режимларининг бузилишига олиб келади.

Суғориладиган тупроқларда гумус моддасининг камайиб кетиши кузатилмоқда. Озуқа элементларининг асосий қисми ўсимлик биомассаси билан тупроқдан олиб чиқилиб кетмоқда ва тупроққа қайтиб тушадиган ёки сунъий ўғит сифатида бериладиган миқдори сезиларли даражада кам, демак дехқончиликнинг асосий қонуниятларидан бири - ерга «қайтариш» конуни бузилган. Натижада суғориладиган ерлар камбағаллашиб кетган, уларнинг физикавий - кимёвий хусусиятлари ёмонлашган. Шуни таъкидаш лозимки, бунга алмашлаб экишга эътиборсизлик, пахта якка хокимлиги ҳам катта сабабчи бўлади.

Юкоридагилардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигига фойдаланилаётган ерларимизнинг мелиоратив - экологик ҳолати ёмон, демак унумдорлик даражаси юқори эмас. Лекин ҳамма жойда ҳам шундай дейиш хато. Илму-фаннынг асосли тавсияларига, минглаб йиллик дехқончилик тажрибаларига таяниб ишлаётган дехқон, фермер, ширкат хўжаликларида тупроқ унумдорлиги камаймасдан, балки ошганлиги кузатилмоқда. Демак, тупроқларнинг ишлаб чиқариш потенциали юқори, масала уни қандай қилиб самараали унумдорликка айлантиришда. Бунга қандай эришиш мумкин?

### **ТУПРОҚ ХАРИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.**

Тупроқ хариталари ва картограммаларидан ишлов бериш ва ўғитлаш системаларини, тупроқларни мелиорациялаш ҳамда бонитировкалаш турларини аниқлашда фойдаланилади. Тупроқни далада текшириш иши, асосан, текширилмоқчи бўлган жойнинг табиий шароити ва тупроғи ҳақидаги адабиётларни тўла ўрганиб чиқишдан иборат. Шунингдек, шу жойнинг топографик асоси, плани, ва тупроқларнинг схематик рўйхати ўрганиб чиқилади. Тупроқни далада текшириш учун куйидагиларни таиёрлаш керак: топографик асос, дала кундалик дафтари, тупроқ айирмаси, чукурни ёзиш учун маҳсус дафтари, рангли ва оддий (кора) қалам, ўчиригич, намуна олиш учун коп ёки қоғоз, канон ёки йўғон ип, рулетка ёки пўлат метр, ўткир белкурак, ўткир калин пичоқ, чарм ёки брезент сумка, рюкзак ёки қоп, компас, блокнот, монолит ( $100*20*8$ ) ва

оддий яшик, бурама ва оддий мих, отвёрка, болгача, дала соябони, реактивли яшик ( $\text{HCl}$ ,  $\text{BaCl}_2$ ,  $\text{AgNO}_3$  ларнинг 10% ли эритмаси, фенолфталеин), пробирка, воронка, фильтр ва дистилланган сув, лупа, эклиметр, визирли чизгич, тупроқ пармаси (бура) гербарий учун тайёрланган симтүр. Бу кўрсатилганларни тайёрлаб, жамоа ёки ширкат хўжалик територияси билан танишиб чиқилгандан сўнг тупроқни текшириш бошланади. Тупроқ харитасини чизиш ва анализ қилиш учун даладан намуналар олинади. Хўжаликларда ерлардан тўғри ва самарали фойдаланиш тупроқ хариталари, тупроқ ва агрокимёвий харитаграммалари асосида олиб борилиши лозим.

Тупроқ харитаси-маълум територия (хўжалик, туман, вилоят каби) тупроқ қопламини маълум масштабда кичрайтирилган ҳолда қофозга акс эттириш демакдир.

кандай масштабда чизилганига қараб тупроқ хариталарининг кўйидаги хиллари ажратилади;

Кичик масштабли хариталарда (1:300000 дан кичик) вилоятлар, ўлкалар, республикалар ва шунингдек бутун мамлакат тупроқ- қоплами акс эттирилади. Улардан ер фондларини ҳисобга олиб бориш (тупроқ географик районлаштириш ва ҳоказо) учун фойдаланилади.

Ўргача масштабли хариталар (1:300000-1:100000) асосан йиғма ва обзор тарзида бўлади, улар агротупроқ районлаштиришни ўз ичига олади ва планлаштирувчи ҳамда раҳбар органларга мўлжалланади.

Йирик масштабли хариталар (1:50000; 1:25000; 1:10000) ширкат хўжаликлар учун тузилади.

Мукаммал хариталар (1:5000-1:200) илмий текшириш муассасалари (тажриба станциялари, институтлар ва бошқалар)нинг экин майдонларида тузилади. Улар асосида хўжаликларда айрим участкаларниң захини кочириш ва суғориш, боғлар, токзорлар барпо қилиш, тажриба ва нав синаш участкаларини ташкил этиш кабилар лойиҳаланади.

Хўжаликлар (жамоа, фермер) тупроқ қоплами харитасини тузиш учун масштаб (1:50000 дан 1:10000 гача) текшириладиган худуднинг рельефини, тупроқ қопламини, хўжаликнинг ихтисослашувини ҳисобга олиб танланади. Ўзбекистон пахтачилик хўжаликларининг одатда рельефи текисроқ бўлган шароитда 1:10000 масштабли тупроқ хариталари тузилади. (1см да 100м).

Харитаграмма-қишлоқ хўжалик экинлар майдонларининг тупроқ харитаси масштабида чизилган схема тарзидаги тасвири. Харитаграммалар тупроқнинг айрим хоссалари таърифини тўлдириш учун (чириндили қатлам қалинлиги, механик таркиби, эрозияланганлик даражаси, шўрланганлиги ва таъминланганлиги каби) ҳамда тупроклардан фойдаланишга доир тавсияларни аниқлаштириш, мужассамлари учун

мўлжалланган. Бундан ташқари тупроқ таркибидаги калий ва фосфорнинг ҳаракатчан формасини кўрсатувчи агрокимёвий харитаграммалар ҳам тузилади.

Умумий харитаграммалар жумласига тупроқларни агроишлаб чиқариш гурухларга бирлаштириш ва улардан фойдаланишга доир тавсиялар берувчи харитаграммалар, ҳаракатчан шаклдаги фосфор ва калийнинг миқдорини кўрсатувчи харитаграммалар ҳамда тупроқлар бонитировкасига доир картограммалар киради.

Худудий харитаграммалар тупроқларнинг эрозияланганлик, кислоталилик, шўрланганлик даражаси ва бошқа кўрсатичлари бўйича тузилади. Тупроқ хариталарига уқтириш китоби ёки тупроқ очерки, харитаграммаларга эса тушунтириш хати албатта илова қилинади.

Тупроқ очерки ёки тушунтириш хатида барча ўтказилган ишнинг натижалари ёзиб кўйилади, уларда хўжаликнинг табиий шароити, тупроқ коплами, тупроқ хусусиятларининг морфологик ва аналитик таърифи, тупроқларнинг агроишлаб чиқариш гурухлаштириш ва тупроқлардан фойдаланишга доир тавсиялар, уларнинг унумдорлигии ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўрсатилади.

Тупроқларнинг агроишлаб чиқариш гурухлаштириш деганда генезиси, хоссалари, фойдаланиши ва тавсия этиладиган чора-тадбирлар бўйича бир-бирига яқин бўлган бир неча хил тупроқ айрмаларини бирлаштириши тушунилади.

Тупроқни текширишга оид маълумотлардан ички хўжалик ер тузиш ишларида алмашлаб экиладиган майдонларни тўғри белгилаш учун, шунингдек экин майдонларининг трансформацияси ёки улардан фойдаланишни ўзгартириш учун қўлланилади. Хўжалик тупроқларини текшириш ишлари ер тузиш ишларидан олдин ўтказилиши керак. Тупроқ хариталари ва харитаграммаларидан тупроқка ишлов бериш ва ўғитлаш тизимини, тупроқларни мелиорациялаш ҳамда бонитировкалаш турларини аниқлашда фойдаланилади.

Тупроқни далада текшириш иши, асосан, текширилмоқчи бўлган жойнинг табиий шароити ва тупроғи ҳақидаги адабиётларни тўла ўрганиб чиқишдан иборат. Шунингдек, шу жойнинг топографик асоси, режаси, ва тупроқларнинг тарқалиши жойлашини ўрганиб чиқилади.

Тупроқни далада текшириш учун куйидагиларни тайёрлаш керак: топографик асос, дала кундалик дафтари, тупроқ айрмаси, чукурни ёзиш учун маҳсус дафтар, рангли ва оддий (кора) қалам, ўчиригич, намуна олиш учун қоп ёки қофоз, каноп ёки йўғон ип, рулетка ёки пўлат ўлчагич, ўткир белкурак, ўткир қалин пичоқ, чарм ёки брезент сумка, рюкзак ёки қоп, компас, блокнот, монолит ( $100*20*8$ ) ва оддий яшик, бурма ва оддий мих, отвёрка, болғача, дала соябони, реактивли яшик ( $HCl$ ,  $BaCl_2$ ,  $AgNO_3$ )

ларнинг 10% ли эритмаси, фенолфталеин), пробирка, воронка, фильтр ва дистилланган сув, лупа, эклиметр, визирли чизгич, тупроқ пармаси (бура) гербариј учун тайёрланган сим тўр.

Бу кўрсатилганларни тайёрлаб, жамоа ёки ширкат хўжалик худуди билан танишиб чиқилгандан сўнг тупроқни текшириш бошланади. Тупроқ харитасини чизиш ва анализ қилиш учун даладан намуналар олинади.

## ШЎР ЕРЛАР МИҚДОРИ ВА СИФАТИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ

Тупроқ шўрланганлигини аниқлашдан мақсад, сугориладиган ерларда шўрланган ерларнинг контурларини ва майдонларини ажратишидир, чунки бу майдонларда шўр ювиш ишларини бажариш лозим бўлади. Шўрланиш аниқлаш ишлари натижасида тузилган туз миқдорининг картограммаси асосида шўр ювиш меъёри ва муддати белгиланади.

Шўрланишининг аниқлаш ишлари шўрланган ва шўрланишга учраган ерларда шўрланганлик миқдори ва унинг сифат баҳоси билан таъминлаш керак.

Сугориладиган дехқончилигимизнинг асосий қисми - шўр ювиш ишлари билан боғлиқ бўлган тупроқ шароитида олиб борилади.

Сирдарё, Жиззах, Бухоро, қашқадарё, Сурхандарё, Хоразм вилоятларида ва Фарғона водийси, корақалпогистон Республикасида шўрланган ерлар мавжуд.

Бироқ, мазкур вилоятларда сугориладиган тупроқларнинг шўрланиш даражаси ҳамда тупроқ қатламидаги (2 м гача) туз захираси турличадир. Айниқса, бу ўринда Амударё куйи оқимида жойлашган Хоразм вилояти ва корақалпогистон республикаси ерлари кучли даражада шўрланишга дучор бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби Орол денгизида сув сатхининг кескин пасайиши, миллионлаб гектар майдонни ташкил қилган шўр денгиз ётқизиклари тузларининг шамол ёрдамида экин майдонларига келиб тушиши хисобланади. Йилига ҳар гектар ерга 450-500 дан 700 киллограммгacha тузлар келиб қўшилади.

Маълумки, ҳозирги пайтда Республикамиз сугориладиган ер майдонларининг 60-65% ва ўзлаштиришга мўлжалланган кўриқ ер майдонларининг 75-80% ҳар хил даражадаги шўр тупроқлардан иборат.

М.А. Панков маълумотига кўра, кучсиз шўрланган майдонларда пахта хосилдорлиги 25-30%, ўртача шўрланган майдонларда 40-60%, кучли шўрланган майдонларда эса 80% гача камаяди. ўта кучли шўрланган майдонларда экин иқтисодий жиҳатдан ўзини окламайди. Сугориладиган ерлардаги “доғ” шаклидаги шўрланиш ҳам катта зарар келтиради. Айrim холларда кам ёки ўрта шўрланган экин майдонларидаги шўрхокли доғлар 20-40% ни ташкил қиласади. Натижада бу доғни жойлардаги ҳосил бор йўғи

7-10 центнерни ташкил қиласы. Ваҳоланки, шўрланмаган бундай ерлардан 32-35 ва ундан ортиқ центнер ҳосил олиш мумкин.

Ҳисоб - китоблар яна шуны кўрсатдиги, ерларнинг шўрлан-ганлиги оқибатида Республикамизда йилига 500-600 минг тоннагача пахта ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларидан кам ҳосил етиширилади. олимларнинг фикрига кўра тузларнинг концентрацияси маълум даражага етганда уларнинг заҳарлигига қараб ўсимликнинг қуриш даври башланади. Бу даврда туп роқ эритмасидаги осмотик босимнинг ошиб кетиши натижасида сув ва озуқа моддалар ўсимликлар томонидан қийин шимилади. Яъни ўсимлик танаси кучли концентрацияли тузлар таъсирида заҳарланиб, хлорофил дончаларининг бузилиши, фотосинтезнинг секинланиши, нафас олиш ёмонлашиши, углеводлар оқимининг бузилиши каби ўзгаришлар пайдо бўлади. Булар ўсимликни ўсишдан тўхтатиб, “ўлишга” олиб келади.

Олинган маълумотлар асосида ҳар хил шўрланганлик бўйича унумдорликни аниқлаш учун тузилган пасайтириш коэффициенти 20 - жадвалда кўрсатилган.

#### **Шўрланниш бўйича пасайтириш коэффициенти**

	% МҒЭКВ	куруқ колдик,%	Пасайтириш коэф
Шўрланмаган	0,02	0,3	1,0
Бироз шўрланган	1,0		
	0,02-0,07	0,3-1,0	0,9
	1,3		
Ўрта ”	0,07-0,14	1,0-2,0	0,8
	3,6		
Кучли ”	0,4-0,27	2,0-3,0	0,5
Жуда кучли ”	0,27-0,64	3,0	0,4
Умуман кучли	12-28		
	0,64		
	28	”	0,3

Республиканинг 66% га яқин сугориладиган ерларни шўр босган. Хоразм, Бухоро, Сирдарё, Навоий, Жиззах, Фарғона ва қорақалпогистон Республикаларининг қарийиб ҳамма жойларини шўр босган. Шу сабабли қайд этилганидек Республика ҳар йили умумий йигиб олиниши керак бўлган пахта ҳос ашёсини 20-25 % ни йўқотади.

Ўсимликларни ўсиш ва ривожланиш фазаларида тузга чидамлилик даражаси ҳар хил бўлиши мана шу сабаблардан бири ҳисобланади. Тузларни ғўзага зарарли таъсири ниҳол 3-4 баргли фазагача кўпроқ сезиларли бўлади. Вегетация даврини охирида эса тупроқ таркибида туз юкори концентрацияда бўлиши ғўзада сезиларли ўзгариш бермайди. Ғўзанинг кўпчилик районлаштирилган навлари учун Республикада тупроқ таркибидаги туз концентрацияси 2,5-3 % дан ошмаслиги керак, ундан ошадиган бўлса ўсимликлар қуриб қолади.

Маълумки, тузларнинг заҳарлилиги уларнинг ион таркибига боғлик. Марказий Осиёнинг сугориладиган дехқончилигига хлоридлар тупроқдаги 0,01 % дан ортиги гўза ўсишига салбий таъсир этади. Кўпчилик изланувчиларнинг берган маълумотига кўра сульфатларнинг энг паст заҳарлилиги тупрок оғирлигини 0,2-0,3 % ни ташкил этади.

Шўрланганлик даражаси тупроқдаги заҳарли сувда осон эрувчан тузларнинг умумий миқдорини кўрсатади. Республикада мелиоратив ҳолати ёмон ерларнинг кўп қисми тупроқнинг шўрланиши билан боғлик. Тупроқнинг шўрланиши - асосан майдонлардан ер ости сувининг оқиб чиқиб кетмаслиги ва арик - зовурларнинг ишламаслигидан келиб чиқади.

Тупроқнинг шўрланиши (21-жадвал) унинг шўрланиш даражаси, тузлар химизми, тузли горизонтнинг чуқурлиги ва ер ости суви чуқурлиги билан фарқланади.

#### **Тузларнинг химизми (химиявий таркиби) ни хисобга олган тупроқ шўрланганлик даражаларини аниқлаш класификацияси**

Шўрланганлик Даражаси	Сульфат ли	Хлорид-сульфатли	Сульфат-хлоридли	Хлоридли	
	куруқ колдик	куруқ - колдик	Хлор	куруқ - колдик	хлор
Шўрланмаган	<0.3	<0.1	<0.01	<0.1	<0.01
Кучсиз шўрланган	0.3-1.0	0.1-0.3	0.01-0.05	0.1-0.3	0.01-0.04
Ўртacha шўрланган	1.0-2.0	0.3-1.0	0.05-0.20	0.3-0.6	0.04-0.20
Кучли шўрланган	2.0-3.0	1.0-2.0	0.2-0.3	0.6-1.0	0.2-0.3
Жуда кучли шўр- ланган	>3.0	>2.0	>0.3	>1.0	>0.3
					>0.2

х) маданий ўсимликларни нормал ўсиш ва риволаниши учун нафақат тупроқдаги тузларнинг умумий миқдори, балки тузларнинг кимёвий таркиби (сифат таркиби) муҳим рол ўйнайди. Шу боис шўрланганлик даражаларини тузларнинг кимёвий тартибига қа-раб аниқлаш жуда муҳим.

#### **Катионлар бўйича тупроқ шўрланиши химизми**

(Базилевич, Панков 1970)

Анионлар бўйича типи (Н.И Базилевич, Е.Н. Панков бўйича).

№	Шўрланиш типлари	Катионларнинг нисбати (мгFЭКВ)		
		Na <sup>+</sup> Na	Na Ca	Mg <sup>2+</sup> Ca <sup>2+</sup>
1.	Натрийли	>1	>1	-
2.	Магний-натрийли	>1	>1	>1
3.	Кальций-натрийли	>1	>1	<1
4.	Кальций-магнийли	<1	<1	>1
5.	Натрий-магнийли	<1	>1	>1
6.	Натрий-кальцийли	>1	<1	<1
7.	Магний-кальцийли	<1	<1	<1
8.	Магнийли	<1	-	>1


1. Хлоридли

$Cl : SO_4^{2-} > 2,5$

2. Сульфат хлоридли

$Cl : SO_4^{2-} \leq 2,5 - 10$

3. Хлорид сульфатлы  
 4. Сульфатлы  
 5. Сульфатлы (хлоридлы)  
 гидрокарбонатлы



### Катионлар бўйича шўрланиш типлари (Ю.П. Лебедев классификацияси)

$\frac{Na}{K}$ $Ca/Mg$	$\frac{Ca^2Mg^2}{NaK}$	$\frac{Mg^2}{Ca^2}$	Шўрланиш типлари
>2	<0.5	-	Натрийли
1-2	0.5-1.0	>1	Магний-натрийли
1-2	0.5-1.0	<1	Кальций-натрийли
<1	>1	>1	Кальций-магнийли
<	>1	<1	Магний-кальцийли

Хўжаликнинг тупроқ харитасида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тавсифловчи ҳамма кўрсаткичлар келтирилади. Мана шу кўрсаткичлар асосида тупроқнинг шўрланиш ҳусусиятига қараб, маҳаллий шароитни ҳисобга олиб бажариладиган мелиоратив ишлар режалаштирилади ва тақсимланади. Шундай қилиб, тупроқ харитаси - хўжаликда мелиоратив тадбирларни ишлаб чиқишида бирламчи асос бўлиб, ҳар қайси сугориладиган участкаларда шўрланишга карши кураш усулларини самарали ва мақбул томонларини танлаб олишга имкон беради.

Шўрланган ерларнинг мелиорацияси бўйича қилинадиган мажбурий тадбирлар қўйидагилардан иборат:

1. Ҳар бир хўжаликни табиий ва ирригацион - хўжалик шароитига боғлиқ ҳолда сувдан фойдаланиш нормаларини режалаштириш. Республиkaning кўпгина сугориш тармоқлари учун, қаерда пахта ва беда етиширилса, йил давомида оладиган жами сув микдори  $10 - 12 \text{ минг м}^{-3}\text{Га}$  дан ошмаслиги яхшилаш.

2. Сугориш техникасини яхшилаш.

Пушта олиб сугоришини жорий қилиш зарур, чунки бу усулда сугориладиган тупроқнинг бир меъёра намланиши таъминланиб, кам сув сарфланиб, сугориладиган участкалардан сув истрофгарчилигига йўл кўйилмайди. Сугориш пушталари майдонларнинг оптимал нишаблигини ҳисобга олиб, тортилиши зарур, чунки тупроқ ювилиб кетмайди ва ортиқча сув пушта охирида тўпланиб колинишини олди олинади.

3. Тупроқнинг ғовакли-кесакча ҳолатини тикловчи ва унда намлигини ушлаб қолишини таъминлаш учун далаларни ўз вакти-да ва яхшилаб қайта ишлаш зарур.

4. Сугориладиган майдонларнинг юзасини текислаш.

Тупроқнинг шўрланиши ва шўрланишининг пайдо бўлиши ер ости суви чукурлиги ва уларнинг минераллашганлиги ва туп-рөкнинг капиллярлигига боғлиқ бўлади. Мелиоратив ишлар муваффақияти

ерларнинг мелиоратив холатини аниқловчи ҳамма омиллар ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Шўрланган тупроқ-ларда агротехник тадбирларни ўтказишда асосий дикқат эътиборни қайта ишлов бериш, алмашлаб экиш пахта сугориши ва шўр ювиш ишларини бажаришга каратилиши лозим бўлади (24-жад-вал).

Ёмғирли куз ойларида шўрланган тупроқларни чуқур кузги шудгорлаш тупроқнинг даврий шўрсизланишига олиб келади.

Тупроқса сугоргандан сўнг чуқур култивация қилиш тупроқ юзасидан парланишни 20-30% камайтиради ва сугорилгандан сўнг шўрланишини анча камайтиради.

Тупроқнинг қайта ишлов орқали шўрланишни бошқариш кучсиз шўрланган тупроқларда самара беради.

Беда алмашлаб экиш сугориладиган шароитларда кучсиз ва ўртacha шўрланган тупроқларни шўрсизланиш режимига яхши таъсир қиласди.

Ер ости сувининг сатхини 50-100 см. га пасайтирилганда тупроқ юзасидан парланиши анча камайиб, тупроқнинг сув-физик хусусияти яхшилаб, икки-уч йил ичидаги илдиз озиқланадиган қатламдан тузларнинг пастки қатламга тушишига имкон беради. Шўрланган сугориладиган тупроқларда бир йиллик суго-риш сони шу тумандаги шўрланмаган тупроқлар учун режалаштирилган сугориши сонидан 2-3 марта кўп бўлиши керак. Шўрланган тупроқларда июл ва август ойларида яъни парланиш транспирацияси ва туз тўпланиш максимал даражага етганда сугоришилар ўртасидаги вақт 10-12 кундан ошмаслиги зарур, чунки вегетацион сугориши ҳисобига шўрсизланиш далаларда йилнинг бу даврида 5-6 кун билан чегараланади.

Илдиз озиқланадиган қатламда осон эрувчи тузларнинг ишкорсизланиши учун кишида ювиш амалга оширилади, бу профилактика ишлари дейилади. Ўзбекистон шроитида бундай сугоришилар кузги-кишки атмосфера ёғинлари билан табиий шўрсизланишни тезлаштиради. қишки профилактик сугориши натижасида хайдов қатлами ва хайдов ости қатламида қониқарли шўрсизланишга эришиш мумкин.

Илмий текшириш ташкилотларининг маълумотлари бўйича қишки профилактик сугоришилар нормаси 1500-3000 м<sup>3</sup>/Га бўлганда яхши самара беради.

#### **Сугориладиган ерларда шўр ювишнинг таҳминий муддатлари ва миқдорлари (зовурлар мавжуд бўлганда)**

Тупроқ грунтларининг аэрация зонасида тузилиши ва жойлашиш характеристи, механик таркиби	0-100 см катламдаги хилориднинг даст лабки миқдори	Умумий шўр ювиш мебёри	Нече марта ювиш зарурлиги	Ювиш муддати ойлар
--	--	---------------------------	---------------------------------	--------------------------

МИРЗАЧҮЛДА				
Бир хилдаги ўрта ва енгил қумокли тупрок грунтлар	0,01-0,04 0,04-0,10	3000-3500 3500-5000	1 2	X-XII _тм_
хар хил механик таркибли қатламли тупрок грунтлар	0,01-0,04 0,04-0,10	4000-5000 5000-6500	2 3	X-I _тм_
ФАРГОНА ВОДИЙСИДА				
Механик таркиби енгил қатламли	0,01-0,04 0,04-0,10	2000-2500 2500-4000	1 2	II-III _тм_
Тупрок грунтлари ўрта қумокли хар хил механик таркибли	0,01-0,04 0,04-0,10	3000-3500 3500-5000	1 2	I-III _тм_
Тупрок грунтлари лойли ва оғир қумокли, бир жинсли ва қатлам.	0,01-0,04 0,04-0,10	4000-5000 5000-6500	2 3	XII-II _тм_
БУХОРО ВИЛОЯТИДА				
Тупрок грунтлари енгил механик таркибли қатламли	0,01-0,04 0,04-0,10	2000-2500 2500-4000	1 2	III III
Тупрок грунтлари ўрта қумокли, қатламли механик таркиби хар хил	0,01-0,04 0,04-0,10	4000-5000 5000-6500	1 2	XII-II _тм_
Тупрок грунтлари лойли ва оғир қумокли, бир хил жинсли ва қатламли	0,01-0,04 0,04-0,10	3000-3500 3500-5000	2 3	-тм- III
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА				
Тупрок грунтлари енгил механик таркибли, қавтли	0,01-0,04 0,04-0,10	3000-3500 3500-5000	2 3	III III
Тупрок грунтлари ўрта қумокли, қавтли хар хил механик таркибли	0,01-0,04 0,04-0,10	4000-5000 6000-7500	3 5	X-XII (2F3 кузда, 1F3 баҳорда берилади)
ҚАРШИ ВА ШЕРОБОД ЧҮЛЛАРИДА				
Тупрок грунтлари енгил механик таркибли, қатламли	0,01-0,04 0,04-0,10	3000-3500 3500-5000	2 3	III III
Тупрок грунтлари ўрта қумокли, қатламли қар хил механик таркибли	0,01-0,04 0,04-0,10	4000-5000 6000-7500	3 5	X-XII (2F3 кузда, баҳорда берилади)
Тупрок грунтлари ўрта қумокли, қатламли ҳар хил механик таркибли	0,01-0,04 0,04-0,10	5000-6000 6000-7000	3	март оидиа бериб ювилади

Шўрланган тупроқлар ичига таркибида гипс (калций сульфат -  $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ) мавжуд бўлган тупроқлар алоҳида ўрин тутади. Тупроқ профили бўйича гипснинг тўпланиши ва унинг микдори қишлоқ хўжалик ўсимликларини етиштиришда ва тупроқни суғо-ришда бу омилини хисобга олишни тақозо этади. Ишлаб чиқариш қобилияти жиҳатидан гипсли тупроқларнинг сифати юкори эмас, шу билан бирга улар қийин шўрсизланади. Бундай тупроқлар-нинг қониқарсиз физик хусусияти, гипс микдори, тури ва унинг жойлашган чуқурлиги билан боғлик бўлиб тупроқнинг унумдорлигини анчагина пасайтиради. Агар 60 см гача

чуқурликда гипс бўлиб, унинг миқдори 30-40% дан кўп бўлса, бундай тупроқлар кўпгина ўсимликлар учун сугоришга яроқли эмас.

Тупроқ хариталарида гипслашган тупроқлар ва гипснинг жойлашган чуқурлигига қараб тупроқ айрмалари ажратилади. Чуқурлик бўйича юқори чегарасидан бошлаб, унинг жойлашиш чуқурлиги 30 см гача юза гипслашган; 30 см дан 50 см гача саёз гипслашган 50 см дан 100 см гача чуқур гипслашган; 100 см дан 200 см гача жуда чуқур гипслашган тупроқлар гурухига ажратилади.

Гипс миқдорига қараб 10% гача гипслашмаган 10% дан 20% гача кучсиз гипслашган; 20% дан 40% гача ўртача гипслашган; 40% дан юқориси кучли гипслашган тупроқларга ажратилади. Тупроқ таркибидағи гипс миқдори жойлашиш чуқурлигини ҳисобга олиб мелиорация тадбирлари ўтказилади.

Гипс юза жойлашган (50 см гача) ва миқдори юқори 20-25% дан кўп бўлган тупроқлар мелиорацияси анчагина қийин бўлади. Бундай тупроқлардан фойдаланиш учун жуда кўп марта капитал ювиш ишларини ва туб мелиорация тадбирларини ўтказиш лозим, шунингдек чуқур (100 см гача) юмшатиш, органик ўғитлар шарбати солиш зарур бўлади.

Айрим ҳолларда гипс ва кальций, магний карбонат тузлари биргаликда “арзиқ” ёки алоҳида “шоҳ” катламларини ҳосил қиласди. Бу катламлар жуда қаттиқ бўлиб, сув, ҳаво, шунингдек ўсимлик илдизини қуйи қатламларга ўтишига тўсқинлик қиласди.

## **СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ РУЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ**

Республика умумий ер майдонининг 10% га яқин ерлари сугориладиган ерлар жумласига киради. Республикада сугоришга яроқли, унумдорлиги нисбатан юқори бўлган тупроқлар (типик ва оч тусли бўз; ўтлоки)нинг деярли ҳаммаси ўзлаштирилиб бўлинган. Кейинги йилларда ўзлаштирилган ва яқин йилларда ўзлаштирилиши мумкин бўлган тупроқлар унумдорлиги паст, шўрланган, гипсли, тошлокли қийин ўзлаштириладиган тупроқлар категориясига мансубдир. Уларни ўзлаштириш жуда мукаммал, ҳар томонлама чуқур ўйлаб амалга оширилиши лозим. коракалпогистон Республикаси, қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Жizzах вилоятларида янги ерлар ўзлаштирилганда ерларни текислаш максадида туп рокнинг энг унумдор, чириндили юза қисми олиб ташланган. Очилиб қолган она жинслар унумдорлик қобилиятига эга эмас. Тажрибаларимиз шуни кўрсатдики 3 м чуқурликдан олинган лёсс 25 йил давомида ҳам, бўз тупроқларнинг юқори қатламларига ҳос бўлган хусусиятларга эга бўла олмади. Шунинг учун ҳам туп рокнинг юқори қатлами - унинг ҳимоя қобигини - авайлаб асраш дехқончиликнинг биринчи вазифаси, тупроқ унумдорлигини сақлашнинг

асосидир. Бу ўринда ерларни чуқур ва ўта чуқур (60 см ағдариб) ҳайдаш, унумсиз жинсларни юқорига олиб чиқиш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлаш лозим. Бундай ҳайдаш, эҳтимол, кадимдан сугориладиган агроригация катлами қалин тупроқлардагина мумкин.

Юкорида таъкидланганидек, кейинги йилларда қишлоқ хўжалик оборотига киритилган ерларнинг кўп қисми қийин мелиорациялаштириладиган ва кам унумдор тупроқлардир. Улар асосан тақирили, тақир, сур тусли қўнғир тупроқлар ва қўмлар комплексидан иборат. Уларнинг унумдорлигини ошириш учун ўзлаштириш даври белгиланиши керак. Тажрибалар бу давр 10 йил атрофида эканлигини кўрсатади. Бу даврда ўтлар, дуккакли, бошоқли, оралиқ экинлар экилиши керак. Шу вақт ичидаги маданийлашган, чириндили ҳайдалган қатлам вужудга келади. Акс ҳолда ғўза ҳосилдорлиги узоқ йиллар давомида пастлигича қолади. Ерга ишлатилган ўғит, сув, меҳнат копланмайди.

Янги ўзлаштирилган ерлар ҳам, кадимдан сугориладиган ерлар ҳам тупроқ унумдорлигини қайта, такрорий ишлаб чиқиш тизимини, унинг ҳамма компонентлари - алмашлаб экиш, сидератлар, оралиқ экинларни экиш, минерал, органик, ноанъянавий маъданларни меъёранган нисбатда қўллашни талаб этади.

### **Сугориладиган тупроқларининг унумдорлик даражаси ва мелиоратив ҳолати**

Ҳозирги пайтда ердан тўғри ва самарали фойдаланиги масаласи ниҳоятда долзарб масала бўлиб турган бир пайтда, ернинг хисоб–китобини такомиллаштириш, ер унумдорлигини аниқлаш учун унинг синфини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ер ҳакидаги тушунча тупроқ тўғрисидаги тушунчага нисбатан кенгроқ мазмунни ифодалайди, аммо тупроқ ернинг асосий унумдор устки қисми бўлиб, ернинг имконияти ва хоссаларини ифода этади.

Ҳозир Узбекистонда қабул қилинган услугга кўра ер – тупроқларнинг сифати 100 баллик шкала билан аниқланади ва улар 10 та синфга (синфга) бўлинниб, бешта кадастстр тоифага (гурухга) бирлаштирилган. Сугориладиган ер – тупроқларнинг сифати бўйича баҳолаш Тошкент вилояти бўйича 328492 гектар майдонда бажарилган бўлиб, бу 278 қишлоқ хўжалик корхоналарини ўз ичига олади.

Биринчи кадастстр тоифага (гурухга) янги ўзлаштирилган ерлар киритилган бўлиб, бу гурух тупроқлар ўта кам унумли, шўрланган, дехқончиликда имкониятлари чекланган, сугоришга шартли яроқли ҳисобланади. Бу гурухга 1–2 синфдаги 0–20 бонитет балли ерлар киритилган бўлиб, улар Тошкент вилоятида учрамайди.

Иккинчи кадастстр тоифага (гурухга) 3 ва 4 синфга мансуб ерлар киритилган. Бу ерлар янги сугориладиган ерларнинг катта қис-мини

ташкил этиб, қишлоқ хўжалигининг фаол ўзлаштирилаёт-ган ва маданийлаштирилаётган ерлари ҳисобланади. Бу тоифага кирувчи ерларнинг тупроқ ҳоссалари нисбатан турғун ва сугоришга ярокли, лекин экиладиган экин турлари чекланган. Бу гурух ерларнинг тупроқлари шўрланган, шамол эрозиясига мойил, тупроқлари сифати бўйича ўртачадан паст бўлиб, 21 – 40 баллни ташкил этади. Бу гурух ерларда норматив ҳосилдорлик ўртacha гектарига 12 ц ни ташкил этади, лекин бу ҳосилдорлик маълум бир йилларда ўзгариб туради. Бу ерларда тупроқ унумдорлигини ва экинлар ҳосилдорлигини кўтариш учун ерларни планировка қилиш (текислаш), шўрини ювиш, органик ўғитлар солиш, сидератлар экиш, тошли ва шағалли ерларни колматаш қилиш (лой, тупроқ солиш) ва бошқа агромелиоратив тадбирлар ўтказиш талаб этилади. З ва 4 синфга мансуб ерларнинг умумий майдони 39128 га бўлиб, сугориладиган ерларнинг 11,9% ни ташкил киласди. Бу тоифа тупроқлар вилоятнинг барча туманларида тарқалган.

Учинчи кадастр тоифасига 5 ва 6 синфдаги ерлар киритилган. Бу ерлар етарли даражада маданийлаштирилган янги сугориладиган ва қисман эскидан сугориладиган ерлардан иборат. Сифати бўйича бу ерлар тупроқлари ўртacha бўлиб, бонитет балли 41 – 60 га тенг. Бу тоифага кирувчи тупроқларда мелиоратив тадбирлар ўз вақтида ўтказиб турилса кўп вақтлар давомида унумдорлик қобилиятини сақлаб қолиш мумкин ва аксинча, нотўғри фойдаланилса тупроқ деградацияси (бузилиши) бошланиб, гумус ва озуқа элементларининг микдори пасайиб кетиши, нишобли ерларда тупроқ эрозияси жараёнлари содир бўлиши мумкин. Бу синфга кирувчи тупроқлар ирригацион эрозияга ва шўрланишга кам учраган. 5 ва 6 синф ерларининг умумий майдони 153497 гектар бўлиб, сугориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг 46,7% ни ташкил этади. Бу тоифа ерларда Тошкент вилоятнинг ўртacha норматив ҳосилдорлиги гектарига 20ц, бироқ барча туманларда бу кўрсаткич турғун эмас.

Тўртинчи кадастр тоифа (гурух) га 61 – 80 баллда баҳолангандан яхши маданийлашган воҳа, эскидан ва янги сугориладиган, сифати бўйича яхши ва яхшидан юқори ерлар киритилган. Бу тоифа ерлар узоқ муддатлардан бери сугориладиганлиги ва маданийлаш-тирилаётгани туфайли унумли тупроқлар ҳисобланади. Бу ерларда далалар яхши текисланган, механизацияларини юриш учун кулай, ирригацион эрозия ва иккиласми шўрланишнинг таъсири янада кам. Агротехника ва мелиоратив тадбирларга риоя қилинса қишлоқ хўжалик экинларининг барча турларидан юқори ҳосил олиш мумкин. Пахтанинг норматив ўртacha ҳосилдорлиги 28 ц/га, қилинган ҳаражатлар ўз самарасини тезда кўрсатади. Бу гурухга кирувчи 7 ва 8 синф ерларининг майдони 119994 га, ёки сугориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг 34,7% ни ташкил этади.

Бу ерлар вилоят туманларининг қадимдан сугориладиган ерларида жойлашган.

Бешинчи кадастр тоифа (гурух) ерларга қадимий шаҳар ва қишлоқлар атрофидаги воҳа тупроқлари киритилган, Бу ерлар энг юқори унумдорликка эга бўлиб, ҳосилдорлиги барқарор, тупроқ сифатига салбий омиллар деярли таъсир кўрсатмайди. Бу кадастр тоифага (гурухга) 9 ва 10 синфдаги ерлар киритилган бўлиб, бонитет балли 81 – 100 гача. Пахтанинг ўртача норматив ҳосилдорлиги 32 цГа. 9 ва 10 синфдаги ерларнинг майдони 15873 га, ёки сугориладиган қишлоқ ҳўжалиги ерларининг 4,83% ни ташкил этади. Бу тоифа ерлар вилоятнинг қадимий шаҳарлари, қишлоқ ва поселкалари яқинида жойлашганлиги боис энг маҳсулдор тупроқлар сифатида фақат қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланиш мақсадга мувофик.

Юкорида баён этилган рақамлар ва фикр - мулоҳазалар якуни сифатида қуидаги жадвал рақамларини солиштирайлик. Бу жадвалда тупроқларнинг ўртача бонитет балли икки сана, яъни 1991 ва 1999 йиллар учун туманлар ва вилоят миқёсида келтирилган. 1991 йилда вилоят бўйича ўртача балл 66 га тенг бўлган бўлса, бу фақат 1999 йилда 7 баллга камайиб, 59 баллни ташкил этади. Яъни кейинги 8 – 9 йил мобайнида тупроқларнинг сифати анча пасайган. Бу ҳолат ўз навбатида тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ўтказишни тақозо этади.

### **Тошкент вилояти туманларида фермер ҳўжаликларига ажратилган ер майдонларининг баллларини билдириш**

#### **МАЪЛУМОТ**

№	Туманла р номи	Фермер Ҳўжаликлари сони	Ажратилган ер майдони га	Шу жумладан: тупроқ балл бонитети бўйича									
				0 - 10	10 - 20	20 - 30	30 - 40	40 - 50	50 - 60	60 - 70	70 - 80	80 - 90	90 - 100

1.	Оккүргон	328	3920			250	355	2050	265		
2.	Охангарон	210	4283				1600	1860	823		
3.	Бекобод	321	3851			580	1388	773	1110		
4.	Бўстонлик	45	1376				585	688	103		
5.	Бўка	243	6536			980	1880	2650	900	126	
6.	қўйичирчик	230	4095			125	1915	1855	200		
7.	Зангиота	72	1291				260	620	210	201	
8.	Юкори чирчик	281	2321				380	1250	530	161	
9.	кибрай	79	836				210	365	190	71	
10.	Паркент	193	4082			210	110	2955	807		
11.	Пскент	616	4094				780	2600	650	64	
12.	Ўрта чирчик	75	2808				350	1800	658		
13.	Тошкент	47	370					180	150	40	
14.	Чиноз	174	2231				430	1120	591	90	
15.	Янгийўл	315	2152			210	580	1080	282		
	Жами	3229	44246			2355	11823	21846	7469	753	

Вилоятнинг сугориладиган ерларида шўрланган тупроқлар асосан йўқ, типик, оч сур тусли бўз тупроқлар, бўз – ўтлоқи, ўтлоқи, – ботқоқ ва ботқоқ тупроқлар кенг тарқалган. Бу тупроқлар ўзаро шўрланиш даражаси, механик таркиби, сув – физик ва агрокимёвий ҳоссалари, мелиоратив ва гумус ҳолатлари, эрозия жараёнларининг даражаси билан фарқланади,

Тупроқ мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувига ва унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлувчи шўрланиш жараёнлари Тошкент вилоятида республиканинг бошқа вилоятларига қараганда анча кам, айrim туманларда умуман учрамайди. Бу борада вилоят бир мунча афзалликларга эга. Кучли шўрланган тупроқлар асосан Бекобод (3187га), Бўка (1123га), Оккўргон(719га) ва қисман Зангиота (146га) ва Чиноз (113га) туманларида учрайди. Кучли шўрланган ерларнинг умумий майдони 5335 гектар ёки жами шўрланган ерларнинг 6,2%ни ташкил этади. ўртача даражада шўрланган ерлар майдони 13107га ҳамда кучсиз шўрланган ерлар майдони 67580га ёки 78,6%ни ташкил этади.

#### Сугориладиган тупроқларнинг шўрланганлиги бўйича тавсифи (%)

№	Туманлар	Шўрланиш даражаси				
		Жами (га)	шўри ювилган	Кучсиз	Ўртacha	Кучли
1.	Оккўргон	15361	-	83,22	12,10	4,68
2.	Охангарон	2380	-	99,16	0,84	-
3.	Бекобод	25153	-	75,70	11,62	12,67
4.	Бўстонлик	126	-	100	-	-
5.	Бўка	23088	-	76,57	18,56	4,86
6.	қўйичирчик	809	-	100	-	-
7.	Зангиота	1744	-	8079	23,36	8,37
8.	Юкоричирчик	14	-	-	-	100
9.	кибрай	261	-	100	-	-

10.	Паркент	0	-	-	-	-
11.	Пскент	5853	-	80,03	19,97	-
12.	Ўртачирчик	1800	-	95,67	4,11	0,22
13.	Тошкент	1449	-	95,17	4,83	-
14.	Чиноз	5074	-	53,69	44,09	2,23
15.	Янгийўл	2910	-	89,38	9,62	0,10
	Вилоят бўйича	86022	-	78,56	15,24	6,20

Тупроқ мелиоратив ҳолати ва унинг унумдорлиги шу туп-роқларнинг механик таркибларига боғлиқ. Вилоятдаги сугори-ладиган ерларининг 329037га (55,5%) ўрта ва енгил механик таркибли тупроқлардан иборат бўлиб, қишлоқ хўжалик ишларини юритишда қулай ҳисобланади. Оғир механик таркибли тупроқлар 12,2% майдонларни (138879га) эгаллаб, ўсимликларнинг жадал ўсиши ва ривожланишига ҳамда ишлов бериш механизмларига салбий таъсир кўрсатади. Шамол эрозияси жараёнлари асосан енгил механик тупроқларда содир бўлиб, уларнинг майдонлари бор – йўғи 5,8% (22304га) ташкил этади ва шамол эрозиясига қарши тадбирлар қўлланишини тақозо этади.

Тупроқ унумдорлигига таъсир кўрсатувчи яна бир салбий омил тупроқлардаги дегумификация жараёни ҳисобланади. Органик моддаларнинг тупроқда камайиши унинг агрокимёвий хоссаларининг кўп ижобий томонлари йўқолишига олиб келади. Вилоят сугориладиган тупроқларидаги гумус (чиринди) миқдори-нинг камайишини алмашлаб экиш яхши йўлга қўйилмаганлиги ва органик ўйтлардан фойдаланмаслик оқибати деб қараш мумкин.

Маълумки, барча салбий омиллар ер сифатига биргаликда ва бир вақтда таъсир этиши мумкин. Шу боис бу салбий омилларнинг тупроққа таъсир доирасини ҳисобга олган ҳолда унумдорликни саклаб қолиш ва ошириш чора – тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалда кўллаш нихоятда зарур ва долзарб масала. Тошкент вилояти учун ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини оширишнинг асосий тадбирлари қуйидагилардан иборат бўлади:

#### Сугориладиган тупроқларнинг механик таркиби бўйича тавсифи (%)

№	Туманлар	Жами (га)	Механик таркиби					
			Соз	Оғир	Ўрта	Енгил	кумок	кумли
1.	Оққўргон	26170	-	36,34	61,24	2,24	-	-
2.	Оҳангарон	19331	-	45,58	46,50	7,79	0,13	-
3.	Бекобод	39624	2,69	34,15	41,60	16,87	5,23	-
4.	Бўстонлик	10038	-	53,25	37,73	8,39	0,64	-
5.	Бўка	35182	-	26,54	67,81	5,64	-	-
6.	қуичиричик	36221	-	60,20	31,57	7,88	0,36	-
7.	Зангигота	10101	2,47	21,59	72,99	2,25	0,70	-
8.	Юкоричиричик	22654	0,06	60,93	34,60	4,41	-	-
9.	кибрай	15718	-	47,11	46,60	6,30	-	-

10	Паркент	12317	-	93,39	6,61	-	-	-
11	Пскент	21172	-	40,82	58,17	1,01	-	-
12	Ўртачирчик	28562	1,76	62,01	35,12	1,11		-
13	Тошкент	8724	0,023	30,34	68,01	0,78	0,46	-
14	Чиноз	19082	0,11	14,97	79,24	5,58	0,10	-
15	Янгийўл	24141	1,03	15,59	76,97	5,80	0,61	-
	Вилоят бўйича	329037	0,64	42,21	50,37	5,10	0,78	-

Мелиоратив тадбирлар комплекси: коллектор - дренаж тармоқларидан тўғри фойдаланиш, шўр ювиш ишларини ўз муддатида ва сифатли ўтказиш, далаларни илмий асосланган холда капитал текислаш, ер ости зах сувларни қочириш;

- агротехник тадбирлар комплекси: қишлоқ хўжалик экинлари агротехникасига қатъий риоя қилиш; ҳамма экин ерларга органик ва минерал ўғитларни солиш, алмашлаб экишни тадбиқ этиш, фақат сифатли уруғлар экишни амалга ошириш, маҳаллий шароитга мослаштирилган қишлоқ хўжалик экинларини экиш, сугориш сувларини тежаш технологияларини кўллаш, пленка остига экиш, мульчалаш ва бошқалар;

- эрозияга қарши тадбирлар комплекси: шамол йўлларига кўндаланг равишда пушталар олиш, эхотазорлар яратиш, структура хосил килувчиларни кўллаш, сугориладиган ерларда контур усулида сугориш, органик ва маъдан ўғитларни табақалаштириб солиш, кўп йиллик ўтлар экиш, алмашлаб экиш, террасаларни жорий қилиш, сув ташлайдиган пастликларга чим бостириш, сугориш техникасини тартибга солиш ва бошқалар.

## ЛАЛМИКОР ВА ЯЙЛОВ ЕРЛАРНИ РЎЙҲАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ

**Лалмикор ерлар.**2003 йил 1 январ ҳолатига республика бўйича лалмикор ерлар майдони 2003 йил 1 январ ҳолатига 745,3 минг гектарни ташкил қиласди. Лалмикор ерларда қишлоқ хўжалик экинларини ўстириш фақат ёгинлар ҳисобига тупроқ қатламларида йигилган намлик туфайли етиштирилишини ҳисобга олиб, лалмикор экинлар йиллик ўртacha ёғин 200 мм дан ошадиган ерларда жойлаштирилади. Лалмикор ерлар ёгинлар билан таъминланган ва таъминланмаганга бўлинади. Бу бўлиниш тупроқ минтақаларини жойлашишига мос келади. Жигарранг ва корамтири бўз тупроқли баланд минтақага ёгинлар билан таъминланган, типик бўз тупроқли ўрта минтақа нимтаъминланган ва оч ранг бўз тупроқли, қуий минтақага-таъминланмаган лалмикор ерлар тўғри келади. Лалмикор ҳайдалма ерлар майдоннинг вилоятлар бўйича таксимланиши 7-жадвалда берилади.

**Республика вилоятлари бўйича лалмикор ерлар майдони минг га**

Вилоятлар	Ер майдони
-----------	------------

Жиззах	218,6
қашқадарё	249,4
Навоий	20,3
Самарқанд	183,0
Сурхандарё	38,7
Тошкент	35,3
Жами	745,3

**Пичанзор ва яйловлар.** Республика ҳудуди катта қисмини яйловлар ташкил қиласи ва улар кўйчиликни асосий озуқа базаси ҳисобланади. Республикада 2003 йил 1 январ ҳолатига 21367,0 минг гектар табиий яйловлар мавжуд бўлиб, шундан пичанзорлар 101,3 минг гектар, яйловлар 21265,7 минг гектарни ташкил этади. Сув билан таъминланган яйловлар майдони 18834,3 минг гектар, ёки яйловлар умумий майдонининг 47,8 %ни ташкил қиласи. Табиий шароитларига қараб яйловлар чўл-текислик (чўл минтақаси), текислик-тепалик (адир минтақаси) ва тоғ олди-тоғ (тоғ минтақаси) ларга бўлинади. Чўл-текислик яйловлари республиканинг шимолий - гарбий қисмида, дengiz сатҳидан 500 м гача баландликда жойлашган. Улар йил давомида фойдаланиладиган яйловлар бўлиб, қоракўлчиликнинг асосий районлари ҳисобланади.

Шарқда чўл-текислик яйловлари аста-секин текислик-тепалик яйловларига ўтади. Бу ерларда дengiz сатҳига нисбатан баландлик 1000-1200 м гача етади. Адир минтақаси яйловлари асосан кузги ва баҳорги яйловлардир. Бу фаслларда улардан ирик қорамолларни ўтлатишида фойдаланилади. кўй ва эчкилар эса бу яйловларда йил давомида боқиласи.

Тоғ минтақасидаги тоғ олди-тоғ яйловлар гарбий Тяншан тизмаларида, дengiz сатҳидан 2500 м баландликкача жойлашган. Тоғ минтақаси яйловлари ёзги ҳисбланиб барча турдаги ҳайвонларни боқишга яроқли.

Яйловларни қоракалпогистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тақсимланиши жадвалда берилади.

#### **коракалпогистон Республикаси ва вилоятлар бўйича пичанзор ва яйловларнинг тақсимланиши.**

МИНГ ГА

Вилоятлар	Пичанзорлар	Яйловлар
қоракалпогистон Республикаси	68,7	4787,3
Андижон	-	22,1
Бухоро	-	2670,4
Жиззах	14,8	722,8
қашқадарё	-	1487,8
Навоий	-	9137,6
Наманган	-	153,3
Самарқанд	0,3	795,8
Сурхондарё	-	861,7

Сирдарё	-	23,6
Тошкент	8,1	416,0
Фаргона	-	24,5
Хоразм	9,4	162,8
Жами	101,3	21265,7

## **СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ УНУМДОРЛИГИ БҮЙИЧА БАҲОЛАШ (БОНИТИРОВКА қИЛИШ ТАРТИБИ).**

Ернинг сифатини баҳолашда асоси бўлиб, унинг унумдорлиги хисобланади ва у бонитет балли бўйича аниқланади.

Тупроқ бонитировкаси–тупроқ сифатининг солиштирма қиймати бўлиб, ернинг ўртacha агротехник ва дехқончиликдаги ишлаб чиқариш кобилиятини кўрсатади. Бонитировка тупроқни табиий ҳолда ҳамда маданийлаштириш жараенида вужудга келган хоссаларини хисобга олиб бажарилади ва қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлиги билан боғлик.

Тупроқлар бонитировкаси “Сугориладиган тупроқларда бонитировка ўtkазиш услубий қўлланмана”си асосида, уларда экиладиган қишлоқ хўжалик экинлари турлари хисобга олинниб бажарилади.

Ўзбекистон сугориладиган дехқончилик шароити учун бонитировка пахтачиликда қабул қилинган. ғўза талабини хисобга олиб аниқланган бонитет баллари пахтачилик мажмуасидаги бошқа барча қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган сугорила-диган тупроқларга ҳам яроқли. Бонитировкада тупроқнинг асосий хоссалари ва табиий шароитлари: тип ва кичик типлар, сугорилиши даври, маданийлашгани, ҳарорат заҳиралари билан таъминланганлиги, механик таркиби, тупроқ ҳосил қилувчи жинс, қатламлар ости сув ўтказувчанлиги, шўрланганлик даражаси, тошлоклиги ва гипслашганлиги хисобга олинади.

Баҳолаш ёпик юз балли шкала бўйича амалга оширилади. Энг юкори 100 балл билан энг яхши, юқори ҳосилдор тупроқлар баҳоланади. У ҳозирги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланиш даражасига қараб 40 ц 1 гектар ердан пахта ҳосил-дорлиги учун, еки 0,4 ц 1 гектарга бир балл баҳо учун қабул қилинган.

Асосий хоссалари хар хиллиги билан тавсифланадиган туп-роқлар турли кўринишларини баҳолашда шўрланиши, механик таркиби, гипслангани ва бошқалар учун пасайтирувчи тегишли коэффициентлар қабул қилинади.

Тупроқнинг табиий унумдорлигини хисобга олиб, сугорила-диган ерларнинг ҳосилдорлиги ва уларнинг қишлоқ хўжалигига фойдаланишга яроқлилиги потенциал имкониятларига қараб республика сугориладиган ерлари бонитет баллари бўйича 10 та синфларга ва 5 та кадастстр зоналар (гурухлар)га биркитилган.

Биринчи кадастстр зонасига янги ўзлаштирилган ерларни кичик қисми,

сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари туридан 0,2% ни ташкил қиласидиган қисми киритилган. Улар кам қувват, кучли гипплашган ва эрозияга учраган. Шунинг учун бу гурух ерлари шартли сугоришга яроқли ерлар ҳисобланади. Бу зона ерларининг табиий шароитлари емон ҳисобланиб I ва II синф ерларига киритилади ва балл бонитети 20гача бўлади.

Бу ерларда туб мелиоратив ишларни бажармасдан уларнинг табиий ҳосилдорлиги асосида қишлоқ хўжалиги экинлари экиш мумкин эмас. Бу тупрокларнинг кам ҳосилдорлиги асосий фондлар билан, техника, иш яроқлари билан яхши таъминлашни, қўшимча ишлов беришни, маданий – техник мелиорацияни (масалан тошларини теришни) талаб этади, бу эса оқибатда маҳсулот ишлаб чиқариш учун вақт ва меҳнат сарфини ошишига олиб келади.

Потенциал паст ҳосилдорлиги туфайли бу ерларда ўғит-лардан фойдаланиш нисбатан юкори, амалда эса унумсиздир.

Биринчи кадастр зонаси ерлари Жиззах, Бухоро, Навоий, Наманган, Сурхондаре, Фарғона ва Хоразм вилоятларида кичик локал участкалар тариқасида жойлашган.

Иккинчи кадастр зонасига III ва IV синф ерлар киритилган. Улар майдони сугориладиган қишлоқ хўжалик ер турларини 23,1% ни ташкил киласиди. Булар янги ўзлаштирилган ва янги сугориладиган ерларни катта қисми бўлиб, қишлоқ хўжалик ўзлаштириши ва маданийлаштиришни актив стадиясида ҳисобланади. Бу ерлар тупрокларни икки ва ундан ортиқ салбий омиллари таъсири остида кам ҳосилли ҳисобланади.

Бу кадастр зонаси тупроклари ўрта даражага шўрланишга, грунтлар намлигини ошишига ва ирригация (сув) эрозиясига учраган. Тупроқлар ўртадан паст сифатли бўлиб 21-40 бонитет балли билан белгиланган. Меъерий ҳосилдорлик 12 ц 1 гектарга ташкил этгани ҳолда ўзгарувчандир. Бу ерларни ишлаб чиқариш қобилиятини ошириш мақсадида планировка ўтказиш (текислаш), шўр ювиш, органик ўғитлар билан бойитиш, кўп йиллик ўтлар ва сидератлар экиш, тошли-шагалли ерларни кальмотаж килиш, лой қўшиш ва бошқа қиммат турувчи агромелиорация ишларни бажаришни талаб қиласиди.

Биринчи зонага қараганд қишлоқ хўжалигига мўлжалланган асосий фондларга талаб камроқ, меҳнат ва минерал ўғитларни маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфи бир мунчи камроқ.

Бу ерлар асосан қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида кўпроқ жойлашган.

Учинчи кадастр зонаси V ва VI синфдаги ерлар киритилган, бу янги ва эски сугориладиган ва етарли маданийлашган ерларни анча катта

худудларидир. Бу зонани майдони қишлоқ хўжалиги сугориладиган ерлари турининг 43% ни ташкил қиласди. Тупроқлар сифати бўйича ўртачага киритилган ва 41-60 бонитет балли билан белгиланган. Пахтанинг ўртача меърий ҳосилдорлиги 20 ц 1 гектарга бўлиб у 16-24 ц 1 гектарга орасида ўзгариб туради. Бу зона тупроқлари ирригация эрозиясига, иккаламчи шўрланишга ва бошқа салбий ҳодисаларга кучсиз ва ўртача даражада чалинган. Бу ерларни хўжалик юритишда нотўғри фойдаланилса тупроқлар деградацияси: иккаламчи тўрланиши, гумусни ва озуқа моддаларнинг камайиши ва қияликларда ювилиш рўй бериши мумкин. Бу зона яхши ўзлаштирилган, аҳоли зичлиги юқори. Бу ерларда 1 ц маҳсулот ҳисобига меҳнат ва ўғитлар харажати нисбатан кам. Пахта, дон ва чорва озуқаларини етиштиришдан ташқари бу ерларда мевачилик ва қишлоқ хўжалигини бошқа соҳаларини ривожлантириш мумкин. Бу ерлар асосан қоракалпоғистон Республикаси, Жиззак, қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида тарқалган.

Тўртинчи кадастр зonasига VII ва VIII синф ерлари киритилган, бу яхши сифатли маданий-воҳа (эски сугориладиган, янги сугориладиган) ерлари, 61-80 бонитет балли билан баҳоланганд. Узоқ муддат сугориш жараённида ва маданийлаштиришда ўзгарган тупроқлар, ижобий ҳоссали ва турғун ҳосилдорлик билан тавсифланади. Бу ерлар сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерларини 26,1%ни ташкил қиласди.

Тупроқ унумдорлигини ва ишлаб чиқариш қобилиятини пасайтирувчи омилларнинг, яъни гумус микдорини пастлиги, озуқа моддаларини камлиги, ирригация эрозияси ва иккаламчи тўр-ланишни таъсири жуда кам. Агротехник тадбирлар ва мелиорация талабига риоя қилинганда бу ерлар ҳеч қандай чеклашсиз қишлоқ хўжалик экинларининг ҳамма турига яроқли. Бу ерларнинг катта қисмини жуда қимматли ерлар деб ҳисоблаш мумкин. Ерлар сарфланган харажатларни қоплашга яроқли.

Пахтанинг ўртача меърий ҳосилдорлиги бонитет балли бўйича 28 ц 1 гектарга бўлиб, 24 дан 32 ц 1 гектар бача ўзгариб туради, экинларни парвариши учун меҳнат ва маблағ сарфи кичик.

Бу ерларни катта қисми эски сугориладиган зоналарда-Андижон, Бухоро, Наманган, қашқадаре, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида жойлашган.

Бешинчи кадастр зonasига қадимиш шаҳарлар ва турар жойлар атрофида жойлашган воҳа тупроқлари киритилган. Улар ўзига хос устивор ва юқори ҳосилдорликка эга. Салбий омиллар ерларнинг сифатига таъсир этмайди. қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги кам ўзгаради.

Бу кадастр зonasига IX ва X синф, бонитет балли 81 дан юқори бўлган ерлар киритилган. Пахтанинг бонитет баллар бўйича меърий ҳосилдорлиги 32 ц 1 гектардан ортиқ. Бунда 1ц маҳсулот етиштириш учун меҳнат сарфи

республика бўйича ўртачадан 30-35% га паст. Бундай ерлар сугориладиган қишлоқ хўжалик ерлари турини 2,9% ни ташкил қилади.

Бу зона ерларини баланд қийматли эканини, юқори потенциал резервлари ва хосилдорлигини, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун кам харажат талаб қилишини хисобга олиб уларни юқори биологик активлигини сақлаш учун агротехника даражасини кўтариш, экологик тозалигини таъминлаш ва фақат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун фойдаланиш керак.

Тупроқ карталарини тузатиш (корректировка қилиш) ва тупроқ бонитировкаси натижалари кейинги йилларда ерлар сифатини емонлашиши, давом этаётган шўрланиши, ер ости сувлари сатхини кўтарилиши, сув ва шамол эрозиясини ўсиши, чўлга айланиши ва дегресияланишини кўрсатмоқда. 1990 йилдан 1999 йиллар оралиғида ҳар хил сифатли ерлар майдонида катта ўзгаришлар рўй берди.

Тўртинчи ва бешинчи кадастр зоналаридағи 60 баллдан юқори бўлган, ўртача хосилдорлиги 32 цга га тенг қимматли ер майдонлари 10,4% камайди, шу жумладан тўртинчи зона – 4,9 ва бешинчи зона – 5,5 % га. Бу ерлар майдонини камайиши, асосан томарқа ерларни ажратиш ва хўжалик ички қурилиш хисобига 260 минг гектарга қисқарди. Шу даврда сифати бўйича ўрта ва ўртадан паст бўлган иккинчи ва учинчи кадастр зоналари ери 14,0% га ошди. Бундай ерлар майдонини ошиши улар мелиоратив ҳолатини умумий емонлашгани ҳамда 165 минг га майдонга эга кам ҳосилли тупроқлар қишлоқ хўжалиги оборотига киритилгани (ўзлаштирилгани) билан боғлиқ.

Республика аҳолисини катта қисми қишлоқ жойларида, асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ ҳолда яшайди. Шундай экан қишлоқ жойлари аҳолисини яшаш даражаси тупроқнинг хосилдорлиги имконияти билан боғлиқ. Шунинг учун қишлоқ хўжалик ер манбааларидан туғри фойдаланиш, сугориладиган тупроклар унумдорлигини тиклаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этиш долзарб масала бўлиб, тез ҳал қилинишини талаб этади.

Салбий ҳодисалар билан курашишнинг тўғри йўналинишини аниқлаш ва улар таркибини тўғри асослаш муҳим вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси сугориладиган ва лалмикор ерларининг иирик масштабли тупроқ съемкаси материаллари келгусида ер фондини рационал ва унумли фойдаланиш бир қатор масалаларини ҳал этишга имкон беради, шу жумладан тупроқларни сув ва шамол эрозиясидан ҳимоялаш, алмашлаб экишни жойлаштириш, қишлоқ хўжалик экинларининг янги ва истиқболли навларини таркиби ва районлаштириш, агротехник ишларни бажариш ва минерал ўғитларни қўллашни янги хусусиятларни аниқлаш, сугориладиган ва лалми қишлоқ хўжалиги ер

турларини бонитет балларида баҳолаш ва бошқалар.

### **Ғұза ва бошқа қишлоқ хұжалик әқинлари ҳосилдорлигини бонитет күрсаткичлари асосида аниқлаш.**

Тупроқларни бонитировкалаш – тупроқ унумдорлигини белгиловчи хусусиятларга қараб ерни сифат жаһатдан аниқ баҳолаш усууларидан бири. Уни унумдорлиги бүйича баҳолаш (бонитировка килиш), яғни ернинг эң мухим агрономик хусусиятларига күра унга балл билан баҳо қўйиш бўлиб, бу давлат кадастрида мухим ўрин тутади. Тупроқни унумдорлик бүйича баҳолаш - агротехникани ва дехқончиликни жадаллаштиришнинг ўртача даражасини ҳисобга олган ҳолда бажарилади. Унумдорлик бүйича баҳолаш муайян ердаги қишлоқ хұжалик әқинларининг талаблари ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади. Ўзбекистоннинг сугорила-диган ерлари шароитида ғўзанинг талаблари ҳисобга олингани назар - эътиборда тутилади. ғўзанинг талаблари ҳисобга олинган ҳолда аниқланган унумдорлик күрсаткичлари (бонитетлари) пахта комплексига кирувчи бошқа ҳамма әқинлар экиладиган сугориладиган ерларни баҳолаш учун ярайверади. Ерларни баҳолашда тупроқнинг асосий хусусиятлари ва табиий шароитлари, генетик белгилари, ҳарорат ресурслари таъминланғанлиги, механик таркиби, тупроқ ҳосил қиласидиган жинслар генезиси, тупроқ қатламишининг сув ўтказувчанлиги, шўрланиш даражаси, эрозияга учрагани, сертошлиги, гипслашгани ва ҳоказолар ҳисобга олинади ва бу хусусиятлар хұжаликларнинг тупроқ хариталарида ўз аксини топган. Кенг маънода бонитировкани тупроқларнинг унумдорлиги бүйича синфиқациялаш деб ҳисоблаш мумкин. Баҳолаш 100 балли шкала бүйича ўтказилади. Энг яхши хусусиятларга эга бўлган ва энг юқори унум берадиган тупроқларга 100 балл қўйилади.

#### **Тупроқ унумдорлиги бүйича синфлаш.**

Синфлар	Номи	Бонитет балли
X	Энг яхши	91-100
IX	Энг яхши	81-90
VIII	Яхши	71-80
VII	Яхши	61-70
VI	Ўртacha	51-60
V	Ўртacha	41-50
IV	Ўртачадан паст	31-40
III	Ўртачадан паст	21-30
II	Ёмон ерлар	11-20
I	Ёмон ерлар	0-10

Ғўза ва бошқа қишлоқ хұжалик әқинлари ҳосилдорлигини тупроқ бонитет балли асосида ҳисоблашда тупроқнинг бонитет баллини ҳар бир

екин учун балл баҳосига кўпайтириш керак. (м-н, 41б x 0,4 (ғўза учун) қ 16,4ц/га) ва шу йўл билан ҳосил режаси аниқланади.

#### **Кишлоп хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва бонитет балл.**

Кишлоп хўжалик экинлари	100 балл баҳода ҳосилдорлик, цГа	1 балл баҳоси, цГа
ғўза	40	0,40
Беда - 1 йил(пичан учун)	100	1,00
Беда--қоплама экин тариқасида	75	0,75
Маккажўхори (дон учун)	75	0,75
Беда - 2-3 йиллик(пичан)	200	2,00
Маккажўхори силоства	650	6,50
Бошокли донли экинлар (соғ холда)	60	0,60
қоплама экин тариқасида	25	0,25
Озукабоп илдизмевали экинлар	950	9,50
Бир йиллик ўтлар(кўк масса)	300	3,00
Оралиқ экинлар(кўк масса)	250	2,50

Тавсияларга кўра балл бонитети қизил сиёҳ билан ёзилади ва қизил билан ўраб кўйилади.

Харитада унумдорликни кўрсатувчи синфлар ёзилади ва қуидагича бўялади.

- X- синф- тўқ яшил
- IX- синф- яшил
- VIII- синф- тўқ сариқ
- VII- синф- сариқ
- VI- синф- сарғиш
- V- синф- оч сариқ
- IV- синф- тўқ бинафша
- III- синф- бинафша
- II- синф- тўқ бўз
- I- синф- бўз

Бошқача рангларни ҳам танлаш мумкин.

Баъзи илмий ишларда тупроқ харитасининг ўрнига тупроқ бонитировкаси харита-схемаларини бериш мумкин. Бунинг учун уларнинг рангларини ўрнига тегишли штрихлар берилади. қуида помидор экини мисолида ишлаб чиқилган тупроқ- харита схемаси берилади.

### БОНИТИРОВКА ХАРІТА-СХЕМАСИ



Тупроклар бонитировкаси ўтказишда бонитировкасининг асосий шкаласидан балларни түгри қўйиш ва тузатиш коэффициентларини ушбу минтақа учун мосларини танлаш муҳим ахамиятга эга. Ҳозирги амалдаги услубий кўлланмада тупроқнинг генетик груҳи ва механик таркиби асосида асосий шкаладан балл танланади.

### ЕР КАДАСТРИ КИТОБИНИ ЙОРИТИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМА

Ўзбекистон Республикаси «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонунга асосан ердан фойдаланишининг Давлат рўйхати, ерларни давлат ҳисоботи ва ер кадастрини юритиши ягона тизимда юритилади.

Низомга асосан Давлат ер кадастри ердан фойдаланувчиларнинг барчасини рўйхатга олишни бошқариш, давлат ер ҳисоботи ва давлат ер кадастрининг бошқа ишларини юритиши Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари Давлат кўмитаси зиммасига юклатилган.

Давлат ер кадастрини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари Давлат кўмитаси томонидан бажарилади.

Ердан фойдаланишини рўйхатга олиш ва ерларнинг давлат ҳисоби туман ҳокимиятлари томонидан, вилоят ва республика миқёсидаги шаҳарларда шаҳар ҳокимиятлари томонидан амалга оширилади.

Вилоятлардаги ер ресурслари бошқармаларида туман (шаҳар) ер кадастри китоблари, яъни ердан фойдаланувчиларнинг рўйхати, уларнинг

хисоби, ерларнинг сифати ва қиймати тўғрисидаги маълумотлар олиб борилади.

Бу китоблар туманларда туман ер ресурслари хизмати, шаҳарларда шаҳар ер ресурслари хизмати томонидан бажарилади. Ушбу давлат ер ресурслари хизмати томонидан берилган маълумотларнинг тўғрилигига ва улардан олинадиган кўчирма нусхаларга туман шаҳар) ер ресурслари хизмати бошликлари жавоб берадилар.

Давлат ер кадастри китоби тўрт бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда - ер майдонларидан фойдаланиш ҳукуқига эгалигини рўйхатга олиш, туман(шахар)даги барча ердан фойдаланувчиларнинг номи ва эгаси, эгалик қилиш ҳукуқи ва ижараси, ундан фойдаланиш муддати ва мақсади, унга нима мақсадда фойдаланишга берилганлиги, унинг жойлашган ўрни ва майдони, ер майдонининг кадастр рақами, шунингдек ердан фойдаланиш ҳукуқини берувчи хужжатнинг номи, ўртacha тупрок бонитет бали ва унинг кадастр баҳоси қайд этилади. Ер майдонларидан фойдаланиш ҳукуқининг чекланганлиги.

қайта фойдаланиш учун берилган ерлар бошқатдан рўйхатга олинмайди.

Иккинчи бўлим – барча ер майдонлари турлари бўйича сони, барча ердан фойдаланувчилардан сугориладиган экин майдонларининг алоҳида хисоби, шунингдек шаҳар ерларининг туман таркибига кириши, давлат захира ерларига кирувчи шаҳар туридаги қўрғонлар қайд этилади.

Учинчи бўлимда – маданий-техник озуқа экин турларининг хосилдорлиги ва ерларнинг тупроқ унумдорлигига асосан тавсифи хисобга олинади.

Тўртинчи бўлимда – ер майдонларининг турлари қўрсатилади.

### **1- БЎЛИМ. ЕР МАЙДОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИГА ЭГАЛИГИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ.**

- 1.1. Янги тузилган ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олишда ер майдонларини маълум йўналишда фойдаланиш учун тегишли идораларнинг қарори ва ер лойиҳа ишлари, ер майдонларини жойнинг ўзида белгилаб берилганлиги хақидаги хужжатлари асос бўлади. Янги тузилган ердан фойдаланувчиларга ер майдонини жойида ажратиб берилгандан сўнг, ўн беш кун давомида туман (шахар) Ер кадастри китобида қайд этилиши лозим.
- 1.2. Давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг, ердан фойдаланиш ҳукуқини берувчи хужжат берилади.

- 1.3. Давлат ер кадастри китобида аввал рўйхатга олинган ердан фойдаланувчиларнинг ер майдонлари қайта рўйхатга олиш давомида ўзгартмаган бўлса, Давлат ер кадастри китобининг бошқа бўлимига рўйхатдан ўтган куни ва ердан фойдаланувчиларнинг тўлиқлиги тасдиқлангандан сўнг қайтадан белгиланади ва изоҳ берилади.
- 1.4. Ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш қуидаги тарзда олиб борилади:
- биринчи сатрда доимий ердан фойдаланувчилар;
  - иккинчи сатрда шу жумладан ижарадаги ерлар.
- Биринчи бандда - ердан фойдаланувчининг тартиб рақами кўрсатилади. Рақамлаш ҳар бир ердан фойдаланувчининг тоифасига кўра ёзилади;
- Иккинчи бандда – ер майдонининг кадастр рақами кўрсатилади;
- Учинчи бандда – ердан фойдаланувчи ва ердан фойдаланувчиларнинг номи, уларнинг Низоми ҳамда уларнинг тўғрилигини тасдиқловчи хужжатлар;
- Бунда барча янги ёзувлар ҳамма бандларда қайд қилинади.
- 1.5. Агарда қишлоқ хўжалик корхоналари бир нечта ер майдонларига эга бўлиб ва бу ер майдонлари бир нечта маъмурий худудларда жойлашган бўлса, у холда асосий ишлаб чиқарувчи хўжалик маркази қайси худудда жойлашган бўлса, шу худуд китобига ёзилади, сўнгги бандда қолган ер майдонлари қайси маъмурий худудлар чегарасида жойлашганлиги ҳақида маълумот берилади.
- Ўзга туман қишлоқ хўжалик ширкатлари ва бошқа хўжалик ташкилотлари Давлат ер кадастри китобининг биринчи бўлим охирги бандида асосий ердан фойдаланувчининг ер майдонлари ва жойлашгашан ўрни кўрсатилади.
- 1.6. Ўрмон хўжалиги, ўрмон ишлаб чиқариш хўжалиги, темир йўл ва катта йўллар ва х.к. бошқа бир нечта худудларга жойлашга бўлса, ҳар бир туман худудида жойлашганлиги ҳақида рўйхатга олинади (темир йўл ва автомобил транспорти ерлари алоҳида йўналишлари билан қайд этилади).

## 2-БЎЛИМ.

### ЕР МАЙДОНЛАРИ ТУРЛАРИНИНГ СОНИ.

- 2.1. Туман маъмурий чегарасида жойлашган, шунингдек ушбу туманда қайд қилинган, лекин туман худудидан ташқарида жойлашган жамоа (ширкат) ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер майдонлари давлат рўйхатига олинади.
- 2.2. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари қайси идораларга тегишли бўлишларидан қатъий назар Макроиктисодиёт ва статистика

- Вазирлиги тасдиқлаган тартибда январгача ер майдонларининг ўзгаришлари ҳакида 1 январ ҳолатига ҳисобот беришлари шарт.
- 2.3. Давлат ер ҳисоботи ҳакидаги маълумотлар туман ер ресурслари хизмати бошлиги томонидан сифатли тайёрланган харита-тарх материаллари ёки қайта текширув ўлчовларига асосан текширилади.
- 2.4. Давлат ер ҳисоботи ер майдонларининг ҳақиқий ҳолатига кўра олиб борилади. Ҳисобот сифатли тайёрланган харита-тарх материалларига асосан, яъни ердан фойдаланувчиларнинг ўтган йилги ҳисоботига кўра, ўтган йилги тасвиirlари, тузатиш ва қўшимчаларнинг, бу йилги тасвир, тузатишлари, шунингдек текширув ўлчовлари ва шу йилги ер ҳисобларининг график ўзгаришлари ҳисбототда кўрсатилади.
- 2.5. Ҳар бир ердан фойдаланувчиларнинг ер майдонлари ҳақидаги ҳисоботига кўра барча материаллар (тарх, шу йилги ўзгаришлар ва ер майдонларининг текширув ўлчов ракамлари, каторлардан кўчирмалар, ердан фойдаланувчиларнинг берган маълумотлари ва х.к.) туман ер ресурслари бўлимнинг ер тузувчиси хизматида сақланади.
- 2.6. Ерларнинг Давлат ер ҳисоботи туман (шаҳар) Давлат ер кадастри китобининг иккинчи бўлимида олиб борилади.
- 2.7. Иккинчи бўлим иккита жадвалдан иборат: жами ерлар миқдори, шу жумладан сугориладиган ер майдонлари алоҳида кўрсатилади. Бу бўлимда Давлат захира ерларининг барча ердан фойдаланувчилари ҳисобга олинади, шунингдек бошқа тоифадаги ҳисобга олинмаган шахар туридаги кўргон, дала ҳовли ва қишлоқ хўжалик аҳоли ерлари.
- 2.8. Иккинчи бўлимда қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотлари, ёрдамчи ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари Давлат ер кадастри китобига 1 январ ҳолатига ҳар йили киритилади.  
колган ердан фойдаланувчилар ер майдонларида ўзгариш бўлган тақдирдагина қайта ёзув ишлари бажарилади. Янги ёзувлар бўлимнинг барча бандларида қайд этилади.  
Тартибга кўра ўрмон хўжалик ерлари уч сатрда қайд килинади. Биринчи сатрда хўжалик томонидан доимий фойдаланишдаги майдони ёзилади, иккинчи сатрда узоқ муддатга фойдаланиш учун жамоа хўжаликлари, ширкат ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ерлари, учинчи сатрда узоқ муддатга ўрмон ишлаб чиқариш хўжаликлари ва бошқалар ерлари ёзилади. Агарда ердан фойдаланувчи худудида аҳоли яшаш жойлари бўлса, у ҳолда яна бир сатр ажратилади.

Агарда корхона, ташкилот ва муассаса ер майдонлари доимий фойдаланишда бўлиб, уларнинг худудида аҳоли яшаш жойлари бўлмаса, у ҳолда бундай ердан фойдаланувчиларни битта сатр билан кўрсатилади. Бу ҳолларда китобнинг бир варагига бир неча ердан фойдаланувчиларни ёзиш мақсадга мувофиқдир.

Ширкат ва қишлоқ хўжалик корхоналарини ҳар йили ёзиб бериш учун иккита сатр ажратилган.

Биринчи – доимий фойдаланишдаги барча ер майдонлари ёзилади, иккинчи – ижарадаги ерлар.

а) «Жами ерлар» жадвалини тўлдириш.

- 2.9. 4-қаторда шудгор ерлар хисобга олинади. Шудгор ерларга иссиқхона ерлари ҳам киради ва 5-устунда шу жумладан деб берилади.

Боғ ва бошқа кўп йиллик кўчатлар оралиғидаги қишлоқ хўжалик экинлари учун фойдаланаётган ер майдонлари 4-устунга кўшилмайди, бу ерлар 6-устунда кўп йиллик кўчатлар майдонига киради.

- 2.10. 6-10 қаторларда барча кўп йиллик кўчатлар террасалар билан биргаликда хисобга олинади, шунинг билан бирга барча террасалар остидаги барча ер майдонлари киради. Ушбу устунларнинг суратида террасаларда жойлашган кўп йиллик кўчатлар кўрсатилади.

Бир тартибда экилган шамолга чидамсиз кўчатлардан ташқари йўллар, иншоотлар, далаларни химоя қилувчи ўрмон дараҳтлари остидаги майдонлар кўп йиллик кўчатларга кирмайди ва тегишли турлар белгилайди.

- 2.11. 11-устунда бўз ерлар

- 2.12. 12 –устунда пичанзорлар

- 2.13. 13,14-устунларда яйловлар, 14-устунда шу жумладан сув остидаги яйловлар хисобга олинади.

- 2.14. 15-устунда қишлоқ хўжалик ерлари турлари (шудгор ер, кўп йиллик кўчатлар, пичанзор, яйлов ва бўз ерлар)нинг умумий майдони берилади.

- 2.15. 16-20-устунларда дехкон хўжаликлари, хизматчи ва бошқа фуқароларнинг шахсий фойдаланиш учун берилган, шу ердан фойдаланувчи хўжалик худудидаги ер майдонлари хисобга олинади.

18-устунда шудгор ерларнинг майдони, дала ва томорқа ерлари хисобга олинади. Суратида шу жумладан сугориладиган томорқа ерлари.

21-22 - устунларда жамоат боғ ва томорқалари (дала ҳовлилар) хисобга олинади.

- 2.16. 23-қаторда мелиоратив ҳолатини тайёрлаш босқичидаги ерлар хисобга олинади. Бу ерларга фақат мелиоратив ҳолатини тайёрлаш босқичидаги қишлоқ хұжалик ерлари, шунингдек ҳали ҳайдалмаган, лекин кесиб ташланған бөглар, қишлоқ хұжалик экин ерларининг далаларни химоя қилиш учун экиладиган ўрмон күчатлари учун ажратилиб, ҳали күчатлар үтказилмаган ер майдонлари киради.
- Агар янги мелиоратив ҳолатини тайёрлаш ишлари, сугориш ишларисиз фойдаланиб бўлса, каналлар, дренаж, йўллар, курилиш билан банд ерларни 23 – устунга фақат майдонлари ёзилади.
- Агар мелиоратив ҳолатини тайёрлаш ноқишлоқ хұжалик экин ерлари тегишли бўлса, у ҳолда яхшилаш ишлари тугагунга қадар, аввалги турдаги хисобда сақланиб қолади.
- 2.17. 24-26-устунларда Давлат ўрмон фонди ўрмон ерлари майдони хисобга олинади. Бунга ўрмон хұжалик корхонаси ерларидаги ўрмон хұжалик давлат органи ерлари, шахар ўрмон ерлари, қайсики ўрмонлар ва ўрмон кўриқхоналари томонидан бириктирилган ерлар, шунингдек қишлоқ хұжалик ширкатлар ўрмонлари, янги қишлоқ хұжалик ширкатларнинг ўрмон ерларига узоқ муддатта бириктирилгаган, белгиланган тартибида ер хисобот хужжатларида қайд этилгагн ерлар киради.
- 2.18. 27-устунда давлат ўрмон фондига кирмайдиган бутазор күчатлари остидаги қишлоқ хұжалик ширкат ерларидаги далаларни химоя қилиш дараҳтзорлари майдонлари ва бошқа химоя ёки кўкаламзорлаштириш бутазор күчатлари, дараҳт ва дараҳтзорлар, шунингдек бошқа бир бутазор ўсимликларининг қишлоқ хұжалик экин ерлари учун ажратилган, химоя күчатларининг темир йўллар, автомобил йўллари ва канал олди жойларда битта ёки тўп-тўп дараҳтзорлар, шунингдек шахар ва аҳоли яшаш жойларидағи кўкаламзорлаштириш күчатларининг шахар ўрмонзорлари банд бўлмаган ерларда ўсиши, битта ёки тўп-тўп дараҳтларнинг дала ховлилар худудида жойлашиши хисобга олинади.
- 2.19. 28-30-устунларда сув остидаги ерлар хисобга олинади.
- 2.20. 31-устунда йўл остидаги ерлар хисобга олинади.
- 2.21. 32-устунда жамоат бинолари, кўчалар ва майдонлар остидаги майдонлари.
- 2.22. 33-устунда жамоат қурилишлари остидаги ер майдонлари хисобга олинади.
- 2.23. 34-устунда бошқа ерлар.
- б) «сугориладиган ерлар» жадвалини тўлдириш.
- 2.24. Сугориладиган ерлар хисоботи давлат ер фонди хисоботининг ташкилий қисмидир. Сугориладиган ерлар хисоботида ер майдонларининг синф турлари ер майдонлари хисоботида ўзгармай

сақланиб қолади. Демак, устун ва сатрларни түлдириш учун тушунча бериш шарт эмас.

- 2.25. Сугориладиган ерлар ҳисоботи уларнинг ҳақиқий ҳолати бўйича олиб борилади. Ер майдонларини у ёки бу турга тегишилиги улардан фойдаланиш ҳолатига кўра ажратилади. Ҳисобга олишда янги фойдаланиш учун ажратилган (сугориладиган) ерлар киради. Бунда лойиха ҳужжатларига асосан мелиоратив тайёргарлик ҳолатидаги ерлар, булар ҳўжаликларга белгиланган тартибда давлат назорати далолатномаларига ёки корхоналарнинг ҳўжалик тузумининг ишлари далолатномаларига асосан, у ерларда экиш ишлари бажарилган ёки бажарилмаганлигидан қатъий назар ҳисботтга киритилади.

1 январ ҳолатига қабул қилинган сугориладиган ер майдонларининг далолатномалари, экиш ишларининг бажарилмаганлиги, агарда ҳисботнинг кеч топширилганлиги ҳисобга олинса, бу ерларни сугориладиган ерлар ҳисобида далолатномада кўрсатилган экин турлари ҳисобида қабул қилинади.

Мелиоратив тайёргарлик ҳолатидаги объектларни фойдаланишга ўтказиш комиссиясининг қарори, қурилиш ташкилотининг бажарган чизмалари, янги тасвир ёки текширув-ўлчов ишларини жойнинг ўзида ўтказиш оқибатида сугориладиган экин майдонларининг кўпайиши аниқланади. Агар янги мелиоратив тайёргарлик ҳолатидаги ер майдонида аввал сугориладиган ер бўлиб, бор майдон таъмирлаш ишлари бошланган бўлса, бу ерлар янги ишланадиган мелиоратив ҳолатидаги ерларга киритилмайди. Агар аввалдан сугориб келинаётган экин ерларда, бошқатдан янги сугориш тизимлари курилганда, бу ер майдонлари қайта курилган сугориладиган экин ерларига киритилади ва аввалги ер майдони янги қурилиш натижасида ёзилган ҳисбланади.

- 2.26. «Сугориладиган ерлар» жадвали сугориш шахобчалари билан бирга ҳисбланади.
- 2.27. Сугориш шахобчаларига эга ерларга сугориладиган ерлар киради, шунингдек сугориш шахобчалари бор ва сугориш шахобчаларининг таъмирлаш мумкин бўлгагни сувга эга сугориш шахобчаларига эга бўлган ер майдонлари киради.
- 2.28. Сугориладиган ерлар, булар қишлоқ ҳўжаликгода фойдаланиладиган ва сугориш мумкин бўлган, уларда доимий ёки вўактинча сугориш учун сугориш шахобчалари бўлган, сувга эга ва бу ер майдонларини сув ресурслари билан таъминлаш имкони бўлган ерлар.
- Сугориладиган ерларга, мелиоратив тайёргарлик ҳолатидаги ва сугориш тизими таъмирлашга муҳтож ер майдонлари хам киради.

Сугориши тартиби ва сугориладиган ер майдонининг сув билан таъминланиши 75% ҳисобида (сув омборларини ҳисобга олганда) олинади. Шунинг учун сугориладиган ер фонди қайси йил шароитига тўғри келишидан қатъий назар доимий сугориладиган ерлар киради.

Сугориладиган ер майдонларининг чегаралари жойнинг ўзида ер турларининг сифати ва сугориши тартибига кўра белгиланади, шунингдек хўжалик юритиш шакли, бошқа шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади ҳамда ердан фойдаланувчининг тархида кўрсатилиади.

- 2.29. Сугориладиган ер майдонларида мелиоратив тайёргарлик ҳолати ўтказилаётган даврда (таъмирлаш, сугориши шахобчаларини тиклаш ва х.к.) куйидагилар ҳисобга олинади. Булар аввалиги экин ерининг мелиоратив ҳолати, шудгор ерларидан ташқари, мелиоратив тайёргарлик ишларининг бир йилдан ошганда (куздан ҳисоблаганда), қишлоқ хўжалик экин турлари экилмагандა. Бу ерларни бўз ерлар деб ҳисоб қилинади.

### 3-БЎЛИМ.

#### ЕР ТУРЛАРИНИНГ СИФАТИ

- 3.1. Ер майдонлари турларининг тавсифи барча ер майдонларида ўтказилади. Бунда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши унумдорлигини аниқлашда, бонитет синфи, механик таркиби ва туридан фойдаланилади. Асосан сифатли маълумот олишда тупроқ ва геоботаник текширувлар, харита-тарх ва бошқа маълумотлар керак бўлади.
- 3.2. Ерларнинг аниқ ва тўғри табиий тафсилотини аниқлашда, табиий қишлоқ хўжалик худуди, мамлакатни табиий шароит хусусиятига мос равиша худудларни тўғри тизимда бўлиниши катта аҳамиятга эга.
- 3.3. Ер турларининг тафсилоти иккита жадвалдан иборат:
- ерларнинг сифатли тафсилоти;
  - қишлоқ хўжалик ер турларининг бонитет бали бўйича кадастр баҳоси.
- «Ерларнинг сифатли тафсилоти» жадвалини тўлдириш тартиби
- 3.4. Бу жадвални тўлдиришда тупроқ баҳоси ва тупроқ қидирив ишларининг хўжалик тупроқ тархидаги экспликациясидан олинади. қишлоқ хўжалик экин турларининг майдонлари ер кадастри китобининг 2-бўлимидан олинади.
- 3.5. Юкори сатрларда туман хўжаликларининг номлари ёзилади.
- 3.6. «Тупроқ» сатрида тупроқ турларининг номлари ёзилади.
- 3.7. Пастки сатрларда тупроқнинг механик таркибларига кўра майдонлари ёзилади.

Тупроқлар механик таркибига кўра 4 гурухга бўлинади: ўта лойли, ўрта лойли, кам лойли ва қумоқ. Шуларга асосан қумоқ физик таркиби қўйидагини ташкил этади.

Гурух сони	Тупроқнинг механик таркиби	қумоқнинг физик ҳолати
1	Лойли ва ўта лойли	45% дан юқори
2	Ўртacha лойли	30-45%
3	Кам лойли	20-30%
4	қумоқ ва қумли	10% дан кам

3.8. Кейинги сатрда тупроқнинг сув эрозиясига учраганлиги даражаси кўрсатилади.

Ювилган (сув эрозиясига учраган) тупроқлар асосан тоғ олди ва тоғли мавзеларда учрайди. Ювилганлик даражасига кўра тупроқлар қўйидагиларга бўлинади.

Ювилиш даражаси	Жойнинг нишаблиги, градус	Жойлашган ери
Ювилмаган	0,5 <sup>0</sup> гача	Сувнинг тақсимланиш ери
Кам ювилган	0,5 – 2 <sup>0</sup>	Сувнинг тақсимланиш ерининг 1/3 кисмida
Ўртacha ювилган	2 – 5 <sup>0</sup>	2/3 кисмida
Ўта ювилган	5 <sup>0</sup> кўп	3/3 кисмida

3.9. Шўрланганигини аниқлаш учун В.В.Егоров ва Н.Минашиналарнинг ишлаб чиқкан табақалаш жадвали кўлланилади.

Шўрланиш даражаси	Тузларнинг таркибий ҳолати, %			
	HCO <sub>3</sub>	Cl	Na	SO <sub>4</sub>
Шўрланмаган	0,061дан кам	0,01 дан кам	0,023 дан кам	0,08 дан кам
Кам шўрланган	0,061-0,122	0,01-0,035	0,023-0,046	0,08-0,17
Ўрта шўрланган	0,122-0,244	0,035-0,070	0,046-0,092	0,17-0,34
Кучли шўрланган	0,244-0,488	0,070-0,140	0,092-0,184	0,34-0,86
Ўта кучли шўрланган	0,488 дан юқори	0,140 дан юқори	0,184 дан юқори	0,86 дан юқори

3.10. Тупроқда тош кўплиги физик-сув хусусиятини аниқлайди ва унинг сув ўтказувчанлигига таъсир этади. Тупроқдаги тошлок қисмининг чукур жойлашишига кўра қўйидаги қатламларга бўлинади:

- юза тошлок - 0-30 см;
- унча чукур бўлмаган тошлок - 30-50 см;
- ўртacha чукур тошлок - 50-100 см;
- чукур тошлок - 100 см чуқурда.

Тупроқлар тошлоклигига қараб қўйидагиларга бўлинади:

Тошлоклик даражаси	Тош таркиби, %
--------------------	----------------

Кам тошлок	0 – 10
Ўрта тошлок	10-20
Ўта тошлок	20 дан юкори

3.11. Тупроқлар гипс даражаси қуйидагиларга бўлинади:

Гипс даражаси	Гипс таркиби, %
Кам гипсли	11-20
Ўрта гипсли	21-40
Ўта гипсли	41 дан юкори

Гипс қатлами ning жойлашганлигига караб қуйидаги шкалага бўлинади:

Гипс қатлами ning жойлашганлиги, см	Гипс даражаси
0-30	Гипс юза кисмida
30-60	Тупроқning устки кисмida
60-100	Тупроқ қатлами ning ўртасида
100-200	Таг кисмida гипслашган
200 чуқуррок	Энг остики кисми гипслашган

3.12. Гумус даражаси 0-50 см қатламда бўлиниш қуйидаги тартибда олинади:

Гумус таркиби, tGra	Гумус билан таъминланганлиги
30 гача	жуда оз
31-60	оз
61-90	ўртacha

3.13. Фосфор билан таъминланиши қуйидагича табақаланади:

Фосфор таркиби, мг/кг хисобида	Фосфор билан таъминланганлиги
15 гача	жуда паст
15-30	паст
30-45	ўртacha
45-60	юкори
60 дан юкори	жуда юкори

3.14. Калий билан таъминланиш табақаси:

Калий таркиби, мг/кг хисобида	Калий билан таъминланганлиги
100 гача	жуда паст
100-200	паст
200-300	ўртacha
300-400	юкори
400 дан юкори	жуда юкори

Юкорида қайд этилганларга асосан қуйидагилар ҳисобланади ва уларнинг туман бўйича ўртacha аҳамияти белгилаб олинади.

«қишлоқ хўжалик ерларининг тупроқ бонитет балига асосан кадастр баҳоси» жадвалини тўлдириш тартиби.

Ушбу жадвал хўжалик учун ишлаб чиқилган тупроқ тархи экспликациясида келтирилган маълумотларга кўра тўлдирилади.

Тўлдириш тартиби қуидагича:

- 3.15. 1 - қаторда хўжалик тартиб рақами ёзилади.
- 3.16. 2-қаторда хўжалик номи;
- 3.17. 3-қаторда ер балансидан олинган сугориладиган қишлоқ хўжалик ер майдони ёзилади.
- 3.18. 4-қаторда тупроқ тархи экспликациясидан олинган ўртача бонитет бали ёзилади.
- 3.19. 15-қаторни тўлдириш учун қишлоқ хўжалик ер турларидан (3-қатор) 5-14 қаторларда келтирилган майдон айрилади (3-(5к14));
- 3.20. 16-қаторда лалми ерлардаги шудгор майдони ёзилади.
- 3.21. 17-қаторда лалми ерлардаги бўз ерлар майдони ёзилади.
- 3.22. 18-қаторда лалми ерлардаги боғ майдони ёзилади.
- 3.23. 19-қаторда жами лалми ерлар ёзилади (16к17к18)
- 3.24. 20-қаторда ёгин сувлар билан таъминланмаган лалми ерлар майдони ёзилади.
- 3.25. 21-қаторда ярим ёгин сувлар билан таъминланган лалми ерлар майдони ёзилади.
- 3.26. 22-қаторда ёгин сувлар билан таъминланган ер майдонлари ёзилади.
- 3.27. 23-қаторда охирги йил ер баланси бўйича сугориладиган пичанзорлар ер майдонлари ёзилади.
- 3.28. 24-қаторда охирги йил ер баланси бўйича сугорилмайдиган яйловлар ер майдонлари ёзилади.
- 3.29. 25-қаторда пичанзор ва яйлов ерларнинг майдонлари ёзилади (23к24)
- 3.30. 26-қаторда чўл зонасида жойлашган сугорилмайдиган пичанзор ва яйлов ерлар майдони ёзилади.
- 3.31. 27-қаторда адир зонасида жойлашган сугорилмайдиган пичанзор ва яйлов ерлар майдони ёзилади.
- 3.32. 28-қаторда тоғ зонасида жойлашган сугорилмайдиган пичанзор ва яйлов ерлар майдони ёзилади.

#### **4-БЎЛИМ.**

#### **ЕР БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

- 4.1. Туман (шахар) Давлат ер кадастри китоби тўртинчи бўлими 2 та жадвалдан иборат. Булар белгиланган тартибда бажарилган ер баҳоси ишларининг якунида тўлдирилади.
- 4.2. Биринчи жадвалга ерларнинг умумий баҳолаш натижалари ёзилади (барча ер майдони баҳоси, алоҳида сугориладиган ва сугорилмайдиган), иккинчи жадвалда, аввалги тартибда шудгор ерларнинг хўжалик тизимида унумли бўлишини таъминлаш баҳоси.

- 4.3. Ҳар бир жадвалда барча туман хўжаликларининг ер баҳоси кўрсатилади. Бу қўйидаги тартибда ерларни баҳоланади:
- жами ширкат хўжаликли;
  - хўжаликларо қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотлари;
  - илмий-синов, синовчи-ишлаб чиқарувчи ва бошқа қишлоқ хўжалик олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари;
  - ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналари;
  - бошқа қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналари.
- 4.4. Ерларни баҳолаш маълумотлари ерларни умумий баҳолаш жадвалида ҳар бир хўжалик бўйича шудгор ерлар, кўп йиллик кўчатзорлар, пичанзорлар, яйловлар ва бошқа қишлоқ хўжалик экин турлари бўйича ёзилади.

#### **ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ КИТОБНИ ТЎЛДИРИШ ҚОИДАСИ**

- 5.1. Китоб ип билан тикилади ва ҳар бир сатри рақамлар билан белгилаб чиқилади. Охирида ип билан тикилган сатрлар сони кўрсатилади. Китобни туман (шаҳар) ҳокими ва туман ер тузиш хизмати бошлиғи имзолари билан тасдиқлайди. Бош ер тузувчи муҳандисни алмаштирилган тақдирда, янги қабул қилинаётгна (мутахассис) ер тузувчи муҳандис далолатнома орқали қабул қилиб, қабул қилган куни ва ўз имзоси билан тасдиқлайди.
- 5.2. Ер тузувчи муҳандис бир вақтда Ер кадастри китоби билан бирга туманинг ердан фойдаланиш тархини олиб боради.
- 5.3. Давлат ер кадастри китобида ёзувлар тушда ёки сиёҳ билан ёзилади, ҳеч қандай ўзгартириш, ўчириш мумкин эмас. Агар хато бўлса, нотўғри ёзилган рақамни чизиб кўйилад ва тўғри рақамни юқорисига ёзилади, бу ҳақда китоб охирида изоҳ берилади.
- 5.4. Ер кадастри китоби бош ер тузувчи муҳандис томонидан ёнмас шкафда сақланади.

#### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР ФОНДИ.**

Ўзбекистон Республикасининг чегаралари доирасидаги ерлар майдони 44896,9 минг гектарни ташкил қиласди. Республикаизнинг 505,5 минг гектар ерларидан кўшини Марказий Осиё давлатларининг корхона ва ташкилотлари кўшини давлатларнинг 18,9 минг гектар ерларидан эса Республикаиз корхона ва ташкилотлари фойдаланади. Шундай қилиб, 2003 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистон Республикаси корхона, ташкилот, муассаса ва фуқаролари фойдаланишида жами 44410,3 минг гектар ер (захира ерлар билан ҳисобланганда) мавжуд. Вилоятлар бўйича ер фондининг тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

Фойдаланиш мақсадига қараб, Республика ер фонди 8 та тоифага бўлинади:

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;

- аҳоли пунктларининг ерлари;
- саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;
- табиатни мухофаза қилиш, согломлаштириши, рекреация мақсадаларига мўлжалланган ерлар;
- тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар;
- ўрмон фонди ерлари;
- сув фонди ерлари;
- захира ерлар.

## **ЕР ФОНДИННИГ ТОИФАЛАРИ БЎЙИЧА ТАВСИФИ.**

**қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар.** Бу тоифага қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шугулланадиган, ёки шу мақсадга мўлжаллаб қишлоқ хўжалик корхона, ташкилот, муассаса ва фуқароларга берилган ерлар киритилган. қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг 2003 йил 1 январ ҳолатига кўра умумий майдони 22614 минг гектар, ёки республика ер фондининг 50,9% ини ташкил қилади. қишлоқ хўжалигига мўлжалланганган ерлар республика учун энг қимматли ерлар фондига киритилиб, кўп функциялидир. Бу эса нафақат уларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини таъминлаш билан, балки агроландшафт ҳамда қулай табиий мухит яратиш билан ҳам боғликдир.

2003 йил 1 январ ҳолатига республика бўйича жами қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шугулланадиган 2330 та қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати) ва 2574 та бошқа турдаги корхона, ташкилот ва муассасалар мавжуд. Уларнинг фойдаланишида бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер тоифалари майдони 17418,2 минг гектар бўлиб, булардан 3293,4 минг гектар сугориладиган экин ерлардир.

Республика худудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг тақсимланиши табиий омиллар билан белгиланади. Уларнинг майдони корақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича 2-жадвалда илова этилади.

Ўзбекистон Республикаси бўйича жами ерлар  
2003 йил 1 январ ҳолатига

Вилоятлар номи	Умумий майдон		Экин ерлар		Кўп йиллик дараҳтзор-лар		Бўз ерлар		Пичанзор ва яйловлар		кишлек хўжалик ер турлари		Томорка ерлар		Ўрмонзор лар		Бутазорлар			
	Жами	Шундан сугориладигани	Жами	Шундан сугориладигани	Жами	Шундан сугориладигани	Жами	Шундан сугориладигани	Жами	Шундан сугориладигани	Жами	Шундан сугориладигани	Жами	Шундан сугориладигани	Жами	Шундан сугориладигани				
коракалпогистон Республикаси	16100,6	500,2	419,9	419,9	8,6	8,6	9,3	9,3	4856	27,2	5293,8	465	46,6	34,4	26,9	501,8	0,7	0,1	67,3	10164,1
Андиқон	430,3	271,1	196,8	196,8	28,3	28,3	4,2	1,1	22,1	0,8	251,4	227	52,1	40,1	1,9	3,7	3,7	0,3		120,9
Бухоро	4193,7	274	199,4	199,4	23,4	23,4	5,7	5,7	2670,4		2898,9	228,5	57,3	43,5	4,3	205,6	1,8	0,3	45,4	981,9
Жиззах	2117,8	301,3	478,4	259,8	15,3	14,3	8,3	0,5	737,6		1239,6	274,6	32,9	22,1	6,9	173,2	4,6			665,2
Кашқадарё	2856,8	504,9	667,8	418,4	31,8	29,4	23,9	5,1	1487,8	0,1	2211,3	453	75	46,1	20,3	112,6	5,5	0,3		437,3
Навоий	10937,4	124,8	111,6	91,3	10,2	10,2	6,9	6,7	9137,6		9266,3	108,2	20,1	14,5	2,8	872,4	1,3	1,3		774,5
Наманган	718,1	279,5	197,2	197,2	36,2	36,2	3,1	3,1	153,3		389,8	236,5	46,3	37,8	1	25	5,1	0,3		255,7
Самарқанд	1677,4	376,7	444,1	261,1	53,7	50,1	6		795,8		1299,6	311,2	83,4	60,7	4,4	12,1	4,4	0,7		277,2
Сурхондарё	2009,9	326,6	281,5	242,8	33,3	31,8	0,3		862		1177,1	274,6	61	49,1	1,1	193,6	2,9		0,3	576,8
Сирдарё	427,6	292,9	256,3	256,3	6	6	11,3	11,3	23,6		297,2	273,6	19,1	15,7	5,2	3,4	3,4	0,1		102,6
Тошкент	1526,2	386,3	335,2	299,8	37,9	33,1	0,8	0,4	424,1	1,5	798	334,8	55,2	45,1	1,5	81,7	2,7	3,7	2,6	583,5
Фарғона	700,6	357,4	253,8	253,8	38	38			24,5	4,9	316,3	296,7	67,5	50,4	1,6	14,9	9,4	0,9		299,4
Хоразм	681,6	276,3	210,2	210,2	13,6	13,6	5,2	5,2	172,2	9,4	401,2	238,4	45,5	37,2	1,6	58,4	0,6	0,1		174,8
Тошкент. III	32,3	5,9	0,5	0,5	0,1	0,1					0,6	0,6	5,3	4,2		1,4	1,1			25
Жами	44410,3	4277,9	4052,7	3307,3	336,4	323,1	85	48,4	21367	43,9	25841,1	3722,7	667,3	500,9	79,5	2259,8	47,2	8,1	115,6	15438,9

**Аҳоли пунктларининг ерлари (шахар ва шаҳар туридаги қишлоқлар).** Бу тоифадаги ерларга шаҳар ва шаҳарчалар маъмурий чегараларида бўлган ҳамда қишлоқ ва овуллар ҳудудида жойлашган аҳоли пунктларининг ерлари киритилган. 2003 йил 1 январ ҳолатига аҳоли пунктларининг ер майдони 235,5 минг гектар, ёки жами ерларнинг 0,5%ни ташкил қиласди. Бу майдонга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги корхона, ташкилот ва муассасалари ҳудудида жойлашган аҳоли пунктлари ерлари киритилмаган. Бу ерлар ушбу корхона, ташкилот ва муассасалар ер баланси таркибида томорқа ерлари сифатида кўрсатилган. Буларнинг майдони 601,2 минг гектар ни ташкил қиласди.

**Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар.** Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларга кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар киради. Бу тоифадаги ерлар ташкилотларга юклangan вазифаларни бажариш учун белгиланган тартибда месъёрий ёки лойиҳа-техникавий хужжатлар асосида берилади. 2003 йил 1 январ ҳолатига кўра саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжал-ланган ерларнинг майдони 1885,9 минг гектар, ёки жами ерларнинг 4,2 % ни ташкил қиласди.

**Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар.**

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 72,3 минг гектарни ташкил қиласди. Бу ерларга алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий-даволаш омилларига эга бўлган, шунингдек оммавий дам олиш ва туризм мақсадларida фойдаланадиган ерлар киради. Бу тоифадаги ерлар майдонининг асосий қисмини кўриқхоналар ва миллий боғлар эгаллаган. Булар Давлат табиий кўриқхоналари табиатни муҳофаза қилиш, илмий-тадқиқот ва экологик-маориф муассасалари бўлиб, мақсади-табиий жараён ва ҳодисаларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генетик фондини, ўсимлик ва ҳайвонларнинг айрим тур ва туркумларини, типик ва ноёб экологик тизимларини табиий ҳолатда сақлаб қолиш ва ўрганишдан иборатdir.

**Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар.** Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар-тарихий маданий ёдгорликлар билан банд ерлардир. 2003 йил 1 январ ҳолатига табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий мақсадларда фойдаланадиган ерларнинг умумий майдони 0,2 минг гектарни ташкил қиласди.

**Ўрмон фонди ерлари.** Ўрмон фонди ерларига ўрмон билан қопланган ҳамда қопланмаган, лекин ўрмон хўжалиги эҳтиёж-лари учун берилган

ерлар киради. 2003 йил 1 январ ҳолатига бу тоифадаги ерлар майдони 8578,3 минг гектарни, ёки жами ерларнинг 19,3% ни ташкил қиласди. Ўрмон худудларини, табиатни муҳофаза қилиш хусусиятлари ва ўрмонзорларни қайта тиклаш жараёни узоқ кечишини ҳисобга олиб, уларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш муаммосига катта эътибор берилишини талаб қиласди. Шу сабабдан 1991 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан 871,4 минг гектар ўрмон фонди ерлари тоифасига ўтказилди, бу эса ўрмон фонди ерлари майдонини ошириш асосида тупроқлар дегрессияланишини ва хўжалик мақсадларида ўрмон дараҳтларининг кесилишини олдини олишда муайян даражада қулай шароит яратди.

**Сув фонди ерлари.** Сув фонди ерларига гидротехник ва бошқа сув хўжалиги иншоатлари билан банд бўлган ҳамда сув хўжалиги эҳтиёjlари учун корхона, ташкилот ва муассасаларга белгиланган тартибда берилган сув иншоатлари ёқасидаги химоялаш зоналари ерлари майдони киради. 2003 йил 1 январ ҳолатига кўра сув фонди ерлари майдони 822,6 минг гектар, ёки умумий ер майдонининг 1,84% ни ташкил қиласди.

**Захира ерлар.** Захира ерларга барча ерлар (шу жумладан, сув ости ерлари)- эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага берилмаган, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга мулк сифатида сотилмаган ҳамда бошқа ер тоифаларида ҳисобга олинмаган ерлар киради. 2003 йил 1 январ ҳолатига кўра захира ерлар майдони 10201,5 минг гектар ёки умумий майдонининг 23,0% га teng.

Ер фондини ер тоифалари бўйича таркиби ҳамда улар майдонини 1990-2003 йиллар давомида ўзгариши тўғрисидаги маълумот 31-жадвалда иловга этилади.

Юкоридаги жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 2003 йилга келиб, 1990 йилга нисбатан қишлоқ хўжалик корхона, ташкилот ва муассасалари фойдаланишда бўлган ерлар майдони 10553,8 минг гектар га камайди. Бу ўзгариш республика худудида яйлов ерларининг ўрмон ер тоифаларига ўтиши муносабати ҳамда бошқа тоифадаги ерлар майдони ошиши ҳисобига рўй берган. Умуман олганда, ер фонди умумий майдонининг 11774,7 минг гектарга камайиши факат узоқ муддатга фойдаланишга олинган яйлов ерларни чегарадош давлатларга қайтариб берилгани сабабли келиб чиккан.

**Ўзбекистон Республикаси ер фондининг тоифалари бўйича таркиби**

Ер тоифалари	1990 й. 01.11. холатига (минг га)	%	2003 й. 01.01. холатига (минг га)	%	Фарки (минг га)
1. кишлоқ хұжалигига мұлжалланған ерлар	33167,8	72,76	22614	50,92	-10553,8
2. Аҳоли пунктлари ерлари (шахар ва шаҳар туридаги ерлар).	197,2	0,43	235,5	0,53	к38,3
3. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларға мұлжалланған нерлар	1821,2	4,00	1885,9	4024	к64,7
4,5 Табиатни муҳофаза килиш, согломлаштыриш, рекреация мақсадларига мұлжалланған ерлар	13,9	0,03	72,5	0,16	к58,6
6. Үрмөн фонди ерлари	2507,5	5,50	8578,3	19,31	к6070,8
7. Сув фонди ерлари	618,8	1,36	822,6	1,85	к203,8
8. Захира ерлар	7258,6	15,92	10201,5	23,0	к2942,9
Жами.	45585,0	100	44410,3	100	-1174,7

Республика ер фондини хұжалик мақсадидаги вазифаларига қараб бўуниши у ёки бу мақсадда фойдаланишга берилган ерлар бажарадиган функциялари фарқига боғлиқдир.

Масалан, Ер қишлоқ хұжалигига ишлаб чиқаришнинг бош воси-таси хисобланниб, хұжалик юритиш шаклларида таркибий ўзгариш-ларни амалга ошириш учун худудий асос бўлиб хизмат қиласди.

Ерга эгалик қилиш ва ерлардан самарали фойдаланишнинг янги шакллари ривожланмоқда-булар фермер хұжаликлари, хусусийлаштирилган чорвачилик фермалари, ҳар хил кооператив турлари, ижара ва бошқа қишлоқ хұжалик корхоналаридир.

Кишлоқ хұжалигига мұлжалланған ерларнинг хұжалик фойдала-ниш турлари бўйича тақсимланиши 32-жадвалда илова этилади.

### **Кишлоқ хұжалигига мұлжалланған ерларнинг хұжалик фойдаланиш турлари бўйича тақсимланиши**

кишлоқ хұжалик корхона ва ташкилоттарининг турлари	Майдон	
	Минг га хисобида	%
1. кишлоқ хұжалиги кооперативи (ширкати) хұжаликлар	22132	97,8
2. Бошқа қишлоқ хұжалиги корхона ва ташкилотлари	252,9	1,14
3. қишлоқ-хұжалик илмий-тадқиқот мұассасалари	97,9	0,48
4. Ёрдамчи қишлоқ хұжаликлари	124,5	0,55
5. Хусусийлаштирилган чорвачилик фермалари	6,7	0,02
Жами:	22614,0	100,0
Шу жумладан фермер хұжаликларига ижараға берилгани	1659,3	7,33

Ер фондининг асосий ер турлари бўйича 2003 йил 1 январ холатига 1990 йилга нисбатан тақсимланиши ва динамикаси 33-жадвалда илова

этлади.

**Ер фондининг асосий ер турлари бўйича  
тақсимланиши ва динамикаси (минг га хисобида)**

Ер турлари	1990 й. 01.11 холатига майдон	2000 й. 01.01 холатига майдон	2001 й. 01.01 холатига майдон	2002 й. 01.01 холатига майдон	2003 й. 01.01 холатига майдон	2003 й. 01.01 майдон фарки к.-
1. кишлоҳ хўжалик ер турлари жами	28080,4	26753,6	26734,5	26694,1	25841,1	-2239,3
Шу жумладан сугориладигани	3825,0	3743,9	3733,3	3730,7	3722,8	-102,2
- Экин ерлар	4176,5	4056,6	4058,4	4056,2	4052,7	-123,8
Шу жумладан сугориладиган	3407,3	3313,6	3308,3	3309,4	3307,4	-99,9
- Кўп йиллик дараҳтзорлар,	366,8	352,9	346,9	342,6	336,4	-30,4
Шу жумладан сугориладигани	354,5	339,7	332,3	328,1	323,1	-31,4
- Бўз ерлар	62,1	80,7	82,8	85,6	85,0	к22,9
Шу жумладан сугориладигани	25,9	46,5	48,4	48,9	48,4	к22,5
- Пичанзор ва яйловлар	23475,0	22263,4	22246,4	22209,7	21367,0	-2108
Шу жумладан сугориладигани	37,3	44,1	44,3	44,3	43,9	к6,6
2. Томорка ерлар	437,9	642,9	649,2	657,5	667,3	к229,4
Шу жумладан сугориладигани	355,6	481,9	486,8	494,2	500,9	к145,3
3. Ўрмонзорлар ва бутазорлар	1410,0	1511,9	1489,5	1490,8	2375,4	к965,4
Шу жумладан сугориладигани	31,3	44,6	46,0	46,7	47,2	к15,9
4. Жамоа бодгорчилик-узумчилик ўртоқчилиги	13,4	8,5	8,3	8,1	8,1	-5,3
Шу жумладан сугориладигани	9,9	7,2	7,2	7,2	7,1	-28
5. Мелиоратив курилиш холатидаги ерлар	103,7	79,3	82,8	80,3	79,5	-24,2
6. Башқа ерлар	15539,6	15414,1	15446,0	15479,5	15438,9	-100,7
Жами	45585,0	44410,3	44410,3	44410,3	44410,3	-1174,7
Шу жумладан сугориладигани	4221,8	4277,6	4273,3	4278,8	4278,0	-56,2

Жадвалда келтирилган қийматлардан кўринишicha 13 йил давомида республика ер фонди таркибида ўзгаришлар нисбатан кам бўлиб шу даврда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер турлари майдони жами 2039,3 минг гектарга камайган. Сугориладиган ерларнинг майдони 4278,0 минг гектар ёки республика жами ерларининг 9,6% ни ташкил қиласди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУПРОҚЛАРИ, УЛАРНИНГ  
ХОЛАТИ ВА СИФАТ БАҲОСИ**

Республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган ер майдони 28 млн. гектардан ошикроқ. Биринчи карашда ер майдони кўпга ўҳшаб кўринсада, аслида қишлоқ хўжалигига интенсив фойдаланиладиган ерлар, асосан, сугорила-диган майдонлар бўлиб-4,28 млн. гектарга тенг. Бу ерлар ҳақиқаттан ҳам республикамизнинг «олтин

фонди»ни ташкил этади ва уларда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95 фоизидан ошиқроғи етиштирилади.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон қадим замонлардан бери дунёда сугорма деҳқончиликнинг марказларидан бири бўлган. Узоқ йиллар давомида бу тупроқлар ўз унумдорлигини йўқот-маган, аксинча деҳқон фаолияти натижасида хосилдорлик ошиб борган. Лекин биз яшаётган асрнинг ўрталарига келиб, айниқса кейинги 30-40 йил давомида, ерларни бир томонлама эксплуатация қилиш – қандай бўлмасин факат асосий экиндан юқори хосил олиш учун уриниш бир қатор нохуш ҳолларга олиб келди. Энг аввало, уларнинг мелиоратив холати ёмонлашди. Кейинги йигирма йил давомида шўрланган ерлар миқдори 850 минг гектарга кўпайди ва умумий майдони 2 млн. гектардан ошди, бу сугориладиган ерларнинг ярми демакдир. Тузлар тўпланиши ва ерларнинг шўрланани чўл минтақаси ва оч тусли бўз тупроқлар поясида, яъни қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сирдарё вилоятларида, қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона вилоятларининг бир қисмида кучайиб кетган. Бундан ташқари гипсли тупроқларнинг ўзлаштирилиши ерларнинг чўкишига ва тезда қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетишига сабаб бўлмокда.

Тупроқларнинг иккиласми шўрлананини келтириб чиқара-диган сабаб - минерализациялашган грунт сувларининг ер юзасига яқинлигидир. Сугориш сувларининг катта меъёрда ишлатилиши грунт сувлари сатхининг кўтарилишига сабаб бўлди. Бугунги кунда грунт сувлари кам минерализациялашган (1-3 гФл) майдон 1,5 млн.гектарни, ўртacha минерализациялашган (3-5 гФл) - 0,7 млн.гектарни ва кучли минерализациялашган (5 гм) - 0,5 млн. гектарни ташкил этади.

Тупроқларнинг унумдорлигига шамол ва сув эрозиялари катта таъсир қўрсатади. Бугунги кунда 2 млн. гектардан ошиқрок ер дефляцияга, жумладан 0,7 млн. гектар ер кучли дефляцияга учраган, 0,5 млн. гектар ерда ирригация эрозияси юз бериш хавфи бор. Бундай ерлар тоғ олдида жойлашган

### **Ўзбекистон Республикаси сугориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг шўрланганлиги бўйича МАЪЛУМОТ**

Вилоятлар номи	Шўри ювидган	Шўрланниш даражаси				
		Кучсиз	Ўртacha	Кучли	Ж.кучли	Жами
корақалпоғистон Рес.	0	110382	151702	142901		404985
Андижон	0	52241	20647	4910		77798
Бухоро	0	98565	45150	31279		174994
Жиззах	145	101018	76053	38885		216102
қашқадарё	2994	213931	63347	31504		311776
Наманган	1458	49726	18051	13053		82288

Навоий	1114	48735	19598	6661		76108
Самарқанд	1528	102767	19897	4608		128800
Сурхондарё	8669	99742	47646	22542		178599
Сирдарё	9833	115740	70094	48848		244515
Тошкент		67580	13107	5335		86022
Фарғона	590	108044	67401	42988		219023
Хоразм	31	106843	50611	23158	199	180842
Республика бўйича	26362	1275314	663304	416672	199	2381852

Вилоятлар, айникса, Фарғона водийси адирларида кўплаб учрайди. Эрозия натижасида гектаридан 0,5-0,8 тонна гумус, 100-120 кг азот, 75-100 кг фосфор юваб олиб кетилиши мумкин.

Республика тупроқларининг асосий қисми ҳар хил пестицидлар, заҳарли кимёвий моддаларнинг қолдиклари билан ҳар хил даражада ифлосланган. Улар етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини ёмонлаштириши билан бир қаторда фойдали тупроқ микроорганизмларининг фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон тупроқларида макроструктура кам, лекин улар кучли микроструктурага эга. Лекин, резина ғиддиракли тракторларда бир неча бор ишлов бериш натижасида тупроқларнинг микроструктураси ҳам парчаланиб кетади, зичлиги, айникса, ҳайдов ости қатламининг кескин зичлашуви кузатилмоқда. Бу ҳол ўз навбатида тупроқ унумдорлигининг асосий кўрсаткичлари-дан бири, сув ва ҳаво режимларининг бузилишига олиб келади.

Сугориладиган тупроқларда гумус моддасининг камайиб кетиши кузатилмоқда. Озука элементларининг асосий қисми ўсимлик биомассаси билан тупроқдан олиб чиқилиб кетмоқда ва тупроққа қайтиб тушадиган ёки сунъий ўғит сифатида бериладиган миқдори сезиларли даражада кам, демак дехқончиликнинг асосий қонуниятларидан бири - ерга «қайтариш» қонуни бузилган. Натижада сугориладиган ерлар камбагаллашиб кетган, уларнинг физикавий - кимёвий хусусиятлари ёмонлашган. Шуни таъкидаш лозимки, бунга алмашлаб экишга эътиборсизлик, пахта якка хокимлиги ҳам катта сабабчи бўлади.

Юкоридагилардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигига фойдаланилаётган ерларимизнинг мелиоратив - экологик ҳолати ёмон, демак унумдорлик даражаси юқори эмас. Лекин ҳамма жойда ҳам шундай дейиш хато. Илму-фаннинг асосли тавсияларига, минглаб йиллик дехқончилик тажрибаларига таяниб ишлаётган дехқон, фермер, ширкат ҳўжаликлирида тупроқ унумдорлиги камаймасдан, балки ошганлиги кузатилмоқда. Демак, тупроқларнинг ишлаб чиқариш потенциали юқори, масала уни қандай килиб самарали унумдорликка айлантиришда. Бунга қандай эришиш мумкин?

**Ўзбекистон Республикаси сугориладиган қишлоқ ҳўжалиги  
ерларининг сувли емирилиши (эрозияси) ҳақида**  
**МАЪЛУМОТ**

Вилоятлар номи	Сувли емирилиши (шамол эrozияси)					Жами
	Кучсиз	Ўртacha	Кучли	Кам ювилм.	Шўр.ювилм аган.	
корақалпогистон Рес.	9349	69	0			9418
Андижон	5884	4987	3314			14185
Бухоро						
Жиззах	38464	6123	5			44592
кашқадарё	141019	15946	2783			159748
Наманган	27130	20964	6430			54524
Навоий	1076	1905	26	7	152	3166
Самарқанд	76079	40305	5315			121699
Сурхондарё	17773	12597	6984			37354
Сирдарё	688					688
Тошкент	68081	52357	18154			138592
Фарғона	14685	1456	344			16485
Хоразм						
Республика бўйича	390879	156640	43355	7	152	591033

Тупроқнинг унумдорлигини кўп жиҳатдан белгиловчи органик моддагумуснинг миқдорини ошириш лозим. Шуни таъкидлаш керакки, тупроқ унумдорлигида гумуснинг умумий захраси эмас, балки янги фаол органик қисми катта аҳамиятга эга. қадимдан сугориладиган тупроқда гумус захраси кўп бўлсада, у фаол эмас. Масалан, Тупроқшунослик ва агрокимё институти олимлари 11 йил давомида ҳар хил тупроқ типларида вилт касаллиги тарқалиши бўйича ўтказилган тажрибалари бу касалликнинг кўпинча қадимдан сугориладиган ерлар - бўз ва ўтлоқи - воҳа тупроқларга тўғри келишини аниқладилар. Янги сугорилган ерларда вилт касаллиги сезиларли даражада кам, янги ўзлаштирилган ерларда эса бу касаллик умуман кузатилмади. Бу ҳол янги ўзлаштирилган ерларда кўриқ даврида пайдо бўлган фаол органик моддалар мавжудлиги деб қаралиши мумкин. Демак, тупроқ унумдорлигини ошириш учун, тупроққа доимий тушиб турадиган янги органик моддалар зарур.

Амалиётда тупроклар унумдорлигини ҳар томонлама ошириб бориш масаласини ечмоқлик фақат уларнинг табиий ресурсларини ишга солмоқликка асосланган бўлмастан, балки уларнинг сарф бўлиб кетган қисмини қайтариш ва тўлдириш, шу билан бирга агроэкосистемаларнинг кўшимча энергия резервларига ва фотосинтезнинг юқори маҳсулдорлиги шартларини қондирмоқликка (биринчи навбатда карбонат ангидрид газига бўлган талабни қондирмоқликка) асосланган бўлиши керак.

Агроэкосистемаларда энергетик балансни, моддалар балансини

мусбат кўрсаткичга қўтариш учун ёки мўътадиллаштириш учун тупроқда, бизнингча органик модда йиғилишини кўпайти-риш зарур. Бунинг учун: тупроқ-ўсимлик-биомахсулот тизими формуласи тупроқ-ўсимлик - чорва моллари - биомахсулот тизими шаклига ўтказилиши керак.

Хозирги вактда бундай тизим айрим кичик дехкон ва фермер хўжаликларида мавжуд, лекин бу тизимни мамлакатимизнинг ҳамма худудида етарли даражада қўллаш лозим. Бу тизим амалиётда кенг кўлланилганда:

- а) агроэкотизим таркибида озуқа дон экинлари ҳиссаси ортади;*
- б) чорвачилик ривожлантирилиб, ундан олинадиган сут, гўшт ва бошқа маҳсулотлар кўпаяди, шу билан бирга бу соҳада ҳам мустақилликка эришилади;*
- в) тупроқ унумдорлигини оширишининг реал манбаи - органик ўғит етарли бўлади;*
- г) қишлоқ хўжалиги ишилаб чиқарииши чиқиндисиз, атроф-муҳитни ифлослантирумайдиган экологик тоза технологияга эга бўлади.*

### **Ўзбекистон Республикаси суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг механик таркиби бўйича МАЪЛУМОТ**

Вилоятлар номи	Механик таркиби						
	Соз	Оғир	Ўртacha	Енгил	қумлoқ	қумли	Жами
корақалпогистон Рес.	1889	102658	143339	126755	27363	5786	407790
Андижон		63770	93733	30709	4299	7447	199958
Бухоро		22586	73477	64901	11122	11931	184017
Жиззах		27842	146346	75893	24597	0	274678
кашқадарё	9412	102654	179775	118443	35133	132	445549
Наманган	2379	56260	105825	47734	16683	254	229135
Навоий		14274	48601	27971	3717	222	94785
Самарқанд	231	60639	178341	65249	1679	0	306139
Сурхондарё	4346	75653	101134	59582	27646	873	269234
Сирдарё	316	25977	138202	90853	7514	0	262862
Тошкент	2102	138960	165749	19658	2568	0	329037
Фарғона	1364	33722	95975	98738	59472	212	289483
Хоразм	301	33070	76593	55171	11464	13861	190460
Республика бўйича	22340	758065	1547090	881657	233257	40718	3483127

Хозирги шароитда дехкончиликни минерал ўғитларсиз тасаввур килиб бўлмайди - улар юқори ҳосил олишнинг муҳим омили. Энг яхши тупроқлардан бири бўлган бўз-воҳа тупроқларининг табиий унумдорлиги ғўздан гектарига 12-15 центнер ҳосил олишни таъминлайди ҳолос.

Кимёлаштириш янги ривожланган пайтда, маъдан ўғитларнинг фойдалилиги яққол кўзга ташланди. 1970 йиллардан бошлаб уларнинг меъёри ошгани билан самараси камая бошлади. Салбий ҳоллар кўзга ташланди: тупроқларда мақро ва микроэлементлар нисбати бузилди, азотнинг ювилиши, грунт сувларига ўтиши ва атроф-мухитнинг ифлосланиши, вилт каби касалликларнинг кучайиши, фойдали микроорганизмларнинг камайиши ва ҳоказо. Кам унумдорликка эга бўлган тупроқларда ўғитларнинг ўзлаштирилиши ҳам жуда паст. Шунинг учун тупроқ унумдорлигини оширишда минерал ва органик ўғитларни биргаликда ишлатиш катта ахамият касб этади.

Лекин бугунги кунда минерал ўғитларнинг таннархи ошиши, етишмаслиги уларнинг ўрнини боса оладиган маъданларни қидириб топишни ва қўллашни тақозо этади. Ўзбекистонда табиий маъданлар (бентонит, глауканит, бентонитсимон лойлар, фосфоритлар, дарё, кўл ва сув омборлари ётқизиклари ва ҳоказолар) захираси мавжуд. Агар минерал ўғитлар билан асосан айрим элементлар (азот, фосфор, калий) тупроққа тушса, юқоридаги табиий маъданлар таркибида тури - туман микроэлементлар ҳам мавжуд. Сўзсиз, улар тупроқларнинг таркиби, хосса хусусиятларини ҳисобга олиб қўлланилганда тупроқ унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Олимлар олиб борилган тажрибалари шуни кўрсатадики, маҳсус технология бўйича тайёрланган компостларнинг тупроқ унумдорлигига таъсири сезиларли бўлади. Бунда органик ўғитлар, шунингдек саноат чиқиндилари табиий маъданлар билан ҳар хил нисбатда маълум намлиқда аралаштириб, тайёрланган. Табиий маъданлардан фойдаланиш ҳакида алоҳида маълумотнома тайёрланганлигини ҳисобга олиб, бу ерда батафсил сўз юритмаймиз.

Тупроқ унумдорлигини оширишнинг асосий йўлларидан бири ишлов беришни тартибга тушириш, уни минималлаштиришдир. Юқорида таъкидланганидек, бизнинг тупроқларимиз структураси кам. Доимий ишлов буни янада камайтиради. Тупроқлар-инг зичланиши ошиб боради. Олинган маълумотлар шуни кўрса-адиқи, тупроқ зичлиги  $1,4 \text{ г}/\text{см}^3$  гача бўлгандагина ўсимлик яхши ривожланади.

## ЕР МОНИТОРИНГИ

Ер мониторинги ер тўғрисидаги ўзгаришларни ўз вактида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тутатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат.

Давлат ер кадастрини юритиши, ердан фойдаланиши, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиши устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосда амалга оширилади. (Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 14-моддаси).

**Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабр 496-сонли «Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш хақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат кўмитаси томонидан манфаатдор вазирликлар ва давлат кўмиталари ҳамда идоралар иштироқида ерларнинг ҳолатини, тезкор ва мунтазам кузатиш ишларини амалга оширувчи, тадқиқотлар, текширишлар ўтказувчи ёки хариталовчи барча корхона ва ташкилотлар учун мажбурий хисобланган ягон услугуб ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ушбу қарор ва услубда қўйилган талаб ҳамда вазифаларни амалга оширишда ер мониторингига ягона умумдавлат нуқтаи назардан ёндошишни таъминлаш, ер фондининг ўзгариш динамикаси тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш, уни юритиш услугуб ва воситаларини такомиллаштириш, ўрганиш ҳамда ўзаро узвий боғлиқ ҳолда олиб боришни ташкил қилиш мақсадида манфаатдор вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи идоралараро Кенгаш ташкил қилинди.

Кенгаш қарорига кўра, Ўзбекистон Республикасида ер мониторингини юритишнинг ягона Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш учун ўз навбатида ҳар бир манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан ерлардан фойдаланиш мақсадини хисобга олган ҳолда, ўз тизими бўйича ер мониторингини юритиш Дастурини ишлаб чиқиш ва уни умумлаштириш учун Ер ресурслари давлат кўмитасига тақдим қилиш вазифаси юклатилган.

Ер ресурслари давлат кўмитасининг тармоқ ва ташкилотлари томонидан 2001-2002 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги мақса-дидаги ерларда тупроқ мониторинги бўйича маълум ишлар амалга оширилди. Тупроқ мониторинги эса амалдаги услугуб талабига асосан уч даврга бўлинib бажарилади, яъни:

- *тайёргарлик даври*
- *дала ишлари даври*
- *камерал (лаборатория) ишлари даври.*

корақалпогистон Республикаси ва Жиззах, Сирдарё ҳамда Хоразм вилоятларида қишлоқ хўжалиигига мақсадларига мўлжал-ланган ерларда тупроқ мониторингининг тайёргарлик даври якунига етказилди.

Тайёргарлик даври мажмуаси қўйидагилардан иборат. Олдинги йиллардаги тадқиқот материаллари-тупроқлар инвентаризацияси, тупроқ - мелиоратив, тупроқ эрозиясининг картографик, аналитик, график хужжатлари ва бошқа тадқиқотлар натижалари, ҳамда тушинтириш матнлари, хисоботлар, баёнлар, тупроқ материалларини умумлаштириш, таҳлил қилиш ва шу асосда доминант тупроқлар (типик, энг кенг тарқалган) турларини танлаш ишлари амалга оширилди.

Доминант тупроқларда таянч участкаларини танлашда қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах, Сирдарё, Хоразм вилоятларининг 1: 10000 ва 1: 25000 масштаблардаги тупроқ хариталари ва уларнинг экспликацияларидан фойдаланилди.

Таянч участкалари табиий ва қишлоқ ҳўжалиги ландшафтiga типик бўлган тупроқ турини ифодалаш керак, уни танлаш ушбу худуднинг тупроқ-икклим ва геоморфологик районлаштирилишини хисобга олиб умумлаштиргандаги қорақалпоғистон Республикасининг сугориладиган зонасида 9 та, Жиззах вилоятида 9 та, Сирдарё вилоятида 7 та ҳамда Хоразм вилоятида 7 та-тупроқ доминант турларини белгилаш имконини берди. Бу тупроқ доминант турлари таянч участкаларининг дастлабки жойлашиш ўринларини ва уларда эса экологик стационар ва ярим стационар экологик майдончаларнинг жойлашиш ўринлари аникланди.

қорақалпоғистон Республикасида сугориладиган зонадан ташқари 4 та алоҳида йирик минтақа, бир-биридан литологик-геоорфологик тузилиши, ҳамда тупроқ қопламаси билан фарқ қиласидиган минтақалар ажратилади. Булар Устюрт, Амударё делтасининг қуриб бораётган қисми, Оролнинг қуриб бораётган туби ва қизилқум Ақчадарё шимолий делтасидир. Бу минтақалардаги яйлов сифатида фойдаланаётган ерларда (қисман қуриб қолган) ҳар хил режимдаги тупроқлардаги хозирги жараёнлар динамикасига қараб, мониторинг кузатишлари олиб бориш мақсадга мувофиқидир.

Ҳар бир минтақада мавжуд тупроқлар материалларини умумлаштириш билан тупроқ иқлимий районлаштиришини ва геморфологик тузилишини хисобга олиб доминант тупроқ турларини ифодалайдиган учтадан таянч участкалар олиш белгиланади. Белгиланган доминант тупроқ турларидаги таянч участкалар ўрни хариталарга туширилади.

Бундан ташқари, Наманган, Фаргона ва Навоий вилоятларида қишлоқ ҳўжалиги максадларига мўлжалланган ерлarda тупроқ мониторингини олиб бориш учун доминант тупроқлар турлари бўйича таянч участкаларини белгилаш ишлари давом этмоқда.

2003 йилдан бошлаб, Сирдарё вилоятида дала-тадқиқот ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ер мониторинги бўйича навбатдаги ишлар амалдаги Дастан асосида кенг миқъёсда олиб борилади.

### **Тупроқ мелиоратив мониторинг ва унинг вазифалари**

Тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилаш, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ишлари тупроқ ҳолатлари, унинг инсон фаолияти таъсирида ўзгаришлари тўғрисидаги барча маълумотларни тақозо этади.

Ер қобиғи, гидросфера, атмосфера ва қуруқликда хаёт кечириувчи организмлар ўртасида моддалар алмашувида содир бўлади-ган жадал жараёнларда биосферанинг алоқа воситаси бўлган туп-роқнинг роли

ниҳоятда катта, у атроф мұхитни кенг доирада кузатишнинг айрилмас қисми бўлган тупроқ ҳолатларини алоҳи-да кузатиш зарурлигини белгилайди.

Мониторинг деганда ер ҳолатини баҳолаш ва башорат қи-лиш, тупроқдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш мақса-дидага бўлаётган ўзгаришларнинг узоқ муддатли кузатишлари тушинилади.

Тупроқ қопламлари, шу жумладан тупроқ-мелиоратив ҳолатини кузатиш хизматларини ташкил этиш зарурияти йилдан-йилга мұхим ва ўткир муаммо бўлиб қолмоқда, чунки инсоннинг тупроқка кўрсатаётган таъсири суръатлари доимо ошиб бормоқда.

Хозирги даврда ерларнинг мелиоратив ҳолатини кузатишнинг мұхим вазифалари қўйидагилардан иборат:

-Худудлардаги шўрланган тупроқларни аниқлаш ва баҳолаш, назорат қилиш, тупроқларнинг туз режимлари ўзгаришини назорат қилиш.

- Иккиламчи шўрланишга учраган тупроқларни башорат қилиш ва баҳолаш, назорат қилиш.

- Сув, шамол ва ирригацион эрозияга учраган ерларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳисобга олиш.

- Эрозия ривожланиши натижасида тупроқнинг ўртача йиллик йўқолишини баҳолаш.

- Гипсли тупроқларни аниқлаш ва баҳолаш, улардан фойдаланишни кузатиш.

- Тошлок тупроқларни аниқлаш, баҳолаш, мелиорациялашни кузатиш.

- қумли ва қумлок тупроқларни аниқлаш, ҳолатини баҳолаш ва назорат қилиш.

- Тупроқ дегумификацияси ва гумус ҳолатини тиклаш, сақлаш ва ошириш жараёнларини баҳолаш ва назорат қилиш.

- Ўсимликларнинг асосий озиқа элементлари баланси танқис регионларни аниқлаш ва бу элементларнинг миқдорини назорат қилиш.

- Тупроқда кислотали ва ишқорий мұхитнинг ўзгаришини назорат қилиш.

- Ўта зичланган тупроқларни аниқлаш ва баҳолаш, назорат қилиш.

- Тупроқлар хайдалма остидаги зич қатлам ҳамда тупроқ қатқалоги пайдо бўлишини башорат қилиш, аниқлаш ва назорат қилиш.

- Тупроқнинг оғир металлар билан ифлосланишини назорат қилиш.

- Тупроқнинг саноат корхоналари таъсири зонасида, транспорт магистралларида оғир металлар ва радионуклеидлардан локал ифлосланишини, шунингдек агрохимикатлар, пестицидлардан ва аҳоли зич жойлашган ҳудудларда саноат чиқиндиларидан фойдаланишни назорат қилиш.

- Тупроклар рекультивацияси ва уларнинг мелиоратив ҳолатини кузатиш.

- Тупроқдаги намлик, ҳарорат, структура ҳолати, сув-физикавий ва физик-механик хоссаларини даврий ва узоқ муддатли назорат қилиш.

- Гидроморф ва ярим гидроморф шароитларда ғрунт сувларининг чуқурлигини, минерализациясини ва ифлосланишини даврий ва узоқ муддатли назорат қилиш.

- Ерларни гидроқурилиш жиҳатдан лойиҳалашда, мелиора-циялашда, дәхқончиликнинг янги тизимларини жорий қилишда, ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва турли биотехнологиялар қўлланилганда тупрокда содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни аниқлаш ва назорат қилиш.

- Ҳайдаладиган ярокли унумдор тупрокларни, айниқса мелиоратив мақбул, қулай ерларни саноат ва куммунал мақсадлари учун ажратишда уларнинг майдони ва тўғрилигини инспекторлик назорат қилиш.

- Ерлардан фойдаланишининг тўғрилигини, илмий асосланган-лигини, шунингдек мелиорацияга муҳтож (шўрланган, эрозияга учраган, тошлоқ, ўта зичлашган, гумуси камайиб кетган, ифлосланган, ўта намланган, қуриб кетган ва бошқалар) туп роқларда агротехник ва агромелиоратив тадбирларнинг аниқлиги ва тўғрилигини инспекторлик назорат қилиш.

Юкорида сана кўрсатилганлар кўпроқ умумий тарзда ва у қадар тўла бўлмаган вазифалар рўйхати бўлиб, улар Республиканинг тупрок-географик, тупрок-иклимий ва иқтисодий районлаштириш, тупрок кузатиш обьекти, шу жумладан ерларнинг мелиоратив ҳолатини кузатишдан келиб чиқиб табакалаштирилиши мумкин.

Тупрок мелиорацияси-қатъий илмий ёндошишга асосланган доимий иш ҳисобланиб, бу Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги-даги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурининг ва ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишининг хукукий асосини яратишнинг муҳим қисми бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси" ҳамда "Давлат ер кадастри", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида", "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар ва мөърий хужжатларда ўз аксини топган.

Шу боис ҳозирги даврда тупроқшуносларнинг асосий вазифаларига-тупрок қопламлари ва тупроқ-мелиоратив ҳолатларини чуқур ва ҳар томонлама батафсил ўрганиш асосида республика тупрокларини тўла текшириш ўтказиш, биосфера ва иқтисодий ривожланиш табиий ресурслари тизимларининг бир динамик тизимчаси сифатида уларнинг ҳолати ва потенциал имкониятларига баҳо бериш, шулар асосида барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ерларни муҳофаза қилиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишга қаратилган экологик ва

иқтисодий асосланган технологияларни ишлаб чиқиши киради.

### **Дехқончиликда агрозоология мониторинг**

Амалда халк хўжалигининг барча тармоқларида, шу жумладан кишлоқ хўжалигида ҳам содир бўлаётган жадал илмий-техникавий тараққиёт асримизга хос хусусиятлардан биридир. Аммо баъзи жойларда табиий экосистемаларга қйламай-нетмай, баъзида эса билимсизларча аралашувнинг салбий оқибатлари шу даражада намоён бўлдики, деярли барча жаҳон жамоатчилиги дехқончиликни экологизациялаш зарурлигини тобора кўпроқ эътироф этмоқда. Маърифатли жамият экология конунларини соғлом иқтисодиёт билан бирга тушуниб этиши асосидагина табиатдан фойдаланишининг мақбул тизимини яратиши, дехқончиликни экологизациялаштириши мумкин. Турли касбларга мансуб олимлар - агрономлар, агрометеорологлар, тупроқшунослар, агрозоологлар, ер тузувчилар, агрокимёгарлар, ўсимликшунослар, биотехнолог-ларнинг илмий ютукларини тезроқ интеграциялаш зарур, бу эса дехқончиликнинг экологик асосларини вужудга келтиришни яқинлаштириш имконини яратган бўлур эди. Мазкур йўналишдаги ишлар ерларга агрозоологик баҳо бериш тизими, кишлоқ хўжалик экинларини агрозоологик баҳолаш тўғрисидаги ахборотнинг мавжудлигини, дехқончилик тизимлари, ерларнинг агрозоологик типлари лойиҳаланишини, техникавий воситаларга нисбатан агрозоологик талабларни, инсон техноген фаолиятининг агроценозларга таъсирини ва шу каби соҳаларни ўрганиб баҳолашни тақозо этади. Мана шуларнинг ҳаммаси атроф муҳит умумий мониторингининг ажralmas қисми сифатида агрозоологик мониторингни маҳсус ташкил этиш зарурлигини эътироф этади ва белгилаб беради. Агрозоологик мониторинг олдида турган умумий вазифалар миқдори етарли даражада каттадир. Ҳозирги босқичда дехқончиликдаги агрозоологик мониторингнинг энг муҳим вазифалари куйидагилардан иборат:

- агроландшафтларнинг ўзгаришларини кузатиб бориш;
- худуддаги тупроқларнинг сув баланси, сизот сувлар режими устидан назорат ўрнатиш;
- чўлга айланиш, заҳ босищ, ботқоқка айланиш, ерларнинг захини кочириш, шўр босищ каби жараёнларни кузатиб бориш;
- кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган тупроқ унумдорлигининг асосий элементларини назорат қилиш;
- кишлоқ хўжалик ўсимликлари - экинзорлар, ўтлоқлар, яйловлар, кўп йиллик экинларнинг ҳолати ва ўзгариш эҳтимолига тўлақонли баҳо бериш;
- тупроқнинг, юза ва сизот сувларнинг, ҳаво ҳавзасининг зарарланишини назорат қилиш ва унинг миқдорини аниқлаш;
- саноат чиқиндиларининг салбий таъсирига дуч келган ерлар

холатини, уни оғир металлар, уй-рўзгор чиқиндилари билан заарланиши ҳамда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ўғитлар ва кимёвий воситалар омборхоналари, гўнгхоналарнинг бевосита ён-атрофга таъсири устидан назорат ўрнатиш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг микотоксинлар билан запарланишини кузатиш ва назорат қилиш;

- қишлоқ хўжалик экинларининг энг мақбул тарзда жойлаштирилиши устидан назорат ўрнатиш;

- алмашлаб экишнинг илмий асосда шакллантирилишини назорат қилиш;

- тупрокқа ишлов беришни экологизациялаш устидан назорат ўрнатиш;

- Ўғитлардан фойдаланиш, уларни сақлаш ва ташишнинг экологик жиҳатларини назорат қилиш;

- Ўсимликларни химоя қилиш тадбирларини мувофикалаштириш устидан назорат ўрнатиш;

- экологик соғ дехқончилик маҳсулоти олинишини назорат қилиш;

- дехқончиликда техника воситаларига нисбатан агроэкологик талабларни кузатиш;

- дехқончиликнинг янги технологиялари ҳамда янги тизимлари жорий этилишини назорат қилиш ва кузатиш;

- сув ва шамол эрозияси, ирригация, шўр босиш каби заарланишлар оқибатида тупрокнинг ўртача йиллик нобудгарчилигига баҳо бериш;

- агроландшафтлар мелиорацияси устидан назорат ўрнатиш;

- қишлоқ хўжалигидан бошқа максадларда фойдаланиш учун агроландшафтлардан ҳайдашга яроқли экологик кулай ерлар ажратилишининг микдорлари ва тўғрилиги устидан инспекторлик назорати ўрнатиш.

қайд қилинганлар дехқончиликда агроэкологик мониторинг олдида турган вазифаларнинг энг умумий ва эҳтимол, тўлиқ бўлмаган рўйхати бўлиб, улар минтақавий шарт-шароитларга тадбиқан қишлоқ хўжалик экинлари ва ерларга бериладиган агроэкологик баҳони ҳисобга олган ҳолда дифференциаллаштирилиши лозим ҳамда улар қатъяян илмий ёндошуvgва асослангандир.

**Ер муносабатларни бошқаришнинг меъёрий-хуқуқий асослари.** Ўзбекистон Республикасида ер муносабатларини бошқаришнинг меъёрий – хуқуқий негизи Ўзбекистон Республикасида расмийлаштирилган қонунчилик хуқуқи асосида, Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги, «қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа хуқуқий бошқарув

хужжатларига биноан ташкил этилади.

Хозирги кунда, республикада ер қонунчилиги талабларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг меърий хужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2000 йил 19 май 197 – сонли қарори ва бошқа меърий – хукукий расмий актлар асосида ер муносабатларии тартибга солиш ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган хужжатлар тайёрланмоқда ва ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунларни амалга ошириш ва уларни ишлаб чиқаришда юритилишини таъминлаш мақсадида давлат томонидан қўйидаги қонун ости меърий – хукукий расмий хужжат қабул қилинди:

- Ўзбекистон Республикаси худудларини кадастр бўйича бўлиш хамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом.

Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари, муассаса ва идоралари билан келишилган қўйидаги хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этилди:

- ер участкасини сақлаш тартиби тўғрисида Низом;

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланишда иктисодий жиҳатдан рағбат-лантириш тартиби тўғрисида Низом;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва ички иш юритиш борасида қўйидаги меърий – услугубий хужжатлар ишлаб чиқилди:

- Ўзбекистон Республикаси, вилоят ва туманлар учун Давлат ер кадастри юритиш мақсадида тупроқ хариталарини тузиш бўйича Йўриқнома;

- Вилоят ва туманларда Давлат ер кадастри юритиш мақсадида ер баҳолаш хариталарини тузиш бўйича Йўриқнома;

- Ер участкалари ва улар билан чамбарчас боғлик бўлган бошқа кўчмас мулк обьектларига кадастр рақамлари беришни расмийлаштириш ва хисоб – китоб қилиш тартиби тўғрисида Йўриқнома;

- Худуд ички ер тузиш ишларини ташкил қилишда алмашлаб экишни юритиш тўғрисида қўлланма;

- Ўзбекистон Республикаси сугориладиган тупроқларини бонитировка қилиш бўйича Услубий қўлланма;

- Сугориладиган тупроқлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш, эрозия жараёнларининг олдини олишга ва чигитни пуштага экишга оид тавсиялар.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан Вазирликлар, муассаса ва идоралар билан келишилган ҳужжат: «қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг унумдорлигини таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қону-нини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамасига киритиш учун тақдим қилинди.

Хозирги вақтда, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ер муносабатларини тартиба солиши амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қонунчилик талабларини ижросини таъминлаш бўйича, месъёрий – хукукий ҳужжатлар тайёрлаш ва ишлаб чиқиш ишларини бажаришда диққат – эътиборини янада кучайтироқда.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, аввалги йилларга нисбатан ердан фойдаланиш анча яхшиланганлигига қарамай вилоятларда сугорилаётган ерлардан мақсадсиз фойдаланиш, режалаштирилмаган экинларни экиш каби ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Мониторинг натижасида бир канча камчиликлар аниқланди ҳамда аниқланган камчиликлар юзасидан вилоят, туман хўжалик раҳбарларига 38 та тақдимномалар киритилди. Ер ресурслари Давлат қўмитаси ва унинг тизимлари томонидан киритилган тақдим-номага асосан белгиланган тартибда чоралар кўрилган. Жумладан, 20 нафар мансабдор шахсларга ҳайфсан берилган, 10 нафар мансабдор шахс вазифасидан озод қилинган. 54 нафар мансабдор шахслар огоҳлантирилган. Ердан самарасиз фойдаланган 6 та фермер хўжаликларининг ижара шартномаларини бекор қилиш тўғрисида хўжалик судларига даъво аризаси киритилган.

Ер ресурслари давлат қўмитаси Ердан фойдаланишни назорат қилиш бўйича ишларини янада тақомиллаштириб кўйилган вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун барча чораларни кўради.

**Фермер ва дехқон хўжаликларига ер ажратиш** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чоралари тўғрисида»ги 300-сонли, 2002 йил 5 январдаги «қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалик-ларига айлантириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги 8 – сонли қарорларини бажариш борасида «Ўздаверлоиха» илмий лойихалаш институти мутахассислари томонидан 89 та ширкат хўжа-ликларининг ер майдонларини фермер хўжаликларига кайта тақсимлаш ишлари бажарилган. Ширкат хўжаликларнинг ер фондларини кайта тақсимлаш лойиха ишлари тегишли хокимликларда тасдиқлаганидан кейин, фермер ва дехқон хўжалик-ларини юритиш учун ер тузиш ва ажратиш хўжжатларини тайёрлаш ишлари бажарилди. 2002 йил натижалари бўйича 5452 та фермер ва 2383 та дехқон хўжаликларига ер

тузиш хужжатлари расмийлаштирилган.

### **ЯГОНА ЕР СОЛИГИ.**

Ягона ер солиги ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари меҳнатининг пировард натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш ва солиққа тортиш механизмини соддалаштириш учун 1999 йилнинг 1-январидан бошлаб жорий қилинган.

Ягона ер солиги қуидаги барча амалдаги умумдавлат (алкадор маҳсулотлари учун акциз солиғидан ташқари) ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар ўрнига киритилган:

Даромад (фойда солиги, қўшилган қиймат солиги, акциз солиги, экология солиги, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер остидан фойдаланганлик учун солиқ, мулк солиги, ер солиги, инфратузилмаган ривожлантириш солиги, бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Ягона ер солигининг тўловчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар учун божхона божи, давлат божи, лицензия йиғимлари, бюджетдан ташқари фонdlарга ажратмалар, ҳамда алкагол маҳсулотлар учун акциз солиги тулашнинг амалдаги тартиби сақланиб қолади.

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритишга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун берилган ёки ижарага олинган ер майдонлари солиқ обьекти бўлиб ҳисобланади.

кишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар), фермер хўжа-ликлари ва агрофирмалар ягона ер солигининг тўловчиладир.

Агар фермер хўжалиги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан бир қаторда шу фаолият турлари билан шугулланса, улар алоҳида ҳисоб юритишлари ва бошқа фаолият турлари буйича қонунчиликда белгиланган солиқларни тўлашлари лозим.

Ўрмон, балиқ ва овчилик хўжаликлари, илмий-текшириш ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг тажриба, экспериментал ва ўкув-тажриба хўжаликлари, хуқуқий шахс мақомига эга бўлган ёрдамчи қишлоқ хўжалиги ҳамда деҳкон хўжаликлари ягона ер солиги тўламайди.

Ягона ер солиги Ўзбекистон Республикасининг Президенти 1998 йилнинг 10 октябрида қабул қиласан "қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солигини жорий этиш түгрисида" ги Фармонга ҳамда Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 26 декабридаги 539-сонли қарорига асосан жорий қилинган. Ягона ишлаб чиқарувчиларнинг шу солиқ буйича давлат бюджет билан ҳисоблаштириш механизми Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлиги 2002 йилнинг 5 мартада 1102-тартиб раками билан рўйхатга олинган "қишлоқ хўжалик товар

ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солигини хисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома" да белгиланган. Ягона ер солиги солиққа тортиладиган ер майдони, база ставкалари ва тузатиш коэффицентларига асосан солиқ тўловчилар томонидан мустақил равишдда хисобланади.

Жамоат бинолари ва хонадонлари, сув ҳавзалари, каналлар, коллектор ва йуллар билан банд бўлган ерлар ҳамда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар буйича тегишли туман ва шаҳарларнинг сугориладиган ерларнинг биринчи синфи учун белгиланган ставкалар база ставкаси қабул қилинган.

### **Ягона ер солигини хисоблаш ва тўлаш тартиби.**

Ягона ер солиги солиқни тўловчилар томонидан ер майдони, солиқнинг базис ставкаси ва тузатиш коэффицентларига асосан хисоблаб чиқарилади.

Ягона ер солигининг суммаси ҳар бир ер тури бўйича кўйидаги формула асосан аниқланади.

$$HkS_{3y} \times C_{6x}K_m,$$

**бу ерда:** H- ягона ер солигининг суммаси, сўм хисобида;  $S_{3y}$ - ер майдони, гектар хисобида;  $C_{6x}$ - 1 га учун солиқнинг база ставкаси;  $K_m$  -тузатиш коэффиценти.

Солиққа тортиси мақсадида ерлар сугориладиган ерлар, лалмикор ерлар, ўтлоқ ва яйловлар, жамоат бинолари ва хонадонлар билан банд бўлган ерлар, сув ҳавзалари, каналлар, коллектор ва йўллар билан банд бўлган ерлар ҳамда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерларга бўлинади. Ҳар бир ер гуруҳи бўйича тегишли база ставкалари ва тузатиш коэффицентлари кўлланилади.

Сугориладиган ерлар бўйича балли "0" дан 10 гача бўлган биринчи синфа кирадиган ерларнинг 1 гектари учун абсолют суммада белгиланган солиқ ставкаси база ставкасига қабул қилинган. База ставкалари туман ва шаҳарлар бўйича белгиланган. Ер майдонларининг қаерда жойлашганлигига, сифати (балл-бонитети) ва сув билан таъминланганлигига қараб база ставкалари тегишли тузатиш коэффицентларига асосан ўзгартирилади.

Лалмикор ерлар ҳамда ўтлоқ ва яйловлар учун қорақолпо-ғистон Республикаси ва вилоятлар буйича белгиланган база ставкалари кўлланилади.

Балл бонитети- бу тупроқ сифати ва табиий унумдорлигининг баҳоси бўлиб, ер участкасининг жойлашган жойи, сув билан таъминланганлиги, бориладиган йўлларнинг мавжудлиги ва кулалиги ва ҳакозоларга ҳам боғлиқ

**қишлоқ хўжалик ерлари учун ягона ер солигининг базавий  
ставкалари 2004 йилга (1 га-сўм)**

Минтақалар	Сугориладиган ерлар (1 синф)	Лалмикор ерлар (текислик минтақаси)	Утлок ва яйловлар ("чўл минтақаси")
кораколпогистон Республикаси	891,2	-	25,3
Андижон вилояти	1352,4	162,5	34,1
Бухоро вилояти	1172,3	-	34,1
Жиззах вилояти	1020,8	153,6	31,6
Навоий вилояти	950,4	153,6	34,1
Наманган вилояти	1694,0	-	34,1
Самарқанд вилояти	1417,7	153,6	31,6
Сирдарё вилояти	815,2	153,6	316
Сурхондарё вилояти	15,20,6	204,6	22,8
Тошкент вилояти	1422,6	162,5	31,6
Фарғона вилояти	1256,6	-	31,6
Хоразм вилояти	1083,5	-	25,3
қашқадарё вилояти	987,8	169,7	40,6
Тошкент шаҳри	3495,6		

**Ягона ер солигининг тузатиш коэффицентлари**

Кўрсаткичлар		Коэффициентлар
Сугориладиган ерлар		
Бонитет бали	0-10	(база ставка)
	11-20	1,50
	21-30	2,25
	31-40	3,29
	41-50	4,67
	51-60	6,54
	61-70	9,00
	71-80	11,68
	81-90	14,55
	91-100	17,5
Баҳоланмаган ерлар		4,67
Лалмикор ерлар		
Текислик минтақаси		(база ставка)
Адир минтақаси		1,19
Тоғ олди ва тоғ минтақаси		1,67
Утлоқлар ва яйловлар		
"Чўл" минтақаси		(базавий ставка)
"Адир" минтақаси		1,51
"Тоғ" минтақаси		2,05
Жамоат бинолари ва хонадонлари билан банд бўлган ерлар		
Сугориладиган ерлар (1 синф)-база ставка		20,44
Сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар ва йўллар билан банд бўлган ерлар		
Сугориладиган ерлар (1 синф)- база ставка		1,04
кишлоқ хўжалигига фойдаланмайдиган бошқаерлар		
Сугориладиган ерлар (1 синф)-база ставка		0,004

кишлоқ хўжалиги учун белгиланган ерларнинг майдони ер тузиш

хизмати томонидан олиб бориладиган ерларни ҳисобга олиш ва ерлар инвентаризациясининг маълумотлари билан қишлоқ хўжалик экинлари ва ер майдонларини ўлчаш маълумотлари қамда маҳсус лойиҳалаш ва кидирув ташкилотлари олиб борган текширих маълумотлари билан тасдиқланиши керак.

Ҳисобланган ягона ер солиги суммасининг миқдори қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ булмасдан, ер аро участкаси жойлашган туман бюджетига ўтказилади.

Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Ер участкаси олиб қўйилганида (камайтирилганида) сотиб олинганида, сотиладиган солиқ ундириш ер участкасини олиб қўйиш (камайтириш) сотиб олиш амалга оширилган ойдан бошлаб тухтатилади (қискартирилади).

Ягона ер солиги тўловчиларига имтиёз белгиланганида, улар ушбу ҳуқуқ вужудга келган ойдан бошлаб солиқ тўламайди.

Имтиёз ҳуқуки тўхтатилган ҳолларда ушбу ҳуқуқ тўхтатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб солиқ тўланиши керак.

Балиқ етиштирувчи хўжаликлар ҳам ягона соликлари тўлашлари мумкин.

Балиқ етиштирувчи хўжалик- бу сунъий сув ҳавзалари-ховузлари балиқ купайтириш, ўстириш ва овлаш билан шугулла-нувчи корхона. Улар томонидан солиқ кўйидаги ерлар учун тўланади.

- **сунъий балиқ етиштирадиган ховузлар билан банд ерлар:** бунда сугориладиган ерлар учун белгиланган тузатиш коэффицентлари қўлланилади, агар сифати, аниқланмаган бўлса, баҳо-ланмаган ерлар учун белгиланган коэффицентлар қўлланилади;
- **дамбалар ва авраглар билан банд ерлар:** бунда қишлоқ хўжа-лигига фойдаланилмайдиган ерлар учун белгиланган тузатиш коэффицентлари қўлланилади;
- **каналлар, коллекторлар, йўлларда бошқа сув хўжалигига мўлжалланган ерлар:** бу хлда сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар ва йўллар учун белгиланганди тузатиш коэффициенти қўлланилади.

Ягона ер солиги тўлашга фақат база ставкаси тасдиқланган қишлоқ хўжалик ерларига эга бўлган қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини (балиқ хўжаликлар ҳам ўтишлари мумкин).

Хукумат қарори билан қишлоқ хўжалик корхонаси мақоми берилган корхоналар мавжуд. (масалан, Машина Трактор Парки (МПТ)). Бундай корхоналар ягона ер солиги тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари сифатида барча солиглар ва мажбурий тўловларни

тўлайдилар. Аммо бундай корхоналар ягона ер солиги тўлашга ўтишлари мумкин эмас.

### **Ягона ер солиги бўйича имтиёзлар.**

Соликка тортилмайдиган ер участкаларига куйидагилар киради:

- кишлоп ахолиси яшайдиган жойлардаги умумфойдаланишдаги ерлар;
- ихота дараҳтзорлари эгаллаган ерлар;
- спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, бассейнлар, спортнинг техник турлари обьектлари ва бошқа физкультура согломлаштириш мажмуалари, оналар ва болаларнинг дам олиш ва согломлаштириш жойлари, санатория ва курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машҳи базалари;
- янги ўзлаштирилаётган ве мелиоратив ҳолатини яхшилаш жараённида бўлган лойихада кўрсатилган муддатга, лекин иш бошлангандагина бошлаб 5 йилдан ошмаган ерлар;
- таълим, маданият ва соглиқни саклаш обьектлари билан банд ерлар;
- тут кўчатлари ўтказилган ер майдонлари 3 йил муддатга, катор ораларига кишлоп хўжалик экинлари экилишидан катьй назар;
- Ўзбекистон Республикаси солик қонунчилигига мувофиқ соликка тортилмайдиган бошқа ерлар;

### **Ягона ер солиги тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:**

- янгидан ташкил этилган кишлоп хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари, жумладан фермер хўжаликлари, давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб 2 йил муддатга;
- даромад (фойда) ва ер солиги тўлашдан озод этилган бошқа кишлоп хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари.

Кишлоп хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар солиқни ҳисоблаш варақасини солик инспекциясига жорий йилнинг 1-февралигача тақдим қилишлари керак. Солиқ йилда уч марта, яъни йиллик солиқнинг 20% идан кам бўлмаган қисми 1 июлгача, 30% дан кам бўлмаган қисми 1 сентябргача ва қолган қисми 1 декабргача тўланиши лозим.

**Мисол:** "Сардорбек" фермер хўжалиги Тошкент вилояти Оққўргон туманидаги сугориладиган ер зонасида жойлашган. Ер майдони 40 га бўлиб, балл-бонитети 61-70 баллга тенг, тузатиш коэффициенти-9,00, 1 га учун база ставкаси 1425,60 сўм.

Ягона ер солиги суммаси қ 40δ1425,60 δ9,00к513216 сўм.

Шундан 1 июлгача 20% - 102643 сўм

1 сентябргача 30% - 153965 сўм

1 декабргача 50% - 156608 сўм

Йил давомида кишлоп хўжалик ерларининг таркиби ва майдони ўзгарганида, ҳисобот йилининг 1 декабригача давлат солик инспекциясига ягона ер солигининг янги ҳисоб-китоби топширилиб, солиқнинг қолган қисми шу ҳисоб-китобга мувофиқ тўланади.

Ягона ер солигининг ҳисобланган суммаси давр харажатларига олиб борилади. Бюджет билан олиб бориладиган ҳисоб-китоб 6410- "Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)" ҳисоб счётининг "Ягона ер

солиги" аналитик счётида олиб борилади. Ҳисобланган солиқнинг суммаси шу счётнинг кредитидан 9439-"Бошқа операцион харажатлар" счётининг дебетига олиб борилади.

Ягона ер солигининг тўловчилари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ солиқнинг тўғри хисобланиши ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгардирлар.

### **СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

Ягона ер солигини тўловчилар мустакил равища, ер мулклари, базавий ставкалар ва тузатиш коэффициентларидан келиб чиқиб ҳисоблаб чикарадилар.

кишлоқ хўжалиги ерлари учун ягона ер солигининг базавий ставкалари сифатида қабул қилинган:

сугориладиган ерлар бўйича- 1 класс ерлари (бонитет балли 10 гача);

лалмикор ерлар бўйича- текислик зонаси ерлари;

пичанзорлар ва ўтлоклар бўйича- "Чўл" минтақаси ерлари.

Ерларнинг қаерда жойлашгани ва сифатига (балл-бонитетга) боғлиқ равища базавий ставкалар тегишли тузатиш коэффициентларига кўпайтирилади.

Масалан: Оқ-олтин тумани бўйича 1 гектар 1-класс ерларнинг базавий ставкаси 1381,5 сўмни ташкил этади.

1га 2-класс ерларнинг (балл бонитети 11 баллдан-20 баллгacha) солиқ ставкаси 1381,5 сўм ծ1,50 (тузатиш коэффициенти) га кўпайтирган холда 2072,3 сўмлигини аниқлаймиз.

1 га 3-класс ерларнинг (21-30 балл) солиқ ставкаси 1381,5 сўм ծ2,25к3108,4 сўм,

1 га 4-класс ерларнинг (31-40 балл) солиқ ставкаси 1381,5 сўм ծx3,29к4545,1 сўм,

1 га 5-класс ерларнинг (41-50 балл) солиқ ставкаси 1381,5 сўм ծ4,67к6451,6 сум,

1 га 6-класс ерларнинг (51-60 балл) солиқ ставкаси 1381,5 сўм ծ6,54к9035,0 сум,

1 га 7-класс ерларнинг (61-70 балл) солиқ ставкаси 1381,5 сўм ծ9,00к12433,5 сум,

1 га 8-класс ерларнинг (71-80 балл) солиқ ставкаси 1381,5 сўм ծ 11,68 қ 16135,9 сум,

Бундан кўриниб турибдики, ернинг унумдорлиги, яъни балл бонитети қанчалик юкори бўлса, солиқ ставкаси ҳам шунга яраша ошиб боради.

Ернинг ҳар бир турига (сугориладиган ерлар, лалмикор ерлар, пичанзорлар, ўтлоклар ва хоказо) тегишли базавий ставкалар ва тузатиш коэффициентлари кўлланади, улар тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган

тартибда етказилади.

Сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари бўйича базавий ставкалар учун тегишли туман ва шаҳар бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Лалмикор ерлар, шунингдек пичанзор ва ўтлоклар бўйича базавий ставкалар учун қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Жамоат бинолари, сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар ва йўллар, шунингдек қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар банд этган ерлар бўйича базавий ставкалар учун тегишли туманлар ва шаҳарларнинг сугориладиган ерлари учун тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Ягона ер солигининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси ер участкаси жойлашган ердаги маҳаллий бюджеттга тўланади.

Йил давомида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи-ларига ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), сотиб олинган, сотилган тақдирда солиқ олиш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), сотиб олинган, сотилган ойдан бошлаб тўхтатилади (қисқартирилади).

Кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ер солиги бўйича имтиёзлар белгиланганда улар соликни ушбу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб тўлашни тўхтатадилар. Ер солиги бўйича имтиёзларга ҳуқуқлар бекор килинган тақдирда улар ер солигини ушбу ҳуқуқ бекор килинган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлашни бошлайдилар.

Кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиги суммасини мазкур Йўрикнома иловасига биноан шакл бўйича ҳисоблаб чиқарадилар ва давлат солиқ органларига ҳисоб-китобни жорий йилнинг 1 февралигача тақдим этадилар. Фермер хўжаликлари ҳисоблаб чиқарилган ягона ер солиги умумий суммасининг 97,5% ини маҳсус транзит ҳисобварағига, 2,5 % ини Дехқон ва фермер хўжаликларини кўллаб-кувватлаш жамғарма-сига тўлайдилар. Ягона ер солиги бўйича ҳисоб-китобларда маҳсус транзит ҳисоб варагига тўланадиган ягона ер солиги сўммаси ҳамда Дехқон ва фермер хўжаликларини кўллаб-кувватлаш жамғармасига тўланадиган ягона ер солиги сўммаси алоҳида устун билан акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиги бўйича бюджет билан ҳисоб-китобни бюджеттга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисоб варагида юритадилар.

Ҳисоблаб ёзилган солиқ сўммаси қуйидагича акс эттирилади: давр

харажатларини ҳисобга олиш ҳисобвараги дебети; бюджетта тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисоб вараги кредити.

Бюджетта ўтказилган солик суммалари куйидагича акс эттирилади: бюджетта тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисоб вараги дебети; пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисоб вараги кредити.

Ягона ер солиfinи тўловчилар давлат солиғ хизмати органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракат-лари устидан давлат солик хизматининг юқори органлари ёки судга шикоят қилиш хуқуқига эгалар.

Ягона ер солиfinи тўловчилар Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Давлат солик хизмати органлари Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ солиқнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва ўз вактида тўланиши устидан назоратни амалга оширадилар.

Яна бундан ташқари ўтган йилнинг декабрь ойида ўтказилган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессияси белгилаб берган ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарори билан киритилган солик солишдаги айрим ўзгаришларни айтиб ўтиш жоиз деб ҳисоблайман.

2004 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солик ставкасининг иккинчи гурух бўйича (энг кам иш ҳақининг 5 дан 10 бараваригача миқдорда) 22% дан 21% га ва учинчи гурух бўйича (энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан юқори миқдорда) 32% дан 30 % га камайтирилди. Бу йилдан бошлаб фуқароларнинг энг кам иш ҳақининг 5 бараваригача бўлган даромадларидан 13%, 5 бараваридан 10 бараваригача бўлган даромаддан 21%, 10 бараваридан юқори бўлган қисмидан эса 30% миқдорида даромад солиғи ундирилади. Бу эса солик юқини енгиллаштиради ва жисмоний шахсларнинг реал даромадларини кўпайтиради.

Жорий йилда бунгача амал қилган (бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, меҳнатга бандлик бўлими ҳамда ижтимоий суғурта тўловларига) ялпи ставкада (37,2%) ижтимоий суғуртага мажбурий бадаллар тўланиши ўрнига меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 33% миқдорида ягона ижтимоий солик тўлови жорий этилди. Бу эса меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг, бинобарин, ходимларга тўланадиган ҳақларнинг ҳам кўпайишини рағбатлантиради. Масалан, ўтган йилдаги тартиб бўйича корхона ўзининг ишчисига 1000 сўм иш ҳақи ҳисоблаган бўлса, 35%-350 сўм пенсия жамғармасига, 1,5%-15 сўм бандлик бўлимига, 0,7%-7 сўм ижтимоий суғурта тўловига, жаъми бўлиб ижтимоий суғуртага (37,2%) 372 сўм тўланар эди. Бу йилдан бошлаб ягона ижтимоий солик тўловининг жорий этилиши натижасида 372 сўмнинг ўрнига 330 сўм тўланади, яъни ўтган йилга нисбатан ҳар 1000 сўм ҳисобланган иш ҳақига нисбатан

пенсия фондига 42 сўм кам тўланади. Демак, шу пайтгача амал қилиб келган 3 та тўлов ўрнига фақатгина 1 та тўлов тўланади, яъни тўловлар сони ҳам камайди, ҳам бундан ташқари тўлов ставкаси 37,2% дан 33% га анча пасайди. Бу ҳам солиқ юкини енгиллаштириш борасида қўйилган кадамлардан биридир.

Энди яна бевосита, қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти етказиб берувчилардан ундириладиган ягона ер солигига қайтсақ, бу йилда ўтган йилга караганда инфляция даражасидан келиб чиқиб ягона ер солигининг базавий ставкалари ўртача 1,5 бараварга кўпайди. Масалан, Боёвут туманида жойлашган қишлоқ хўжали-гида фойдаланиладиган 10 гектар ер майдонининг балл бонитети 51 баллни ташкил қилган бўлса, тузатувчи коэффициент 6,54 кўлланилади.

Ўтган йил базавий ставка 970,7 сўмни ташкил қилган, шу ставкада 2003 йил учун 63483,8 сўм ягона ер солигини тўлаган бўлса, жорий йил учун базавий ставка 1456,1 сўм белгиланганлиги сабабли 2004 йилга 95228,94 сўм ягона ер солигини тўлайди.

#### **ЕРЛАРНИНГ СИФАТИНИ АНИҚЛАШ БҮЙИЧА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАР**

Ер кадастрининг таркибий қисми бўлган тупроқ бонитировкаси бўйича тузатиш коэффициентларини ишлаб чиқишида чиринди ва озиқа элементларининг захирасини ҳисоблаш катта аҳамиятга эга.

Ялпи чиринди, фосфор ва калийнинг захираси қўйидаги формула бўйича ҳисобланади

$$Нк = \frac{a \cdot 10\,000 \text{к} \cdot В \cdot Р}{100};$$

бу ерда Н- гумуснинг захираси т/га; а- генетик қатламнинг қалинлиги метрда; В- ушбу қатламнинг ҳажм оғирлиги; Р- гумуснинг фоиздаги миқдори.

1-масала. қўйидаги маълумотлар асосида сугориладиган типик бўз тупроклар учун (0- 50 см ва 0- 100 см қалинликдаги) гумус захирасини ҳисобланг.

қатламлар, см	Чиринди миқдори, %	Ҳажм оғирлиги, г/см <sup>3</sup>	
0- 30	1,14	1,27	
30- 55	0,83	1,37	
55- 79	0,51	1,34	
79- 127	0,42	1,32	

$$\text{Ечиш: } 0-50 \text{ см учун: } H_{1K} \frac{0,30x10000x1,14x1,27}{100} = 43,4 \text{ т/га}$$

$$H_{1K} \frac{0,20x10000x0,83x1,37}{100} = 22,7 \text{ т/га}$$

$H_K = 43,4 \text{ кг/га}$

2- масала. Берилган маълумотлар асосида оч тусли бўз тупроқлар минтақасида жойлашган суғориладиган ўтлоқи тупроқлар учун чириндининг захирасини 0- 50 см ва 0- 100 см қатламлар учун хисобланг.

қатлам лар	Чиринди миқдори, %	Ҳажм, оғирлиги, г/см <sup>3</sup>	қатлам лар см	Чиринди миқдори %	Ҳажм оғирлиги г/см <sup>3</sup>
0- 37	1,40	1,32	0- 33	0,73	1,37
37- 56	0,59	1,41	33- 45	0,43	1,51
56- 80	0,47	1,34	55- 65	0,35	1,38
80- 110	0,31	1,36	90- 125	0,22	1,37
<hr/>					
0- 36	1,31	1,37	0- 30	1,33	1,33
36- 54	0,49	1,45	30- 47	1,01	1,40
54- 80	0,42	1,38	47- 56	0,31	1,37
80- 103	0,24	1,39	56- 93	0,28	1,35
			93- 120	0,24	1,38
			120- 140	0,23	1,36

Харакатчан шаклдаги озиқа моддаларининг захираси қўйидаги-ча хисобланади.

$$H_K = 10 \cdot B \cdot M$$

H- азот, фосфор ёки калийнинг захираси кгFга;

a-генетик қатламнинг қалинлиги, сантиметрда;

B- ушбу қатламнинг ҳажм оғирлиги, гFсм<sup>3</sup>;

M- азот, фосфор ёки калийнинг миқдори мгFкг.

3- масала. Берилган маълумотлар асосида жигарранг тупроқлар учун харакатчан фосфор ва калий захирасини хисобланг (0- 50 см учун)

қатламлар, см	Харакатчан фосфор мгFкг	Харакатчан калий мгFкг	Ҳажм оғирлиги мFсм <sup>3</sup>
0- 3	52	380	1,28
3- 10	38	350	1,29
10- 28	19	220	1,36
28- 62	15	210	1,32

62- 112	8	180	1,33
---------	---	-----	------

Ечиш: Ҳаракатчан фосфор учун:

$H_1$  к 0,03· 10· 1,28· 52 к 19,97 кг/га

$H_2$  к 0,07· 10· 1,29· 38 к 34,314

$H_3$  к 0,18· 18· 1,36· 19 к 46,5 кг/га

$H_4$  к 0,12· 1,0· 1,32· 15 к 23,8 кг/га

Нк 19,97к 34,3к 46,5к 23,8 к 124,57 к/ га

4- масала. қўйидаги маълумотлардан фойдаланиб, янгидан сугориладиган оч тусли бўз тупроқлар учун ҳаракатчан фосфор ва калийнинг 0- 50 см катлам учун захирасини хисобланг.

қатламлар, см	Ҳаракатчан фосфор мг/кг	Ҳаракатчан калий мг/кг	Ҳажм оғирлиги м/см <sup>3</sup>
0- 25	24,1	250	1,40
25- 45	14,4	240	1,41
45- 65	10,1	220,6	1,44
80- 120	8,2	220,3	1,47

5- масала. Берилган маълумотлар асосида сугориладиган бўз- ўтлоқи тупроқлар учун фосфор ва калийнинг захирасини (0- 50 см учун) хисобланг.

қатламлар, см	Ҳаракатчан фосфор мг/кг	Ҳаракатчан калий мг/кг	Ҳажм оғирлиги м/см <sup>3</sup>
0- 28	29,9	280	1,26
28- 50	21,5	260	1,41
50- 70	16,8	252	1,38
0- 35	25,0	190,0	1,28
35- 45	10,2	100,0	1,42
45- 60	23,1	60,0	1,37
0- 30	12,4	100,0	1,29
30- 48	8,0	60,0	1,41
48- 75	9,0	50,0	1,39

Коэффициентлар танлаш энг нозик, муҳим иш ҳисобланади. Бу ишда энг авалло экилган қишлоқ ҳўжалик ўсимлиги ҳосили билан тупроқни аниқ хусусиятини танлаш керак. Токи бу хусусият билан ҳосил ўргасида ўзаро яхши корреляция бўлсин.

Кўп йиллик тажрибалар ва корреляцион ҳисоб- китоблар натижаларига кўра сугориладиган минтақада тупроқни бонитировкалаш мақсадида ўтказилган ишларда унинг, яъни тупроқни қўйидаги хоссалари танланмоғи мақсаддага мувоғиқ деб топилган.

1. Бўз тупроқлар минтақасида, яъни тоғолди ва адирларда тарқалган тупроқларда эрозияланганлик даражаси, яъни ювилганлик даражаси ва ювилма учун белгиланган коэффициентлар танланади.

Оч тусли бўз тупроқларда буларга яна шўрланганликни ифодалайдиган коэффициентлар кўшилади.

2. Бўз тупроқлар минтақасидаги ўтлори тупроқлар учун эса гумус миқдори, гумус қатлами қалинлиги, тошли қатламни жойлашган ўрнини эътиборга олувчи коэффициентлар танланади.

Агар тошли қатлами 70 см дан юзада жойлашган бўлса, фақат шу кўрсаткич учун ишланган коэффициентлардан фойдаланилади.

Агар майда заррачали қатлам қалинлиги 70 см дан ошса, у ҳолда гумус қатлами қалинлиги эътиборга олинади.

3. Чўл минтақасининг автоморф тупроқларини бонитировкалашда гумус миқдори ва гумус қатлами қалинлиги эътиборга олинади.

4. Чўл минтақасининг гидроморф тупроқларини баҳолашда гумус миқдори, шўрланганлик даражаси, глейли қатлам ўрни ва гумус қатлами қалинликлари учун коэффициентлар қабул қилинади.

Келтирилган коэффициентлар ва уларни танлаш энг зарурый шарт бўлиб, бизнинг регионларни характерлайдиган гурухлар ҳисобланади.

Шулар билан бир қаторда аниқ тупроқ- иклимий шароитида ҳар бир тупроқ минтақасида, провинциясида, округида тупроқнинг хосса ва хусусиятларига қараб кўшимча тариқасида скелетлик, гипслик, зичлик даражалари ва бошқалар ҳам эътиборга олинади.

Тупроқ бонитировкасини асосий тамойили кўйилган бонитет баллари шу тупроқни асосий агрономик хоссаларини қамраб олиб, ҳосилни 80 % дан кўп миқдорини ифодалай олиши эътиборга олинади.

Бевосита ҳосилни чамалаш учун бир баллни ҳосилга мувофиқ қийматини, яъни бир балл неча ц-га ни ифодалашини аниқлаб шу кўрсаткичга мос келадиган рақамга, яъни жойнинг балл бонитетига кўпайтирилади. Бир баллнинг ҳосилга тўғри келадиган қийматини аниқлаш учун Республика бўйича олинган ўртacha максимал ҳосил миқдорини энг унумдор, яъни 100 балли тупроқ кўрсаткичига бўлинади. Бу иш жадвалда келтирилгани каби амалга оширилади.

#### Ҳосилни режалаштириш

Экин тури	Республика бўйича ўртacha максимал ҳосил, ц-га	Бир баллга тўғри келадиган ҳосил миқдори, ц-га
Ғўза	40	0,40
Бугдой	60	0,60
Сули	75	0,75
2-3 йилги беда (пичан)	200	2,00
Дон учун маккаждӯхори	80	0,80

Бевосита ҳосил миқдорини режалаштириш эса куйидагича бажарилади.

Мисол учун 75 балли тупроқлар учун ғўза ҳосилини ҳисоблаш қўйидаги тартибда амалга оширилади.

$$75 \cdot 0.40 \text{к} 30 \text{ ц/ га}$$

Буғдой ҳосилдорлигини бундай тупроқларда  $75 \cdot 0.60 \text{к} 45 \text{ цF}$  га ни ташкил килади. Шу тариқа бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари учун ҳам ҳисобланади.

6- масала. Ушбу тупроқлар номи ва механик таркибига кўра асосий шкаладан тегишли балларини топинг.

а) сугориладиган оч тусли бўз тупроқлар, енгил қумоқли.

Ечиш: Бунинг учун -жадвалдан тегишли балл топилади, яъни 95 баллга эга.

б) Сугориладиган тақирли, оғир қумоқли тупроқлар.

в) Бўз тупроқлар минтақасидаги сугориладиган ўтлоқи, енгил қумоқли сугориладиган ўтлоқи, енгил қумоқли тупроқлар.

7-масала. қўйидаги берилган тупроқ айирмасининг тавсифидан тупроқ бонитет баллини ҳисобланг.

Сугориладиган оч тусли бўз тупроқлар минтақасидаги бўз-ўтлоқи тупроқлар, енгил қумоқли, ўртача шўрланган, глейли қатlam 90 см чуқурликда учрайди.

Ечиш: асосий шкаладан 90 балл билан баҳоланиб, у шўрланиш даражасига 0,60 ва глейли қатlam 0,80 коэффициентларига корректировка қилинади.  $90 \times 0,60 \times 0,80 \text{к} 43,2$

8-масала. Ушбу тупроқ харитаси экспликацияси маълумотлардан тупроқларидан тупроқ бонитет баллини ҳисобланг.

а) Сугориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар, оғир қумоқли, ўртача шўрланган, шамол эрозиясига кучсиз учраган.

б) сугориладиган бўз тупроқлар, ўрта қумоқли, кучли емирилишга учраган тупроқлар.

в) сугориладиган оч тусли бўз тупроқлар минтақасидаги ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар, оғир қумоқли, кучсиз шўрланган, глейли қатlam 72 см да учрайди.

Тупроқ айирмаларининг бонитет балларини ҳисоблангандан сўнг, фермер хўжалиги, фермерлар уюшмасининг тупроқларининг ўртача бонитет балли ҳисобланади.

Ҳисоблаш қўйидаги формула билан ҳисобланад:

$$\text{Бўртача } K = \frac{(b_1 \cdot S_1)K + (b_2 \cdot S_2)K + (b_3 \cdot S_3)K + \dots + (b_n \cdot S_n)K}{S_1 + S_2 + S_3 + \dots + S_n}$$

Бу ерда Бўртача-хўжаликнинг ўртача бонитет балли  $b_1, b_1, b_1, \dots, b_n$ - тупроқ айирмаларининг бонитет балли  $S_1, S_1, S_1, \dots, S_n$ -тупроқ айирмаларининг майдони, га.

9-масала. Фермер хўжалигининг умумий майдони 85 га, шундан 22 гектари 60 балли, 63 гектари эса 54 балли майдонда жойлашган. Фермер хўжалиги учун ўртача бонитет баллини хисобланг.

Ечиш: Бўртача к (60·22) к(54·63) к1320к3402 к 55,5  
22к63 85

10-масала. қўйидаги хўжаликлар учун ўртача бонитет баллини хисобланг.

а) қўйидаги “Ўзбекистон” ширкатлар уюшмаси тупроқларининг ўртача бонитет балларини хисобланг.

Тупроқ айримасини нг №	Майдони	Бонитет балли	Тупроқ айримасини нг №	Майдони	Бонитет балли
1	19	67	10	28	51
2	175	43	11	73	46
3	51	43	12	84	50
4	25	43	13	29	48
5	112	40	14	103	45
6	22	54	15	77	48
7	17	56	16	36	43
8	48	42	17	21	38

б) «Имкон» фермер хўжалиги ерлари «Ишонч» ширкатлар уюшмаси 3-тупроқ айримасида 25 га, 5-тупроқ айримасида эса 6 га майдонни эгаллаган. «Роззок ота» фермер хўжалиги 2-тупроқ айримасида 31 га, 7-тупроқ айримасида 16 га майдонни ташкил этади. қўйидаги маълумотлар асосида ҳар иккала хўжалик учун алоҳида ва ширкатлар уюшмаси учун ўртача бонитет баллини хисобланг.

Тупроқ айримасини нг №	Майдони	Бонитет балли	Тупроқ айримасини нг №	Майдони	Бонитет балли
1	28	71	9	57	43
2	38	62	10	65	45
3	75	54	11	85	45
4	107	54	12	44	31
5	81	46	13	28	38
6	79	48	14	25	36
7	126	52	15	16	34
8	77	54			

Хўжалик тупроқ ҳаритаси экспликациясида кўрсатилган тупроқ айрималарининг бонитет балли асосида унумдорлик синфларига ажратилиди.

11- масала. қўйидаги тупроқ айрималари олган бонитет балларини унумдорлик синфларига гурухланг.

Тупроқ айримасини нг №	Майдони	Бонитет балли	Тупроқ айримасини нг №	Майдони	Бонитет балли
1	74,7	54	6	55,7	65

2	73,2	54	7	239,2	37
3	280,6	76	8	190,8	32
4	290,6	57	9	79,3	41
5	172,9	52	10	36,6	50
Жами:					1509,0

Ечиш: Унумдорлик синфларига киравчи тупрок айирмалари кўрсатилади ва уларнинг майдони жамланади. 11- масала учун:

Унумдорлик синфла Ри	Номлани ши	Баллар	Киритилган тупрок айирма лари	Майдони га
I	Энг яхши	91- 100	-	-
II	Жуда яхши	81- 90	-	-
III	Яхши	71- 80	3	280,6
IV	Ўртачадан юкори	61- 70	6,11	71,1
V	Ўртacha	51- 60	1,2,4,5	611,4
VI	Ўртачадан паст	41- 50	9,10	115,9
VII	Ёмон	31- 40	7,8	430
VIII	Жуда ёмон	21- 30	-	-
IX	Ёмон	11-20	-	-
X	Яроқсиз	1- 10	-	-

Жами: 1509,0

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон» 1997.
2. Атлас. Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурслари Т., 2001.
3. Дўстмуродов Р. «Фермер хўжаликлирида солик» Т., 2004.
4. Максудов Ж., Нагаев Г., Акромов И. Қўзиев Р., Ахмедов А. Тупроқ хариталари ва ерларни баҳолаш хужжатларидан фойдаланиш. Т., 2000.
5. Намозов Х. Ҳайдаладиган ерларнинг иқтисодий баҳоси. Т., 2003.
6. Намозов Х.қ.-Ер ресурсларидан фойдаланишда ер кадастрининг роли ва тупроқ унумдорлигини ошириш йўллари. ТошДАУ. Т., 2001.
7. Намозов Х.қ., Шадраимова К., Турдиметов Ш. Тупроқ бонитировкаси «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Т., 2004.
8. Нигматов.А. Ер ҳуқуки. «Тошкент Ислом Университети» 2001.
9. Норқулов У. Шералиев Х. "Кишлоқ хўжалиги мелиорацияси". "Ўзбекистон миллий энциклопедияси". Т., 2003.
10. Туропов И., Намозов Х.қ-Ер кадастри. Т., 2003.
11. Узоқов П., Бобохўжаев И. – «Тупроқшунослик». «Мехнат». Т. 1995.
12. Умаров М.У.«Почвў Узбекистана». «Фан». Т. 1975.
13. Шадраимова К.И., Намозов Х.қ. Лалмикор тупроқлар бонитировкаси, уларни иқтисодий ва қиймат баҳоси. Т., 2003.
14. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси», «Давлат ер кадастри» тўғрисидаги қонунлари. Т., 1998.
15. Ўзбекистон Республикаси “Давлат ер кадастри” тўғрисидаги қонун. Т., 1998.
16. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари ҳолати тўғрисида миллий хисобот. Т.2003.
17. Қаюмов Ф., Абдиганиев А., Максудов Ж., Акрамов И., Турсунов А. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сифатий, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашнинг мувоққат услуби. Т., 2002.
18. Қурбонов Э. "Республикадаги сугориладиган ерларнинг ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш. Сугориладиган бўз тупроклар унумдорлигини ошириш ва унинг экологик муаммолари".Илмий тўплам. Самарқанд. 2002.
19. Қурбонов Э., Бобоҷонов А.Р, Раҳмонов Р.К. Ер кадастри асослари. Т., 1999.
20. Қурбонов Э., Қўзиев Р., Бўриев Х.,Faфурова Л. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари ва улардан самарали фойдаланишнинг илмий, ҳуқукий, меъёрий ва амалий асослари. Т., 2001.

21. Қўзиев Р.К. "Ўзбекистон Республикаси сугориладиган ерларининг ҳозирги ҳолати. Сугориладиган бўз тупроқлар унумдорлигини ошириш ва унинг экологик муаммолари". Илмий тўплам. Самарқанд. 2002.
22. Қўзиев Р.К., Абдуллаев С.А., Абдуллаев А., Сатторов Ж.С. ва бошқалар. Сугориладиган ерлардан самарави фойдаланиш бўйича амалий таклифлар. Т., 2002.
23. Фафурова Л.А., Шадраимова К., Намозов Х.К. Тупроқ бонитировкаси. Т., 2000.
24. Фафурова Л., Махсудов Х., Намозов Х. Ўзбекистон тупроқ-лари ва улардан самарави фойдаланиш. Т., 2003.
25. Фафурова Л.А., Туропов И., Намозов Х.К. Ер кадастри «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат нашриёти». Т-2006 й
26. 1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалиги иктисадий ислоҳатларни чукурлаштирилиши дастури.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	3
1. Ўзбекистон ер ресурслари. ерлардан оқилона фойдаланишни ташкил қилишда ер кадастрининг аҳамияти.....	5
2. Ер турларининг атамалари ва туркумлари.....	6
3. Ер миқдорининг ҳисобини олиб бориш.....	8
4. Тупроқ ҳариталаридан фойдаланиш.....	9
5. Шўрланган ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш.....	10
6. Сугориладиган ерларни руйхатга олиш тартиби.....	14
7. Лалмикор ва яйлов ерларни руйхатга олиш тартиби.....	17
8. Сугориладиган ерларни унумдорлиги бўйича баҳолаш (бонитировка қилиш тартиби).....	18
9. Ер кадастри китобини юритиш бўйича кўрсатма.....	22
10. Ўзбекистон Республикаси ер фонди.....	28
11. Ер фондининг тоифалари бўйича тавсифи.....	28
12. Ўзбекистон Республикаси тупроклари, уларнинг ҳолати ва сифат баҳоси.....	31
13. Ер мониторинги.....	34
14. Ягона ер солиги.....	38
15. Ерларнинг сифатини аниқлаш бўйича амалий масалалар.....	43
16. Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	48

**Туропов И., Номозов Х., Содикова Г.**

**ЕР КАДАСТРИ**

(Ўқув қўлланма)

Мухаррир: биология фанлари номзоди доцент, **Н.Б.Раупова**

Нашр учун масъул **M.Рузиметов**

Босишга руҳсат берилди 12.06.07. Бичими (60x84) 1/16. Шартли босма табоги 5,8. Нашриёт  
босма табоги 5,8. Адади 200 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

---

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг 21-0941 сонли гувохномаси  
асосида ТошДАУ нашр таҳририяти бўлимининг **РИЗОГРАФ** аппаратида чоп этилди.